

**ЎЗБЕКИСТОНДА
АРХЕОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАР
2018-2019 ЙИЛЛАР**



**АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ
В УЗБЕКИСТАНЕ
2018-2019 ГОДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ

АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
НАЦИОНАЛЬНЫЙ ЦЕНТР АРХЕОЛОГИИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АРХЕОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАР 2018-2019 йиллар
12 - сон**



**АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
В УЗБЕКИСТАНЕ 2018-2019 года**

Выпуск - 12

**ARCHAEOLOGICAL RESEARCHES
IN UZBEKISTAN season 2018-2019**

Volume - 12

Самарканд - 2020


УЎК: 902
Ў12

Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар / тўплам; масъул муҳаррир Ф.А. Мақсудов; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази. – Самарқанд, 2020. – 335 б.

<p>“Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар” тўпламининг 12-сонида Республикамиз ҳудудида 2018-2019 йилларида олиб борилган археологик тадқиқотларнинг қисқача натижалари жамланган. Тўплам археолог, тарихчи, шарқшунос, этнограф, санъатшунос мутахассислар, ОЎЮ, коллеж, лицей ва мактаблар ўқитувчилари ва мамлакатимизнинг узок ўтмиши билан қизиқувчи барча ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.</p> <p><i>Тўплам Ўзбекистон-Франция экспедицияларининг ёрдамида нашр этилди</i></p>	<p>Масъул муҳаррир: Ф.А. Мақсудов</p> <p>Тахрир ҳайъати: М.Ҳ. Пардаев Ж.К. Мирзаахмедов М. Саидов</p> <p>Тақризчилар: т.ф.н. А.Х. Атаходжаев</p>
<p>В 12 выпуске «Археологические исследования в Узбекистане» содержатся краткие результаты археологических изысканий и открытий на территории Республики Узбекистан, проведенных в 2018-2019 годах. Сборник рассчитан на специалистов-археологов, историков, востоковедов, этнографов, искусствоведов, преподавателей ВУЗов, колледжей, лицеев и школ, а также для всех, кто интересуется далеким прошлым нашей страны.</p> <p><i>Издание осуществлено при поддержке Узбекско-Французской археологической экспедиции</i></p>	<p>Ответственный редактор: Ф.А. Мақсудов</p> <p>Редакционная коллегия: М.Х. Пардаев Д.К. Мирзаахмедов М. Саидов</p> <p>Рецензенты: к.и.н. А.Х. Атаходжаев</p>
<p>The 12th volume of “Archaeological Research in Uzbekistan” includes the brief results of archaeological works and discoveries in the territory of the Republic of Uzbekistan, conducted in 2018-2019. The book is intended for the archaeologists, historians, teachers of the Universities, students of the colleges, schools and every-body who is interested of the history of culture of Central Asia.</p> <p><i>This publications is carried with supporting of Uzbek-French Archaeological Missions</i></p>	<p>Editor-in-chief F.A. Maksudov</p> <p>Editorial board: M.H. Pardaev Dj.K. Mirzaakhmedov M. Saidov</p> <p>Reviewers: Dr. A.Kh. Atakhodjaev</p>

ISBN 978-9943-5505-6-8

ЎзР ФА МАМ Яҳё Ғуломов номидаги
Самарқанд археология институтининг
50 йиллиги



Б.М. Абдуллаев, З.О. Рахманов,
Н.Ш. Камбаров, А.Р. Позилжонов

ПОЛЕВЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ 2018 Г. НА КОШТЕПА-2 В АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Археологические изыскания на памятнике в течение 2014-2016 гг. (Абдуллаев, 2016; Сайфуллаев, Абдуллаев, 2017), наряду с открытием следов последовательной жизни с середины I тыс. до н.э. и вплоть до арабского завоевания (начало VIII в. н.э.), включая, частично, период караханидской династии (X-XII вв.), выявили в толще различных культурных слоев, орудия и отходы каменной индустрии эпохи позднего палеолита (40-30 тыс. до н.э.), а также фрагменты керамики чувстской культуры (XII-VII вв. до н.э.). Данное положение позволяет заключить, что эти артефакты сигнализируют о наличии поблизости и/или непосредственно в самых нижних слоях памятника стоянок или поселений более древних обитателей местности.

Вышеперечисленное, а также необходимость определения оборонительного рва привело к решению закладки стратиграфической траншеи у северной подошвы замка, где в предшествовавших полевых сезонах были обнаружены фрагмент чувстской керамики и нуклеус позднего каменного века.

Учитывая, что древние оборонительные рвы имели в среднем 5-8 м в ширину и глубину 3-4 м, а также расположение их от подошвы фортификационных сооружений в 5-7 м (наличие бермы – обычно, уплотненная или глинобитная дорожка у подошвы замка или поселения), заложена траншея длиной 11 м и шириной 2 м, ориентированная по направлению север-юг (рис. 1). Она, для удобства выброса грунта, раскапывалась в ступенчатой форме с юга на север и доведена с 2,2 м в южной части, до глубины 8,7 м – в северной. Для четкой фиксации находок, траншея была разбита на квадраты, начиная с юга.

В результате раскопок вскрыты следы деятельности древних обитателей памятника с сер. I тыс. до н.э. по период развитого средневековья и отраженные в образцах их материальной культуры. Самый нижний слой отмечен на глубине 6,3 м (рис. 1, V, VI, A). Раскопками вскрыта северная сторона (2/3 часть) сооружения с сохранившейся высотой 1,4 м и открытой шириной 2,3 м, предварительно обозначенный как оборонительный вал раннего поселения. Сооружение возводилось из глины красноватого цвета, возможно, методом кладки лумбоз. Вал был перекрыт культурным слоем такого же цвета мощностью 50-80 см, что указывает на причастность второго первому – завал древней оборонительной стены.

Ранний (нижний) культурный слой с тела оборонительной стены представлен большим керамическим комплексом, где наблюдается резкое увеличение доли лепной крашеной посуды (рис. 2). Предварительные результаты сравнительного анализа находок по-




Рис. 1. Восточный разрез траншеи Т-1

звояет датировать данный комплекс с соответствующим культурным слоем IV-III вв. до н.э.

Для периода античности и первого этапа раннего средневековья прослеживаются отчетливые следы рва шириной 8¹ и глубиной 3 м. Последний представлен культурным слоем (рис. 1, VII) мощностью, доходившей до 1,5 м, имеющий свое начало от основания – цоколя северной пахсовой рубашки замка предарабского вторжения с довольно крутым уклоном в 40-42⁰ к северу. В керамическом комплексе с этого культурного слоя присутствует относительное равенство различных категорий сосудов, хотя здесь преобладающей является светлофонная станковая керамика раннего средневековья (рис. 3). Предварительные результаты сравнительного анализа находок позволяют датировать данный комплекс с соответствующим культурным слоем V-VI вв.

Далее шел культурный слой мощностью более 1 м с большой долей включения золы и угольков (рис. 1, VIII-XI), что, вероятно, было связано с моментом военного штурма замка арабами. К этому периоду ров был шириной 14 м, глубиной 4 м. Культурный слой представлен хорошим керамическим комплексом (рис. 4), датируемый, при первом подходе рассмотрения находок, не позднее VII-VIII вв.

В период караханидского господства участок рва полностью заложен пахсовой кладкой или «лумбоз» – трамбовка влажным грунтом (рис. 1, XVI-XVII). Пахсовая мостовая у




Рис. 2. Керамический комплекс из культурного слоя периода ранней античности и/или РЖВ




Рис. 3. Керамический комплекс из культурного слоя периода поздней античности и первого этапа раннего средневековья



Рис. 4. Керамический комплекс из культурного слоя периода предарабского вторжения




Рис. 5. Керамический комплекс из толщи пахсового сооружения и вымостки

северного подножия на южной стороне опиралась на пахсовый цоколь замка, а на севере – на своеобразное пахсовое сооружение, со вскрытой шириной 3,6 м. Керамический комплекс этого культурного слоя (рис. 5, 1-5), несмотря на наличие в ней античных фрагментов (в основном, с красным ангобом) и, возможно, относящихся к раннежелезному веку (крашенная лепная), представлен преобладающим включением светлофонной станковой керамики, датируемой VII-VIII вв. Однако, необходимо отметить, что некоторые фрагменты котлов по своей форме близки подобным артефактам Кувы (Фергана) IX-X вв.

(Ахраров, 1966. С. 129, рис. 3, а, б). Также с этого слоя получена крупная бусина темно-коричневого цвета из стеклянной пасты (рис. 5, 5).

Полевой сезон 2018 года, запланированный на вскрытие рва вокруг поселения античности и раннего средневековья, дал первоначальные результаты. Вторая задача исследования – выявление более ранних культурных слоев, относящихся к эпохе бронзы, не говоря уже о периоде позднего палеолита остается пока открытым. Поэтому в следующий полевой сезон требуется продолжение исследования ранней оборонительной стены для выявления артефактов из внутреннего участка сооружения.

Сноски

¹. Размеры ширины рва даются приблизительно, так как вскрыта лишь его южная половина. Необходимо отметить, что на современном уровне исследования рва сложно точно разграничить античный слой рва от раннесредневекового.

Использованная литература:

- Абдуллаев Б.М. Некоторые итоги раскопок 2014-2015 гг. на памятнике Коштепа-2 // Археология Узбекистана. 2016. № 1.
- Сайфуллаев Б.К., Абдуллаев Б.М., Рахимов И.Д. Андижонда ибтидоий одамлар излари // Водийнома. АндУ журнали. 2017. № 2.
- Ахраров И.А. Кухонная керамика Кувы IX-X вв. // ИМКУ. Вып. 7. Ташкент, 1966.

Б.М. Абдуллаев, А.Р. Позилжонов, И.Д. Рахимов

ПЯТЫЙ СЕЗОН ИССЛЕДОВАНИЙ КОШТЕПА-2 В АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Полевые исследования 2019 года на памятнике Коштепа проводились с конца августа по начало октября за счет средств фонда полевых работ Института археологических исследований АН РУз. Камеральная обработка выявленных материалов производилась в лаборатории Андижанского государственного музея до 15 октября. Затем основная часть находок была передана в фонд музея, а более презентабельные и уникальные находки – определены в выставочные витрины экспозиций «Жемчужины древнего Андижана» (Андижан-2019 и Наманган-2019) и «Древние культуры Ферганы в ракурсе исследований Коштепа-2» (Ташкент-2020).

Археологические изыскания этого сезона были направлены на вскрытие южного и западного участков центрального зала раннесредневекового храма с подиумом на западе и алтарем на востоке (Абдуллаев, 2016. С. 28), а также оборонительных стен в ю-з части замка (рис. 1).

Необходимо отметить, что после разгрома поселения арабами в начале VIII века, замок был в запустении длительное время, вплоть до установления власти караханидов в





Рис. 1. План раскопа-1

Фергане во второй половине X-XI вв., что привело к постепенному разрушению замка под воздействием осадков, солнечных лучей, ветра и других природных явлений. Данное обстоятельство усложняло наши изыскания, так как опыт раскопок 2014 года подсказывал, что длительные осадки в предгорном регионе пагубно влияют на сохранность глинобитных сооружений древности, оставшихся без подобающего присмотра, как это было зафиксировано для помещения 1 раннего замка рубежа н.э. (Абдуллаев, 2016. С. 40; Абдуллаев, 2019. Б. 99). Тем не менее, вскрытие подсобных и хозяйственных помещений храмового комплекса раннего средневековья было необходимо для последующего его сравнительного анализа с подобными сооружениями Ферганы и Средней Азии в целом.

Археологические раскопки показали, что основная часть архитектурных остатков этих помещений была разрушена и смыта еще в древности. Последнее было связано, вероятно, с деятельностью скотоводов, использовавших данные помещения как временные загон для мелкого рогатого скота, а также длительными осадками и отсутствием надлежащего присмотра (Абдуллаев, 2016. С. 27, 34, рис. 10). Несмотря на это, присутствие в древности указанных помещений храмового комплекса прослеживается в рельефе уровня пола, имеющего подьемы в западном и южном направлениях, а также выявленными здесь остатками очагов и геометрических конструкций, выложенных из сырцового кирпича.

Таким образом, в результате археологических раскопок в верхней части памятника выявлены:

- Отчетливые следы рельефа хозяйственных и подсобных помещений храмового комплекса раннесредневекового периода в виде подьема рельефа под ними. С пола получены комплексы керамики, сопоставительный анализ которых позволяет предварительно датировать их VII-VIII вв.



*Рис. 2. Находки чустской культуры:
1 – венчик хума; 2 – фрагмент заготовки каменного серпа*

№	Слой находок и их датировка	Фрагменты стенок сосудов	Формообразующие и орнаментированные фрагменты сосудов, а также каменные, костяные предметы и шлаки	Всего
1	Верхний перемешанный слой	79	37	116
2	Слой пахсовой забутовки X-XII вв.	-	25	25
3	Слой гумуса	499	28	527
4	С пола VII-VIII вв.	108	12	120
5	Слой забутовки помещения V-VI вв.	11	5	16
6	Слой завала над восточной стеной замка	108	21	129
7	Из тела восточной стены замка	142	22	164
	Всего	941	150	1094

- Открытие округлого юго-восточного угла замка дает возможность констатировать сохранение его предшествующей формы, как раннеантичного периода – прямоугольное с округлыми углами (Абдуллаев, 2019. Б. 96). Вероятнее всего, в период раннего средневековья южная и северная стороны замка были усилены дополнительно встроенными башнями с бойницами.

- В процессе раскопок получен целый ряд керамических комплексов, сгруппированных послойно и представленные в таблице.

Одной из особенных результатов этого сезона явилось то, что выявлены дополнительные артефакты (рис. 2) – фрагмент венчика хума и заготовки каменного серпа чувствской культуры (Заднепровский, 1962. С. 272-273, табл. XXV-XXVI), подтверждающие наши предположения (Абдуллаев, 2016а. С. 16; Он же, 2016б. С. 42) о наличии поблизости или, непосредственно, в нижних слоях памятника, стоянки или поселения эпохи поздней бронзы.

Результаты археологических раскопок 2019 года требуют планирования в следующем полевом сезоне продолжения исследований ранних культурных слоев, выявленных у южной подошвы замка на территории двора, где производилось намеренное разрушение памятника с целью изготовления сырцовых кирпичей. Главная направленность археологических изысканий следующего сезона будет развернута на выявление архитектурных остатков и артефактов ниже современного уровня поверхности.

Использованная литература:

- Абдуллаев Б.М. Раскопки на памятнике Коштепа-2 в 2014 году // Археологические исследования в Узбекистане в 2013-2014. Вып. 1. Самарканд, 2016а.
- Абдуллаев Б.М. Некоторые итоги раскопок 2014-2015 гг. на памятнике Коштепа-2 // Археология Узбекистана. Самарканд, 2016б. № 1.
- Абдуллаев Б.М. Бир ёдгорликда Фаргона водийси тарихи // История и археология Турана. №4. Самарканд, 2019.
- Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. №118. М., 1962.

Н. Аванесова, Э. Луно,
О. Эргашев, А. Холматов

ҚЎШРАБОД ТУМАНИДА 2018-2019 ЙИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

2018 йилнинг март ойида Самарқанд давлат университети ва Германиянинг Археология институти Евроосиё бўлими билан ҳамкорликда “2018-2020 йилларда Ўзбекистон-Германия археологик экспедициясини ташкил этиш ва Зарафшон воҳасида археологик қидирув ишларини олиб бориш” бўйича шартнома имзолаган эди. Шу муносабат билан 2018-2019 йилларда Қўшрабод тумани ва унга қўшни ҳудудларда қўшма археологик экспедиция ташкил этилди.

2018 йилда олиб борилган археологик тадқиқотлар. Қўшма экспедиция ўз олдига Қўшрабод тумани ҳудудидаги палеометалл даври ёдгорликларини аниқлаш ва илмий таҳлил қилиш вазифасини қўйди. Тадқиқот йўналиши ўрганилаётган ҳудудда чуқурлаштирилган ҳамда кенгайтирилган ялпи қидирув ва қисман қазиш ишларини олиб боришдан иборат эди.

Экспедициянинг дастлабки тадқиқот ишлари 2008 йилда эр ав. XV-XIII асрларга оид бронза даври материаллари топилган Урганжи қишлоғидаги Бешмула дараси ва унга яқин қишлоқларда олиб борилди.

Шунингдек, қидирув давомида Жонбулоқ ва унга яқин қишлоқлардаги тик тошлар (стелла)лар тадқиқ этилди. Н. Аванесованинг фикрига кўра, Россиянинг Урал минтақасида ушбу тик тошлар (стелла) астрономик ўзгаришларни кузатиш учун ҳам қўлланилган. Уларга куёш нурининг тушиши ва соясининг ўзгаришига қараб чорвадорлар яйловларга кўчиш ёки қишлаш учун қайтиш ишларини амалга оширганлар.

Алоҳида эътироф этиш лозимки, ушбу ҳудудни археологик жиҳатдан кенг кўламда тадқиқ этиш юқори истиқболга эга. Бу ҳудуд у қулай табиий-географик шароит туфайли тош давридан бошлаб одамлар томонидан ўзлаштирилган. Минишкор қишлоғи атрофида жойлашган Мойкамар ва Рустамкамар горларидан иккита сўнгги палеолит даврига оид тош буюмлар топилиши фикримизга асос бўлади.

Қўшрабод ҳудудида умумий ландшафтни ўрганиш ҳамда маҳаллий аҳоли томонидан кўрсатилган жойларни излаш учун туманнинг турли ҳудудларида кенг камровли тадқиқотлар ўтказилди. Маҳаллий аҳоли билан мулоқот ташкил этиш қидирув ишларида кўплаб археологик объектларни қайд этишга катта ёрдам берди.

Экспедиция давомида бир қанча янги археологик объектлар топилди. Ушбу объектлар, турли шакл ва ҳажмдаги тошлар билан ўралган бўлиб, уларнинг кўпчилиги бронза даврига оид қабрлар бўлиши мумкин.

Тошлар турли шакл, баландликлар ва ҳар хил ўлчамга эга (1-6 - расмлар). Бошмонсой атрофида жойлашган тик тошнинг баландлиги 1,35 м ва эни 0,65 м. Дўлана қишлоғидан топилган тик тош баландлиги 2 м, қалинлиги 35 см, кенглиги 0,7 м. ни ташкил этади. Сумбул қишлоғидаги тик тошнинг кўриниши бошқалардан бир оз фарқ қилади. Унинг баландлиги 2,30 м, эни 45 см ва қалинлиги 34 см. Диаметри 126 см. Қизилбулоқ топилмасининг баландлиги эса 90-130 см, эни 30-33 см ва кенглиги 103-118 см. ни диаметрни ташкил этади.

Ушбу тик тошлар астрономик ўзгаришларни кузатиш учун ҳам қўлланилган. Уларга куёш нурининг тушиши ва соясининг ўзгаришига қараб чорвадорлар яйловларга кўчиш ёки қишлош учун қайтиш тадбирларини амалга оширганлар.

Бошмон 1 - топилмаси. Бошмонсай водийсида, Бешмула водийсининг жанубий томонида, денгиз сатҳидан 1017 м баландликда жойлашган. Бу ерда иккита қабр рўйхатга олинди.

Биринчи дафн объекти маҳаллий чўпонларнинг маълумотларига асосан топилди. Қабр сўнгги йилларда талон-тарож қилинган бўлсада, биз қабрнинг аниқ тузилмасини тиклаш ва талончилар томонидан қолдирилган материалларни топиш учун тозалашга қарор қилдик.

Қабр очик-жигарранг рангли юмшоқ тупроқ билан тўлдирилган эди. Қабр аҳоли томонидан талон-тарож қилинган. Қабрни қайта кўмишда бир нечта суяк бўлаклари ва бир кичкина сопол парчаси қўлга киритилди.

Иккинчи дафн объекти биринчисидан 46 м жанубий-шарқий томонида жойлашиб, кичикроқ, узунчоқ шаклга эга. Унинг узунлиги 137 см ва кенглиги максимал 82 см (7-расм). Суяклар тахминан 63-67 см тупроқ остидан топилди. Тош тобут томонларининг ўлчамлари билан фаркланади (узунлиги - 66x35x6 см; 65x36x10 см; эни - 60x35x7 см; 55x50x5 см; 49x25x4 см). Қабр чеккасидаги (марказда эмас) тошлар кичик қабрнинг чегарасини ифодалайди. Қабрнинг тепа қисмида тош плитаси топилмади.

Бошмонсой водийсидаги 150 ва 190 пунктлари. Қазииш ишлари бошланмасдан олдин, қабрнинг атрофида тошлар билан ўралган катта ўйиқга дуч келинди. Тошлар тахминан 6,30x2,50 м. га тенг ўлчамли бўлиб, тўртбурчак шаклга эга (8-расм).

Биз қабр турини аниқлаш ва талончилар томонидан қолдирилган баъзи ашёларни топиш учун дастлабки қазииш ишларини олиб бордик. Қазиишма натижасида баландлиги 21 см.дан 60 см. гача бўлган ўлчамлардаги носимметрик тошлардан (50x32x3 см; 53x30x77 см; 45x23x3 см; 60x24x5 см; 59x36x5 см; 45x29x5 см; 21x30x4 см; 28x24x6 см) қилинган тахминан 6x4 м атрофидаги қурилма қолдиги аниқланди (9-10 расмлар). Афсуски, қурилма ички қисмида ва ташқарисида ҳеч қандай артефакт топилмади (11-12 - расмлар). Худди шу тарзда қазилган иккинчи пунктда ҳам ҳеч қандай топилма ёки кул изи топилмади.

2019 йилда олиб борилган археологик тадқиқотлар. Қўшма археологик экспедициянинг 2019 йилдаги фаолияти 12 апрел - 8 июн кунларда олб борилди. Ушбу мавсумда ҳудудда қидирув ишларини давом эттириш, баъзи геоморфологик маълумотларни тўплаш, 2018 йилги мавсумда аниқланган 2 та археологик пунктда қисман қазииш ишларини олиб боришни мақсад қилинган эди. Дала ишлари олдидан биз мавжуд сунъий йўлдош оркали олинган суратлардан ҳудудни батафсил ўрганишга ҳаракат қилдик. Сунъ-



1-расм. Бошмон 2



2-расм. Жизли 2




3-расм. Дулона



4-расм. Сумбул



5-расм. Қизилбулоқ 2




6-расм. Джизли 1



7-расм

ий йўлдош оркали олинган суратларни ўрганиш кўпгина ёдгорлик топилиши мумкин бўлган потенциал худудларни белгилаб олишга имкон берди.

Тадқиқот давомида биз икки хил усул бўйича иш олиб бордик: интенсив кидирув ва кенг камровли сўровлар. Интенсив кидирув археологлар билан худудни кузатиш оркали амалга оширилди. Кўшработ туманининг умумий ландшафтини ўрганиш, шунингдек, маҳаллий фуқаролар томонидан кўрсатилган жойларни кидириш учун тумanning бир қатор жойларида кенг кўламли тадқиқотлар ўтказилди. Шунингдек, биз маҳаллий аҳоли билан сўровлар ўтказдик, бу кўплаб археологик объектларни қайд этишда ёрдам берди. Геоморфологик тадқиқот Жан-Пьер Пеулваст (Париж университети) томонидан 2019 йил 18-24 апрел кунлари ўтказилди. Мақсад Самарқанднинг шимоли-шарқда жойлашган



8-расм



9-10 - расмлар. Қабр-кўрғонларнинг қазиниша ишларидан аввалги кўриниши



11-12 - расмлар. Қабр-қўрғонларининг қазилма ишлари тугагандан кейинги кўриниши

худуднинг геоморфологиясини тавсифлаш ва ёдгорликларнинг тарқалиш моҳиятини аниқлаш эди. Геоморфологик изланишлар давом этмоқда.

Бу мавсумдаги изланишлар водийнинг шимолий ва жанубий томонларида ўтказилди. 2018 йилдаги каби, тош билан ўралган бронза ва антик даврларга оид қабрлар, тўртта янги гранитдан ишланган тик тошлар (стелла) топилди. Мазкур тош устун Кўктўнли қишлоғи яқинида, энг тепа қисмида жойлашган. Тик тошнинг баландлиги 1,47 м, эни 13-20 см. Шунга ўхшаш топилмалар Бекларсой, Қизилчанг қишлоқларидан ҳам топилиб, географик координатлари рўйхатга олинди (13-14 -расмлар).

Икки мавсумда ҳаммаси бўлиб 13 та тик тош топилди. Шунга ўхшаш ёдгорликлар Марказий Қозогистоннинг бронза даври маданиятларида (Маргулан, 1979) ва Шарқий Уралда (Потемкина, 2011. С. 11-35) топилган.

Қизилбулоқ қишлоғи яқинида топилган иккита вертикал тош атрофида 10x10 м ўлчамда ер остидан бир неча сантиметр пастда турган тошлар атрофида тегишли тузилмалар мавжудлигини аниқлаш учун қазилма амалга оширилди (15-расм).

Қазилма ишлари давомида турли хил буюмлар - майда ва кўпол сопол бўлаклари ва ҳайвон суяклари топилди. Ушбу материаллар турли даврларга мансуб. Ҳайвон суяклари текшириш учун лабораторияга юборилди.

Дала қидирув ишлари давомида Кўктўнли қишлоғи яқинида янги қоятош суратлари топилди (16-расм). Қоятош суратлари ҳаритага туширилиб, ўлчамлари олинди. Дастлабки хулосаларга кўра қоятош суратлари бронза даврига тегишли бўлиши мумкин. Навбатдаги қоятош суратлари Фозилмон тоғ тизмасининг кичик водийсида топилиб, унда оҳра билан ишланган зооморфик фигуралар ва геометрик белгилар мавжуд.


Шунингдек, Қойланбулоқ яқинидаги дала юзасида (17-расм) микропластинка ва сопол бўлаклари топилганлиги (18-расм) бу ерда неолит даврига оид макон борлигини тахмин қилиши имконини бермоқда.

Хулоса

Нурота тоғ тизмасида Кўшработ тумани худудида ўтказилган қидирув ишлари биринчи навбатда кўп сонли археологик ёдгорликларини топишга ва ҳаритага тушириш имко-



13-14 - расмлар



15 - расм. Қизилбулоқдаги синов қазии ишлари режаси



16 - расм



17-расм



18-расм. Микропластинка

нини берди. Улар орасида бронза даврига оид қабрлар, қоятош суратлари ва тош даврига оид топилмалар алоҳида ахамиятга эга.

Экспедиция ишлари давомида бронза даврига оид қорвадор “Андропова маданияти”га мансуб ўнлаб қабр-қўргонлари рўйхатга олинди. Шунингдек, Қўшробод туманидан

сўнгги палеолит даврига тегишли бўлган иккита гор макони, неолит даврига оид топилмалар аниқланди.

Бизга маълумки, Қўшрабод туманида тош даврига оид археологик ёдгорликлар хозиргача аниқланмаган эди. Тумандаги “Минишкар” ва “Оққўргон” қишлоқлари жойлашган горлардан топилган тош қуроллари эса ишлов бериш техникасига кўра сўнгги палеолит (эр. ав. 40-12 минг йилликларни ўз ичига олади) даврига мансуб. Мутахассислар бу топилмалар ёшини 30-25 минг йилликларга оид, деб ҳисоблашмоқда.

2018-2019 йилларда олинган натижалар, туманда жойлашган археологик ёдгорликларни ўрганиш катта истиқболга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

Маргулан А. Бегази-Дендибайская культура центрального Казахстана. Ама-Ата, 1979.

Потемкина Т.Н. Мегалитические сооружения Урала: структура сакрального пространства // Вестник археологии, антропологии и этнографии. 2 (15), 2011.

А.А. Анарбаев, С. Кубаев, Ш. Насриддинов,
Ш. Оманов, Р. Муродалиев, М. Пардаев

2018–2019 йилларда АХСИКЕНТ ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 ноябрдаги “Наманган вилоятининг Тўрақўргон туманида “Ахсикент” археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида” 831-сон қарорига кўра Ахсикент (Эски Ахси) ёдгорлигини ўрганиш ва уни туристик масканга айлантириш керак эди. Бунга мувофиқ Ахсикент экспедицияси ўтган 2018-2019 йилларда ёдгорликнинг 5 та объектида археологик тадқиқотлар олиб борди. Республика Президентининг ташаббуси билан 1 та объект (VIII) очик осмон остидаги музейга айлантирилди. Республика Президенти 2019 йил 28 февралда ушбу объектга ташриф буюриб, амалга оширилган ишларни маъқуллади ва янги кўрсатмалар берди. Шу асосда, ўтган 2019 йил давомида 5 та объектда тадқиқотлар олиб борилиб, улар “Очик осмон остидаги музей”га тайёрланди. Улардан 3таси (VIII, XI, XVIII) шаҳарнинг ички шаҳристон қисмида жойлашган. Хусусан, VIII объектда юқорида тилга олинган водопроводнинг маҳаллаларга борган шахобчаларидан бири очилди. Ушбу водопровод ҳам пишиқ гиштлардан туннел кўринишда қурилган. Бу ерда қадимги қурувчи ирригаторлар рельефдан унумли фойдаланиб, водопроводни ер сатҳига олиб чиққан.

XVIII объектда мўгуллар босқини арафасида Муҳаммад Хоразмшоҳ даврига оид ички шаҳристоннинг мудофаа девори, унинг ичидаги XI-XIII асрнинг бошларига оид турар жой ва ишлаб чиқариш қолдиқлари очилди (1-расм). 2019 йилда ушбу қазишма тўлиқ тозаланиб, уни очик осмон остидаги музейга айлантириш режалаштирилди. Шу мақсадда аввалги йилларда очилган қазишмада тозалаш ишлари олиб борилди, шу билан бирга қазишма шимолий томонга 1,3 м, жанубий томонга 4 м, шарқий томонга 2 м, гарбий томонга 3 м кенгайтирилди. Кенгайтириш орқали қазишмадаги архитектура қолдиқларига ойдинлик киритишга ҳаракат қилинди. Қазишмада юқори қатламларида аниқланган энг сўнги давр XII аср охириги чорагига оид қурилиш қолдиқлари фақатгина шимолий қисмда, 4-5 квадратларда, ер сатҳидан 20-30 см чуқурликда кенлиги 1,80 м ўлчамдаги пишиқ гишт билан қопланган йўлак очилди.

VIII объектда бино деворларининг пойдевори, баъзида девордан қолган бир-икки қатор пишиқ гиштларга асосланиб ҳозирча 2 та турар жой комплекси аниқланди. Биринчи турар жой комплекси ер ости водопроводининг шарқий тарафида жойлашган. Қазишма юқори қатламлари 50-60-йилларда пахта майдонларига кўшимча озуқа (ўғит) сифатида тупроқ олиш даврида бузилган. Қазишманинг шимолий-шарқий бурчагида 1-

хона (1,90-2 м) жойлашган. Хонанинг шимолий қисмида 70 см кенгликда супа бор, унинг жанубий ёнларига 32x17x5 см, 29x16x3 см ўлчамдаги гиштлар тик ҳолатда (вертикалига) териб чиқилган. Хонанинг марказида ташнав аниқланган бўлиб, поли 32x17x5 см, 29x16x3 см ўлчамдаги гиштлар билан қопланган.

Биринчи хонанинг жануб томони ўлчами 29x14x3 см лик хом гиштдан терилган девор билан чегараланган. Девор ортида 2-чи хона (2,80x?) жойлашган бўлиб у ерда бадраб ва ўчоқ (930x25 см) казиб очилди.

2-хонадан жанубий-гарбда жойлашган 3-хона шимол-жануб йўналишида, коридор кўринишида. Коридор деворларининг сақланган баландлиги 0,80-0,90 м бўлиб, кенглиги 65 см. Деворларнинг қуйи қисми 4 қатор узунлиги 26x?x3 см. лик пишиқ гиштдан терилган. Юқори қисми эса ўлчами 28x15x5 см бўлган хом гиштлар билан урилган. Хом гиштлар 5 қатор гишт вертикалига, кейин бир қатор горизонтал қилиб терилган.

3-хона шарқида 1,50x2 м ўлчамдаги “дахлиз” кўринишидаги 4-хона жойлашган. 4-хона деворларининг тузилиши ҳам 3-хонанинг деворлари каби бўлиб, қуйида 4 қатор 26-28x14x3 см ўлчамдаги пишиқ гиштлар, юқорида эса 28x15x5 см ўлчамдаги хом гиштлар вертикал ва горизонтал тарзда алмашлаб терилган. 4 хонанинг жанубий қисми ва ундан кейинги жойлар 1950-60-йилларда ёдгорликдан тупроқ олиниши даврида кучли бузиб юборилган. 1-1,5 м. гача маданий қатлам аралаш ҳолда кузатилди. Фикримизча бу ерда яна бир кичик хона бўлиб у орқали ер ости водопроводининг кузатиш хонасига тушилган.

Юқорида айтганимиздек, объектнинг гарбида иккинчи турар жой комплекси аниқланган. Комплексининг шимолий қисмини эгаллаган 1-хона казишма чегарасидан ўтганлиги учун шимолий ва гарбий деворлари аниқланмади, шарқий девори эса қисман сақланган. Унинг кенглиги 40 см бўлиб, асоси бир қатор 26x?x3 ўлчамдаги пишиқ гиштлардан иборат. Унинг устига 30x16x7 см ўлчамдаги хом гиштлар қалин лой билан терилган. Хонанинг марказида 1,5x1,60 см ўлчамдаги баландлиги 40-45 см бўлган супа қилинган. Супанинг барча ён томонларига 27x14x3,5 см ўлчамдаги хом гиштлар вертикал ҳолда териб чиқилган. Супа усти сомонли лой билан сувалган, унинг устида бўйранинг излари бор.

Супанинг шимолида озиқ-овқат маҳсулотлари сақлаш учун, диаметри 33 см бўлган хум хона полидан пастга ўрнатилган. Хонанинг шимолий-шарқида 85x40 см ўлчамда супа ва унга туташган ҳолда (диаметри 30 см) ўчоқ жойлашган.

Биринчи хонанинг жанубида 3,5x3(?)м ўлчамдаги 2-хона жойлашган. Ушбу хона шимолий деворидан 1 м жанубда ўлчами 1x? м супа қолдиклари бўлиб, унинг ёнлари 30x16x5 см ўлчамдаги хом гиштлардан терилган. Ушбу хона жанубида 1x1,80 м ўлчамдаги махсус 3 хона бўлиб, ушбу хона шарқий қисмида ён деворлари 28x15x3 см ўлчамдаги пишиқ гиштлардан терилган ташнав қудуги жойлашган. Ташнав қудуги гарбий деворига диаметри 7 см бўлган сопол қувур келиб туташган. Учинчи хонанинг шарқий девори 4-хона билан умумийдир. Ушбу 4 хонада 3 та бадраб очилди. Шунга асосан мазкур хона шартли тарзда “гигиеник хона”, деб аталди. Бадрабларнинг 1 таси 1,70 м. гача тозаланиб, икки қатламдан иборат эканлиги аниқланди. Юқорида 1 м қалинликда яшил рангдаги гумуссимон қатлам бўлса, ундан қуйида кул аралашган қатлам жойлашган. Гумуссимон қатлам тупроги махсус элаклардан ўтказилганда таркибидан мева

уруглари казиб олинган бўлса, кул қатламдан чала ёнган пахта чаноклари, чигит қолдиқларини ажратиб олишга муваффақ бўлинди.

Умуман олганда, 2018 йилда очик осмон остидаги музейга тайёрлаш жараёнидаги бир қанча, муҳим натижалар қўлга киритилди. Жумладан, Ахсикат X асрнинг охири - XII асрни биринчи ярмига оид синч услубида қурилган турар-жойлар ҳақида маълумотлар олинди. Жумладан, хўжалик хоналарининг қолдиқлари, ташнав ва бадраблар очилди. Шу билан бирга, ушбу даврга тааллуқли танга пуллар, сопол идишлар коллекцияси қўлга киритилди.

2019 йилда олиб борилган археологик тадқиқотлар

2019 йил VIIIA, XVIII, XI, XIX ва XXIV объектларда тадқиқотлар олиб бориб, улар очик осмон остидаги музейга тайёрланди (1-расм).

VIII-A объект. Ушбу объект VIII объектдан 50 м жанубда жойлашган. Бу ерда водопроводнинг майда шаҳобчаларга бўлиниши, унинг қурилишида табиий рельефдан унумли фойдаланилганли, қурилиш техникаси ва унда ишлатилган материаллар билан танишиш мумкин. Ер ости водопроводнинг VIII-A объектда очилган қисми ўзига хос бўлиб, алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки, ушбу жойда водопровод кичик хажмда ва ер сатҳига яқин жойлашган. Тадқиқотларга қараганда, қадимда VIII объектдан жануб томон рельеф пасайиб борган. Бундан қадимги ирригатор-архитекторлар водопровод қурилишида яхши фойдаланганлар. Бу ердаги пишиқ гиштдан қурилган водопровод ўлчами 0,54x0,36 м бўлиб, маҳалла ёки ҳовуз томон йўналган (2-расм).

XI объект. XI объект ички шахристоннинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, бу ерда ҳам XI-XIII асрнинг бошларига оид синч услубида қурилган монументал турар жой қолдиқлари казиб очилган. Аввалги йилларда пишиқ гиштлар билан қопланган пол ва ундан зинапоялар орқали тушилган ер ости гумбазли хона очилган эди. Гумбазли хона тўлиқ пишиқ гиштдан қурилган бўлиб, бутун сақланган. Ер устидаги асосий бино синч услубида қурилганлиги учун сақланмаган. Бино вайронага учрагач, унинг деворларининг асосини ташкил қилган ёғоч устунлар олиб кетилганга ўхшайди. 2019-йилда қазилма шарқ томон кенгайтирилди. Натижада, 1,5 м атрофидаги бўш тупроқ қатлам олингач, турар жойнинг қулаган девори ва томи қолдиқларидан иборат қатламга тушилди. Девор қулаш жараёнида сувоқлари қатлам-қатлам кўринишда бино ичида қолган. Қазилма ишлари давомида девор дастлаб икки қатлам сувалиб, сўнгра ганч билан текисланганлиги, ганч устидан эса бўёқда суратлар ишланганлиги аниқланди. Шунингдек, хона ичини тўлдирган қатламлар таркибида ўйиб ишланган нақшли ганч бўлаклари ҳам учради. Дала тадқиқот мавсуми якунланиш арафаси бўлганлиги, ҳавода намликнинг ортганлиги ва ёгингарчилик туфайли деворий суратларни олиш жараёни кейинги йилга қолдирилди.

XVIII объект. Навбатдаги XVIII объектда ер ости водопровод системасини кузатиш хонасини музейлаштиришга тайёрлаш ва унинг ёнида жойлашган мудофаа девори қурилишини ўрганиш вазифаси қўйилганди. Бу жараёнда қазилма гарбга, шарқ ва жанубий томонларга кенгайтирилди. Якунда XI-XII асрларга оид ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, маҳобатли архитектура қолдиқларига тегишли деворий сурат парчалари ва нақшли ганч безаклар топилди.



1-расм. Очиқ осмон остидаги музей ва XVIII қазимида юқоридан кўриниши



2-расм. VIII А қазимида очилган ер ости сув йўли



3-расм. XVIII қазимида очилган турар жой қолдиқлари



4-расм. Ахикент шарқий рабодида жойлашган XXIV-қазимида юқоридан кўриниши



5-расм. XXIV-қазимида очилган турар жойи хоналари деворларининг кўриниши

Мудофаа деворни ўрганилиш куйидаги хулосаларга олиб келди. Ёзма манбалардан бизга маълумки, Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчиларига қарши курашда Муҳаммад Хоразмшоҳ катта хатога йўл қўяди. Душманни мамлакатнинг шимолий-шарқий чегараларида кутиб олиб, унга зарба бериш ўрнига, ўзининг икки юз мингли армиясини шаҳарлар мудофаасини мустаҳкамлаш учун бўлиб ташлайди. Шу билан бирга, унинг буйруғи билан шаҳарларнинг мудофаа иншоотлари қайтадан тикланади. Буни ушбу объектда олиб борилган археологик қазишмалар тўлиқ тасдиқлабгина қолмай, балки унга аниқлик киритди. Маълум бўлишича, ички шаҳристоннинг ушбу мудофаа девори хом гиштлардан 1,0 м. га яқин қалинликдаги яхши зичланмаган тупроқ устига қурилганлигини ва сифати паст бўлганлигини қазишмалар даврида кузатдик. Девор жуда тез қурилганлиги учун қурилиш техникасида ишлатиладиган меъёрий ўлчамларга тўлиқ риоя қилинмаган. Бундай деворларни мудофаа салоҳияти юқори бўлмай, уларни бузиб шаҳарга кириш Чингизхон қўшиниси учун муаммо бўлмаган. Мудофаа девор 60x30x10-12 см ўлчамдаги хом гиштлардан қурилган бўлиб, кенглиги 4 м. ни ташкил қилган. Мудофаа девор ташқи томондан кенглиги 3 м. ли хандақ билан ўраб олинган. Агар ушбу деворни ташқи шаҳристоннинг антик ва илк ўрта асрларда қурилган деворлар билан солиштирсак, уларнинг орасида жуда катта фарқ борлиги кўринади. Масалан, ташқи

шахристоннинг милоддан аввалги биринчи асрнинг бошларида 4 йиллик Фаргона-Хитой урушидан кейин хом гишт ва пахсадан қурилган деворлари 2000 йилдан зиёдроқ вақт ўтишига қарамай, яхши сақланган.

Шу билан бирга, XVIII объектда (3-расм) Қорахонийлар даврига мансуб синч услубида қурилган монументал турар жой қолдиқлари қазиб очилди. Бинонинг деворлари синч бўлганлиги учун сақланмаган. Хоналар полида уюм-уюм бўлиб тўпланиб ётган девор сувокларида Фаргона водийсида биринчи бўлиб Қорахонийлар даврига оид геометрик ва ўсимлик кўринишидаги безаклардан иборат деворий расмлар, нақшли ганч сувоклар топилди. Расмлар келгуси йилда очиш учун қайтадан кўмиб қўйилди. Турар жойлар синч усулида қурилганлиги учун асосан, пастки қисми 10-50 см баландликда сақланиб қолган. Тадқиқотларга қараганда, турар жойларнинг деворларини қуришда, асосан, пишиқ ва хом гиштлар ишлатилган экан. Турар жойлар фаолиятида 4 қурилиш даври аниқланди.

I қурилиш даври. Биринчи қурилиш даврига оид очик ҳовли ва коридор сақланган (3-расм). Ҳовли 4,45×3,90 м ўлчамда бўлиб, поли пишиқ гишт билан қопланган. Пишиқ гиштли пол ўртасида диаметри 47 см бўлган ташнов ўрни бор. Ташнов сув ювиши натижасида бузилган. Хонанинг гарбий қисмида 90×80 ўлчамдаги ўра қилинган. Хонанинг ичи юқоридан кулаб тушган ёғоч синиқлари, пишиқ ва хом гишт бўлаклари, сопол парчалари билан тўлган. Ушбу даврга оид меъморий иншоот қолдиқлари қазилманинг шимол-гарбий қисмида ҳам кузатилди. Бу ерда мушофа девор тагига кириб кетувчи коридор аниқланган. Коридор шимол-жануб йўналишида жойлашиб, ёнларидаги синчли девор асоси пишиқ гишздан бўлган. Коридор полига ҳам геометрик нақш шаклида пишиқ гишт териб чиқилган. Коридордан гарбда ошхона бўлиб, у ерда супа ва иккита ёнма-ён жойлашган ўчоқ ўрни очилди. Иккала хона ҳам юқоридан тушган пишиқ гишт ва хом гишт бўлаклари билан тўлган.

II қурилиш даври. Иккинчи қурилиш даврига оид бино қолдиқлари объектнинг шимол-шарқий қисмида кузатилди (3-расм). Бу ерда ошхона, “ер ости сув йўлини таъмирлаш хонаси”га олиб боровчи йўлак ва меҳмонхона ўрни аниқланди. Ошхонанинг шимол-девори бўйлаб супа қилинган. Супа кенлиги 0,70 м, узунлиги эса 1,70 м. га тенг. Супадан шарқда полдан 0,20 м баландликда ўчоқ аниқланган. Супа ёнида диаметри 0,75 м ўлчамдаги хўжалик ўраси бор. Хонанинг жанубида тўртбурчак шаклдаги (2×1,80) иккинчи супа жойлашган. Супанинг ёнлари синиқ пишиқ гиштлар билан (?×17×4 см) билан қопланган. Ўчоқ ёнига терилган пишиқ гиштлар эса 28×16×3 см ўлчамда.

Иккинчи қурилиш даврига оид кейинги хона йирик зал ва унга ўтувчи даҳлиз ҳисобланади. Даҳлиз шимол-жануб йўналишида 4 м, гарб-шарқ йўналишида кенлиги 1,70 м. Даҳлизга кириш жойи жанубий томонида 1.05 м кенликда эшик жойлашган. Даҳлиз деворлари хом гишт ва пишиқ гишт аралаштирилиб урилган пойдеворга эга. Меҳмонхона шимолий девори ярим айлана шаклда бўлиб, 31×17×3 см, 28×15×3 см ўлчамдаги пишиқ гиштлардан урилган, кенлиги 70-80 см. Гарбий девор сақланмаган, лекин унинг кенлиги 55 см ўлчамдаги пойдевори сақланган. Меҳмонхона марказида диаметри 1,30 м устуннинг асоси сақланган. Устун асосининг пастки қисми пахса ва хом гишздан иборат бўлиб, унинг устига 4 қатор 35×17×6см, 28×16×4 см ўлчамдаги пишиқ гишт урилган. Устундан 1,5 м шимолда аниқланган, узунлиги 3 м, диаметри 50 см

бўлган, горизонтал ҳолатда ётган ёғоч қолдиги кузатилди. Ёғоч яхши сақланмаганлиги боис, унинг вазифасига ойдинлик киритилмади.

Меҳмонхонанинг ичида, юқорида тилга олинган устуннинг жанубида супа қолдиқлари (2,10x0,9 м) аниқланган. Суфанинг ёнлари бир қатор пишиқ гишт устидан хом гишт териб чиқилган. Сўнгра ички қисми лой билан тўлдирилган. Устундан шарқ томонда ҳам 0,8 м ўлчамда супа бўлиб, жанубий супа каби таг қисмига бир қатор пишиқ гишт сўнгра устки қисмидан хом гишт терилган. Залнинг жанубий ва шарқий қисми ҳали тўлиқ очилмади. Залнинг ички қисми пишиқ ва хом гишт синиқлари билан тўлган. Шунингдек шимолий қисмда хом гишт ва пишиқ гиштлар орасида қамиш қолдиқлари ҳам учрайди. Шарқий супа ёнлари тозаланганда хона пештоқларидан тушган ўйма нақшли ганч безакларнинг қолдиқлари топилди.

III қурилиш даври. Учинчи қурилиш даврида 4 та хона фаолият кўрсатган бўлиб, улардан фақат 3 тасининг (2, 3, 4) ўлчови тўлиқ аниқланган. Фақат, 1 чи хонанинг ўлчови аниқланмаган (3-расм). Хоналарга гарбдан шарққа қараб рақам берилди. Ушбу хоналарнинг деворлари синч услубида қурилган бўлиб, сақланиши ёмон. Стратиграфик нуқтаи назардан улар юқорида тилга олинган мудофаа девордан пастда жойлашган. Биринчи хона зал вазифасини бажарганлиги тахмин қилинмоқда. Унинг шимолий девори кенглиги 0,70 м бўлиб, унинг қурилишида 30×17×3 см, 27×15×6 см ўлчамдаги пишиқ гиштлардан фойдаланилган. 2-хона 1,80×2,80 м ўлчамда бўлиб, кириш эшиги унинг жануби-гарбий бурчагида жойлашган. Гарбий деворига ишлатилган гиштларнинг ўлчами 30×15×6 см, 29×15×3 см. ни ташкил қилади. Қалин гиштлар деворнинг ташқи томонига терилган бўлса, юпқароқлари эса ички томонига терилган. Шарқий деворининг асосида синчдан ёғоч тўсин сақланган. Тўсиннинг узунлиги 1,60 м, диаметри эса 15 см. ни ташкил этади. 2-хонанинг шимолий-шарқий бурчагида 0,82 м ўлчамдаги эшик ўрни бор. Кейинги қурилиш даврида иккинчи хона тўлдирилиб, кенгайтирилганда эшик хом гиштлар билан ёпиб юборилган.

Учинчи хона 2-хонанинг шарқида жойлашган бўлиб, унинг хажми 3х3,10 м. Бу хонанинг ҳам 0,5 м қалинликдаги шимолий-шарқий девори остида синч қурилмасидан ёғоч тўсин (балка) сақланган. Хонанинг жанубий деворига қадаб ўчоқ қурилган, унинг ёнида қозон синиқлари ва қулдон борлиги кузатилди. Хона деворларининг қурилишида 30×14×5,5см ўлчамдаги пишиқ гиштлар ишлатилган. Шарқий девор 0,5 м қалинликда бўлиб, 4-хонанинг гарбий девори билан умумий.

4-хона ўлчами 3х3,10 м. ни ташкил этади. Кириш эшиги (кенглиги 1, 20 м) жанубий деворда бўлиб, остона ва унининг атрофида пишиқ гиштлар билан қопланган пол қолдиги топилган. Хонанинг шимолий девори асосида синчдан ёғоч тўсин (балка) сақланган. Хонанинг жанубий-шарқий бурчагида 2 та ўчоқ бор. Ўчоқ ўлчами 25×25 см, 20×22 см. Ўчоқнинг ичи шафтоли донаклари билан тўлдирилган.

IV қурилиш даври. Тўртинчи қурилиш даврида меъморий қурилмалар сақланиши жуда ёмон бўлиб, 50-йилларда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида ёдгорликдан тупроқ олиш жараёнида бузиб ташланган.

XIX объект. XIX объект юқорида тилга олинган объектлардан шимолий-гарбда жойлашган. Бу ерда бундан икки минг йил аввал қурилган 20 м қалинликдаги мудофаа девор ва унинг тагидан олиб ўтилган X-XIII асрни бошларига оид ер ости сув таъминот

йўлининг иккинчи йўналиши очик осмон остидаги музей учун тайёрланди. X-XIII асрни бошларига оид ер ости водопроводнинг иккинчи йўналишини ўрганиш давомида қурилишида туташ идишлар қонунини амалда қўлланганлигига аниқлик киритилди. Шу билан бирга, қадимдаги ер қимирлашнинг излари кузатилди.

XXIV объект. 2019-йилдаги дала тадқиқотлари мавсумида белгиланган режадан ташқари янги объектда ҳам изланишлар олиб борилди. Янги XXIV объект шарқий рабодда жойлашиб, бу ерда қишлоқ хўжалик ишлари олиб борлиётган бог ичида пишиқ гиштлардан барпо этилган қурилиш қолдиқлари тасодифан очилиб қолган. Ахсикент экспедицияси аъзолари томонидан олиб борилган қутқарув ишлари давомида йирик турар жойнинг 2 та хонаси қолдиқлари очилди. Қазилмалар даврида олинган топилмалар таҳлили асосида ушбу бино Қорахонийлар даврига (XI-XIII аср бошлари) оидлиги аниқланди. Пишиқ гиштдан қурилган меъморий иншоот қолдиқлари ўзининг маҳобатлилиги билан ажралиб туради (4-расм).

Бинонинг асосий қисми сақланмаган, ундан фақат, пол қолдиқлари ва 1 та ташнов қолган, холос. Лекин 2 та ер ости хонаси-тағхона яхши сақланган. Биринчи хонанинг ўлчами 4,31x2,23 м, сақланиши 0,30 м. дан 1,0 м. гача. Хонанинг деворлари ва поли тўлиқ 29-30x16-17x3-3,5 см пишиқ гиштлардан қурилган. Хонага шарқ томондан 0,76 м кенгликдаги эшикдан пишиқ гишт ва ёғочдан қилинган зиналар орқали кирилган. Хона ичида 3 та 0,67x0,30 см ўлчамдаги тоқча бор. Деворларида майда гиштлар ёрдамида қилинган Қорахонийлар даврига хос безаклар бор (5-расм). Иккинчи хонанинг ўлчами 5,77x2,24 м бўлиб, деворлари ва поли 29-30x16-17x3,5-4 см пишиқ гиштлардан қурилган. Умуман олганда, ушбу жойда ўзига тўқ бой-бадавлат оилага тегишли маҳобатли турар жой бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Юқорида келтирилган маълумотлар буни тўлиқ тасдиқлайди.

Ахсикент экспедициясининг археосейсмологик тадқиқотлари. Тадқиқотлар Россия ФА нинг “Физика земли” институти ва Ўз ФА нинг Сейсмология институти билан ҳамкорликда 5 та ёдгорликда олиб борилди. Жумладан, Ахсикент, Эйлтан, Муғтепа, Муғкала, Қирқхужра ёдгорликларида олиб борилган изланишлар натижасида аввалги қилинган хулосаларга баъзи бир аниқликлар киритилди. Милоддан аввалги биринчи аср - милодий эранинг биринчи асрида Эйлатан ўрнидаги шаҳарнинг тарих саҳифасидан кетиши ва Ахсикентдан сиёсий пойтахтни Муғтепага кўчирилиши ҳақида янги маълумотлар олинди. Қўлга киритилган материалларга қараганда, сиёсий пойтахтни янги жойда қурилишига асосий сабаблардан бири милоддан аввалги биринчи асрда Шимолий Фарғонада кучли IX-X балли ер қимирлаш юз берган экан. Шунинг учун Фарғонанинг кейинги ҳукмдорлари ўзига янги жойда пойтахт қуришга қарор қилганга ўхшайди. Худди шу даврда Эйлатан ёдгорлиги ўрнидаги Ючен шаҳри ҳам вайрон бўлади. Милодий эранинг IV асрнинг охири – V асрнинг бошларида Шимолий Фарғонада 8-9 балли ер силкениши содир бўлган. Натижада, жуда кўп шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлади. Жумладан, Қирқхужра ёдгорлигида жойлашган қадимги Поп (Боб) шаҳри Баландтепага кўчади.

Хулоса

2018-2019 йилларда Ахсикент ёдгорлиги ва унинг атрофида олиб борилган археологик ва археосейсмологик тадқиқотлар туфайли илмий ва амалий натижалар қўлга киритилди. Хусусан, Ахсикентда Фарғона водийсида биринчи бўлиб Қорахонийлар даврига мансуб

деворий расмлар топилди. Маълум бўлишича, биринчи шахристоннинг 2 та объектида (XI, XVIII) синч усулида қурилган монументал турар жойлар бўлиб, уларнинг деворлари ҳар хил рангли расмлар билан безатилган экан.

XIX объектда иккинчи шахристоннинг 20 м. ли муҳофаа девори тагидан X асрнинг иккинчи ярмида туташ идишлар қонундан амалда фойдаланган ҳолда гарбий рабодга ер ости водопроводи ўтказилганлигига аниқлик киритилди.

VIIA объектда эса ер ости водопроводнинг кичик шаҳобчаларидан бири очилди.

XXIV объектда Қорахонийлар даврига оид маҳобатли турар жой қолдиқлари топилди. Бинонинг асосий қисмидан пол ва ташнав қолиқлари сақланган, ҳолос. Лекин бинонинг тағхоналари яхши сақланган. Улар тўлиқ пишиқ гиштлардан қурилган бўлиб, деворлари майда пишиқ гиштлар ёрдамида геометрик шакллар билан безатилган.

Археосейсмологик тадқиқотлар натижасида, қадимда шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлишида ўзаро урушларга нисбатан табиий офатлар ва экологик ўзгаришларнинг роли каттароқ эканлиги илмий исботланди.

Шу билан бирга, Ахсикент ёдгорлигида 5 объект (VIII, VIII-A, XI, XIX, XXIV) “Очиқ осмон остида музей” га тайёрланди. Улардан фақат биттасининг (VIII) усти тўлиқ ёпилиб, музейга айлантирилди.

Т.Ж. Аннаев, Ж.Т. Аннаев, М.Б. Нормуминов

АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ РАБОТЫ И МАРШРУТНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗУНСКОМ РАЙОНЕ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

В полевых сезонах 2018-2019 гг. археологические исследования в Узунском районе производились по линии Термезского археологического музея, совместно с Институтом археологических исследований (ныне Национальный центр археологии Узбекистана) и Термезским государственным университетом. В 2018 году основные работы были ориентированы на повторное изучение памятников культурного наследия, с целью создания археологической карты памятников Узунского района. В 2019 году маршрутные исследования группы сочетались также с раскопочными работами.

В 2019 году объектами исследования были выбраны “пещерные сооружения” (условно “склепы”), вырытые на склоне адырной зоны, в местности “Коракул”, обозначенные как Тешиктепа I и Тешиктепа II. Изученная группа сооружений была выявлена археологами Т. Аннаевым и М. Хасановым в 2015 году в составе Узбекско-Китайской археологической экспедиции (руководители: А. Бердимуратов, Ванг Цзянь Синь).

На Тешиктепа I (NL 38°21'41"02" EL 68°06'39"00") на лицевой части адыра фиксируются основания четырех сооружений, а на Тешиктепа II, расположенного в 60 м к югу от Тешиктепа I NL 38°21'43"32" EL 68°06'32"69", выделяются два “пещерных сооружения”.

В полевом сезоне 2016 года при повторном исследовании этой местности учеником местной школы был передан нам одноручный кувшин с округлым туловом и плоским дном. Высота кувшина - 15,3 см, диаметр донца - 7,6 см, диаметр горловины 5,2 см. Рассматриваемый сосуд характерен для археологических комплексов Северо-Западного Тохаристана, в частности для слоев VII в. городища Хосияттепа. Основываясь на эти данные, а также исходя из соответствия планировки их склепам Биттепа, расположенных приблизительно в 15 км южнее от них, мы условно назвали эти сооружения как “склепы”. Для раскопа были выбраны наиболее хорошо сохранившиеся сооружения, расположенные в юго-западной части комплекса Тешиктепа II. В результате была выявлена планиграфия сооружения №1 в составе комплекса Тешиктепа II (рис. 1). Входная часть комплекса была сnivelирована в результате земляных работ, в связи с проведением канала Чилбирсай, расположенного в нескольких десятках метров от раскапываемого сооружения. Как выяснилось, сооружение №1 было двухкамерным (пом. №1 и №2, рис. 1). Пом. №1 прямоугольной формы, размерами – 2,70x4 м, на левой стороне по основанию стены пом. №1 проделана ниша. В свою очередь, у основания правой стены имеются две ниши разной величины. Размеры первого: длина 1 м при ширине 30-35 см, а вторая ниша имеет длину 1,40 м при ширине до 35 см. Полom помещения служил выровненный адыр-

ный слой. На полу входной части, ближе к южной стене пом. №1, установлены отопительные устройства – типа сандала. Два сандала расположены рядом по направлению с северо-востока на юго-запад. Сандал №1 яйцевидной формы 25-20 см, глубиной 5 см. Сандал №2 находится в 25 см к юго-западу от сандала №1, овальной формы d-25 см, глубиной 10 см. Ближе к левой нише, в 25 см от нее, на полу была вырыта яма овальной формы размерами: 60x52x20 см. Высота помещения 3,30 м, потолком помещения №1 является адырный слой. В глубине расположен значительно суженный сводчатый проход в пом. №2, высотой 2 м и шириной 0,90 м. Арка проёма стреловидной формы. Из-за опасения возможного обвала потолка пом. №2 его вскрытие не производилось.

Судя по стратиграфии пом. №1, в истории его функционирования выделяются следующие фазы. Первая - верхний пол находится на глубине 2,25 м от потолка помещения. Пол обмазан глиной толщиной 1 см и на его поверхности по горизонтали зафиксирован слой зольника. На глубине 2,60 м от основания потолка расположен второй пол. Между первым и вторым полами имеется довольно толстый гумусный слой. На глубине 3,30 м от потолка находится третий (сверху-вниз), т.е. основной пол данного сооружения пещерного типа. На поверхности этого пола найдены фрагменты поливной керамики, и в том числе фрагмент чаши с зеленой поливой (рис. 2. 4), фрагмент черепной коробки и зубы человека. Обнаружение захоронений местными жителями в пределах сооружений Тешиктепа I и Тешиктепа II, соответствие архитектурно-планировочной структуры сооружения №1 среди комплекса Тешиктепа I и Тешиктепа II с археологически изученным погребальным комплексом Биттепа, свидетельствует в пользу трактовки раскопанного сооружения, как погребального сооружения - склепов.

Основываясь на соответствии архитектурно-планировочной структуры сооружения №1 в составе комплекса Тешиктепа II с уже известными аналогичными сооружениями, наподобие Биттепа и отдельными находками вокруг нее, время возникновения и функционирования первого этапа сооружения №1, ориентировочно можно датировать VII - первой половиной VIII вв. Вторичный этап функционирования сооружения №1 происхо-




Рис. 1. Тешиктепа 2. Сооружение №1.
Антик даврининг йирик шаҳар харобаси Мингтепадаги (мил. авв. IV-III – милоднинг IV-V асрлар) қазув ишлари натижасида Қадимги Фаргона – Давань подшолигининг шаҳарсозлик маданияти, хусусан ташқи муҳофаа девори ҳақида Хитойнинг Тань-чан асбоби ёрдамида маълумотлар тўпланди. Хусусан, кўхна шаҳардаги муҳофаа тизими, хунармандчилиги, санъати тўғрисида янги маълумотлар олинди. Шаҳар уч қисмдан: арк, алоҳида муҳофаа девори билан ўралган ички ва ташқи шаҳардан иборат бўлган (майdonи 1300x2100 м ёки 273 га).

Фаргона археология тарихида биринчи марта Мингтепани антик даврдаги (мил. авв. IV-I ва милоднинг I-IV асрлари) шаҳар қабристонини (некрополь) топилди ва мазкур давр дафн маросимлари ҳақида мутлақ янги маълумотлар олинди. Мингтепани пойтахт ва йирик шаҳар эканига шаҳар қабристонини топилиши ҳам қўшимча далил бўлади. Кўхна мозор хозирда пахтазорга айлантирилган бўлиб, сиртида мозор белгилари йўқ, 50-70 см чуқурликда юқори қисми бузилиб кетган гўрлар учрайди. Шунинг учун қабрни тузилиши ҳақида маълумот йўқ. Қабристонда марҳумлар якка ва жуфт ҳолда нарсалар билан қалин қўйилган. Жуфт ҳолда икки қабрда иккитадан аёл дафн этилган (№5 ва №6-қабрлар). Бир марта юмалоқ ҳолдаги ўрага ит жасади сопол идиш билан қўйилган. Суякларни анатомик ҳолати бузилган, бош суяги сақланмаган ва суяклари, тишлари (клик) сочилган ҳолда аниқланди. Одамлар билан бирга итларни дафн этиши зардуштийлар урфи ҳисобланади. Итларни дафн этиш маросими Марказий Осиёни бир неча жойида учраган. Самарқанд шаҳрини гарбий томонида Афросиёбдан 8 км узоқликда Саратепа 1 ёдгорлиги яқинида кулоллар маҳалласида бир неча кулолчилик хумдонлар топилган бўлиб, улардан иккитасида жамоавий қабр топилган. Марҳумлар иккинчи марта фойдаланилган 1- ва 9- хумдонлардаги қабрларда дафн этилган. Биринчи хумдонда 3 та одам бош чаноги, битта чўчка бош чаноги ва сочилиб кетган ит суяклари, одам бош

чаноглари, сопол идишлар топилган. 13-та ит скелети, иккита чўчка калласи, 4 та одам бош чаноги аниқланган (инсон бош чаногларини алоҳида кўмишни Ю.А. Заднепровский Чуст маданияти ёдгорликларида ва Н.Г. Горбунова Куvasой горида қайд этишган). 9-хумдондаги гўрда 3 та одам бош чаноги ва ит скелети топилди. Археологик материалларга кўра, ҳар икки хумдондаги дафн жойи зардуштийлик одатлари билан боғланган. Бунда И. Иваницкий фикрича хумдон ўтхонаси икки хил вазифа бажарган: итлар тўла скелети қўйилган жой дахма вазифасини, бош чаноглари қўйилган жой эса наус вазифасини бажарган. Ит скелетлари билан боғлиқ дафн маросимлари бажарилган вақт милоддан аввалги III аср билан саналанади (Иваницкий, 1992. С. 55-57). Бу урф-одат зардуштийлик дини ақидаларини антик даврдаги кўринишларидан биридир. Мингтепаги ит дафн этилган гўр Саратепадаги (Сугд) билан бир даврга тўғри келади ва Марказий Осиёни катта худудда ўхшаш диний қарашлар бўлганини кўрсатади.

Бу асбоб жуда оддий бўлиб ҳар 15-20 см. даги қатламларни рангини, юмшоқ ва қаттиқлигини, таркибини 5-6 м чуқурликда бериши мумкин. Шу усул билан Хитойда 400 гектарлик Еченг номли шаҳар топилган ва ўрганиб келинмоқда. Мингтепани ташқи деворини топиш учун Тань-чан ёрдамида 500 гектарча майдонда 20 мингдан зиёд намуна таҳлил этилди. Ишлар натижаси сифатида 6800 метрли шаҳар муҳофаа деворининг пойдевори аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Иваницкий И.Д. Зороастрийский погребальный обряд Самаркандского Согда // ТД межд. конференции «Средняя Азия и мировая цивилизация». Ташкент, 1992.
- Заднепровский Ю.А. Основные этапы истории культуры Южного Кыргызстана в свете новых данных (1976-1984) // Древний и средневековый Кыргызстан. Бишкек, 1996.
- Заднепровский Ю.А., Матбабаев Б.Х. Городище Мархамат (некоторые итоги изучения) // ИМКУ. Вып. 25. Ташкент, 1991.
- Матбобоев Б.Х. и др. 2013-2017 йиллар учун ҳисоботлар. Археологик тадқиқотлар институти архиви. Ф.8, О.1, Д.196; Д.204; Д.206; Д.212.
- Матбобоев Б.Х. ва бошқалар. 2018 йил Андижон вилояти Мархамат тумани Мингтепа ёдгорлигида ўтказилган археологик тадқиқотлар юзасидан ҳисобот. Ўзбекистон Республикаси ФА Миллий археология маркази Самарқанд археология институти архиви. Ф.8, О.1, Д.215.
- Матбобоев Б.Х. Мингтепа: археологик қозишмалар ва уларнинг таҳлили // Водийнома. 2019. №3.
- Козенкова В.И. Археологические работы в Андижанской области в 1956 г. // КСИИМК. Вып. 76. М., 1959.
- Козенкова В.И. Погребальные памятники Ферганы первых веков нашей эры // Советская археология. 1966. №1.

Б.Х. Матбобоев, К. Шого, Б.М. Абдуллаев,
Х. Хошимов, З. Эркинова

2018-2019 ЙИЛЛАРДА ДАЛВАРЗИН ШАҲАР ҲАРОБАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ)

Далварзин шаҳар ҳаробаси – нафақат Фаргона водийси, балки Ўрта Осиёдаги бронза ва илк темир даври ёдгорликлари ичида энг каттаси ва муҳими ҳисобланади. Ёдгорлик Андижон вилояти Жалакудук тумани Ойим қишлоғидан 2 км шарқда Далварзин маҳалласининг адоқ қисмида жойлашган. Майдони 25 га, маданий қатламлар қалинлиги 4 м. га етади. Далварзинда 1952 йилдан бошлаб 16 дала мавсуми мобайнида Санкт-Петербурглик археолог Ю.А. Заднепровский, кейинроқ археолог Б.Х. Матбобоев казишма ишларини олиб бордилар. Текшириш ишлари асосан ёдгорликнинг марказий қисмида ва шарқий мудофаа девори томонларида амалга оширилди. Тадқиқотлар натижасида Далварзиннинг уч қисмдан иборат эканлиги ва ҳар бири алоҳида мудофаа деворлари билан ўраб олингани аниқланган. Яъни, шаҳар ҳаробаси уч таркибий қисмга ва улар Далварзин I, II, III деб номланган. Археологик текширишлар натижасида, ҳар бир бўлакнинг функционал вазифаси аниқланган (1-расм).

Далварзин I (Д-I) – (майдони 18 га) аҳолининг асосий яшаш жойи.

Далварзин II (Д-II) – (майдони қарийиб 5 га), уй-жойларни учрамаслиги ва маданий қатламларни унчалик қалин эмаслигига қараганда, бу бўлак чорва молларининг ёки хавф хатар тугилганда атроф аҳолининг жон сақлайдиган жойи вазифасини бажарган.

Далварзин III (Д-III) – (майдони 2 га яқин) шимоли-гарбий қисм, алоҳида ажратиб олинган ва кучли мудофаа деворлари билан ҳимояланган, бу ерда арк жойлашган (Матбобоев, 2014. С. 88-94).

Кулолчилик идишлари асосан қўлда ясалган. Идишлар сирти оч қизил, қизил айрим жойларда, бир қисми жигарранг ёки қора рангда бўлган, геометрик шакл ёки камдан кам ҳолатда ҳайвон тасвири билан безатилган (Матбабаев, 1999).

2018-2019 йиллари ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институти ва Япониянинг Токио санъат институти билан ҳамкорликда Далварзин шаҳар ҳаробасида қисқа археологик казишма ишлари олиб борилди. Тадқиқотларда Андижон ДУ Тарих факультети талабалари ва хориждан бошқа фан вакиллари палеозоолог Араи Санжи (Япония), палеоботаник Ингрида Шишукриати (Литва) ҳам қатнашдилар.

2018 йили Далварзиннинг “аҳоли истиқомат ҳудудини” жануби-гарбида меъморий қолдиқлар ва умумий стратиграфияни тадқиқ этиш мақсадида 10x10 м майдонда **қазилма Р-1** туширилди. Изланишлар натижасига кўра, бу жой Чуст маданияти соҳиблари томонидан озуқа сақлаш ва қисман ҳунармандчилик билан шуғулланиш учун ажратилган. Бу ҳудуд икки метр чуқурлик – материкгача тадқиқ этилган ва унда учта

маданий қатлам аниқланган бўлиб, улар билан боглик фақат иккита қуйи пол сатхлари ҳамда хўжалик ўралари қайд этилган.

Иккала қуйи пол сатхлари ўзига хос тузилишга эга бўлган: агар 1-полда хўжалик ўралари билан бирга ўчоқлар мавжуд бўлган бўлса, 2-полдаги хўжалик ўралари махсус устунлар (чуқурчалар) ўрни ва йўлаклар билан айлана кўринишида омборхона сифатида чегараланган бўлиб, унинг шарқида кириш жойи мавжудлиги тахмин қилинмоқда. Ушбу поллар сатхини солиштирма таҳлилига кўра Далварзиндаги ҳар бир патриархал оила ўз озука омборхонасига эга бўлган. Дастлабки истиқомат даврида омборхоналар устунлар воситасида ўралган бўлса, иккинчи даврда – улар лой воситасида тайёрланган деворлар билан ўралган бўлиши мумкин.

Топилмалар орасида энг кўпини тўқимачиликда ишлатилган моки (ткакцкие удочки) ва қадок тошлар (ткакцкие грузила) ҳамда уларни хомакилари (заготовки) ташкил этган (2-расм). Бу ҳолат Далварзинда тўқимачилик ривожланганлигига қўшимча далилдир. Шу билан бирга, дастлабки пол йўлагидан Чуст маданиятида кенг тарқалган (Спришевский, 1958. С. 187, рис. 2, 1) жездан ясалган игна (3-расм) топилди.

2019 йилга келиб жами ёдгорликнинг 6 нуқтасида археологик қазишмалар олиб борилди. Далварзин археологлар саъйи – ҳаракатларига қарамай жадал равишда бузилмоқда. Айниқса Далварзин II ва III қисмлар тезлик билан бузилиб богга айлантирилмоқда. Шунинг учун биз интенсив бузилаётган нуқталарни археологик ўрганишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳисобот йилида қуйидаги қазишмаларда ишлар олиб борилди. Айтганимиздек бошқа фанлар вакиллари ҳам қатнашдилар ва улар томонидан таҳлил учун намуналар олинди.

Водий бронза даври ўсимлик дунёси ҳақида маълумотлар олиш учун қатламлардан **палеоботаника** (Ингрида Чичириукате - Литва университети ходими) таҳлиллари учун 30 дан ортиқ намуналар ювилиб элаб олинди.

Далварзинда яшаган аҳолининг чорвачиликда асосий рол ўйнаган ҳайвонларнинг турларини ҳисобини олиш учун **археозоологик** (Араи Саижи - The Graduate University for Advanced Studies) материаллар таҳлили амалга оширилди. Натижада, қазишмалардан 658 суяк қолдиқлари аниқланган бўлиб, улардан 277 таси майда шохли ҳайвонлар (Caprin - эчки, қўй), 193 йирик шохли (Bos-мол), 78 таси (equus-от), 45 та (Canis-ит), 65 та (wild)-ёввойи ҳайвонлар суяк қолдиқлари аниқланди. Маълумотлардан кўриниб турибдики, Далварзин ёдгорлигида майда шохли ҳайвонлар чорвачилиги муҳим роль ўйнаган.

Маданий қатламлардан топилган ошхона идишларида қандай овқат пиширилганлиги ҳақида маълумот олиш учун **Липид анализи** (Такаши Гакуҳари – Teikyo University) учун 50 га яқин намуналар олинди. Таҳлил натижалари тез кунларда келгуси нашрларда эълон қилинади.

Ёдгорликда мултидисциплинар тадқиқотлардан ташқари ёдгорликни ёшини аниқлаш бўйича намуналар олиниб, C^{14} радиокарбон усулида натижалар олинди.

Намуналар асосан ёдгорликнинг жанубий мудофа деворининг маданий қатламларидан қазишмалар давомида топилган кул қолдиқларидан олинган. Унга кўра, энг қадимийси №1 қазишмадан 1 та намунада бундан 5030 ± 36 йил ва энг ёши 167 йилни ташкил қилди. 167 йил сана берган намуна маданий қатламлар бузилиб замонавий қабрлар қўйила бошланган даврга тўғри келади. Демак, 200 йил атрофида ёдгорликнинг жанубий қисмига замонавий қабрлар қўйила бошланган. Ҳозирги кунга келиб эса бу жойда қазишма ишлари олиб бориш учун мушкул ҳисобланган жой. Намуналарнинг кўпчилиги

C^{14} радиокарбон таҳлил натижалари жадвали


Field ID	Material	Context	Phase	Level	Lab. ID	Conventional ^{14}C age B.P.	\pm	Calibrated age B.C./A.D. (1SD)	Calibrated age B.C./A.D. (2SD)	Calibration curve
DAL18-Sec. 2-158	Charcoal	Sediment	Bedrock?	Sector2-bedrock?	TKA-19903	5030	36	3940BC (44.8%)3839BC 3815BC (35.4%)3711BC	3946BC (87.6%)3758BC 3744BC (7.8%)3711BC	IntCal13
DAL18-Sec. 2-134	Charcoal	Sediment	1a	Sector2-3	TKA-20076	3223	23	1510BC (68.2%)1451BC	1594BC (1.0%)1589BC 1531BC (94.4%)1433BC	IntCal13
DAL18-Sec. 2-11	Charcoal	Fortification wall	1a	Sector2-3?	TKA-20063	3110	21	1421BC (42.4%)1385BC 1340BC (35.8%)1316BC	1432BC (55.0%)1373BC 1357BC (40.4%)1302BC	IntCal13
DAL18-Sec. 2-150	Charcoal	Sediment	1a	Sector2-3	TKA-20072	3093	22	1409BC (38.3%)1380BC 1344BC (39.9%)1306BC	1419BC (95.4%)1291BC	IntCal13
DAL18-Sec. 2-123	Charcoal	Wall/Bench?	1a	Sector2-2	TKA-20068	3052	22	1362BC (33.8%)1341BC 1308BC (34.4%)1267BC	1397BC (91.3%)1257BC 1248BC (3.8%)1223BC	IntCal13
DAL18-Sec. 2-117	Charcoal	Floor?	1a	Sector2-2	TKA-20066	3026	24	1369BC (5.9%)1361BC 1297BC (62.3%)1227BC	1390BC (21.2%)1338BC 1320BC (74.2%)1208BC	IntCal13
DAL18-Sec. 2-147	Charcoal	Sediment	1b	Sector2-1/2	TKA-20071	2996	22	1266BC (63.3%)1207BC 1201BC (2.6%)1196BC 1139BC (2.2%)1135BC	1370BC (1.3%)1361BC 1291BC (87.2%)1157BC 1147BC (6.8%)1128BC	IntCal13
DAL18-Sec. 2-118	Charcoal	Pit	1b	Sector2-1	TKA-20067	2994	22	1265BC (65.2%)1196BC 1140BC (3.0%)1135BC	1367BC (0.4%)1364BC 1286BC (87.0%)1156BC 1148BC (3.9%)1127BC	IntCal13
DAL18-Sec. 2-128	Charcoal	Pit	1b	Sector2-1	TKA-20069	2983	21	1260BC (56.3%)1192BC 1172BC (2.9%)1167BC 1143BC (9.1%)1132BC	1269BC (95.4%)1126BC	IntCal13
DAL18-Sec. 2-24	Charcoal	Concentration of pottery in the oven	1b	Sector2-1	TKA-20064	2977	20	1257BC (4.0%)1251BC 1231BC (41.0%)1192BC 1176BC (10.2%)1163BC 1144BC (13.0%)1131BC	1262BC (95.4%)1126BC	IntCal13
DAL18-Sec. 2-107	Charcoal	Pit	1b	Sector2-1	TKA-20065	2977	21	1257BC (4.3%)1251BC 1231BC (40.0%)1192BC 1177BC (10.9%)1162BC 1144BC (13.0%)1131BC	1262BC (95.4%)1126BC	IntCal13
DAL18-Sec. 1	Human bone collagen	Sediment	1b	n/a	TKA-20059	2969	22	1234BC (32.0%)1183BC 1163BC (20.0%)1157BC 1146BC (16.2%)1123BC	1261BC (95.4%)1119BC	IntCal13
DAL18-Sec. 1-Pit3	Charcoal	Pit No. 3	1b	Sector1-3	TKA-20062	2937	22	1207BC (68.2%)1114BC	1214BC (95.4%)1055BC	IntCal13
DAL18-Sec. 1-Pit5	Charcoal	Pit No. 3	1b	Sector1-2	TKA-20061	2915	21	1188BC (2.4%)1183BC 1156BC (5.1%)1147BC 1128BC (60.7%)1052BC	1207BC (1.1%)1201BC 1196BC (22.7%)1141BC 1134BC (77.6%)1031BC	IntCal13
DAL18-Sec. 2-108	Human dental collagen	Grave (modern)	Modern	Grave (modern)	TKA-20060	169	18	1676AD (12.0%)1682AD 1736AD (42.5%)1780AD 1799AD (6.0%)1805AD 1935AD (7.7%)1944AD	1666AD (17.0%)1691AD 1728AD (48.6%)1785AD 1796AD (9.9%)1811AD 1916AD (79.8%)1954AD	IntCal13, Bomb13 NH12



1-расм. Далварзин ёдгорлигининг янги топографик харитаси



2-расм. Чуст маданиятига оид тўқимачиликда ишлатилган, сопол парчасидан ишланган хомаки (заготовка) маккилар



3-расм. Чуст маданиятига оид жездан ясалган игна (1) ва тўқимачиликда ишлатилган тароқ (2)




6-расм. Тош ҳайкал (масодикий топилма)




7-расм. Тошдан ясалган идиш бўлаги (масодикий топилма)

Ю.А. Заднепровскийнинг аниқлаган саналарига (Заднепровский, 1962. С. 64-70; Заднепровский, 1997. С. 67-76) яқин, яъни бундан 3223 ± 23 , 3110 ± 22 , 3093 ± 21 йиллар, аниқроқ қилиб айтганда қуйи қатламлар миллоддан аввлагги XIII-XI асрларни ўз ичига олади. Албатта, бу якуний таҳлил натижалари эмас, яна келгусида ёдгорликнинг арк ва бошқа қисмлардан намуналар олинадди.

Ундан ташқари ёдгорликнинг ички ва ташқи шимолий мудофа деворларида қирқимлар қилинди. Улар шартли равишда P4, P5 ва P7 қазишма рақамлари билан белгиланди.



4-расм. P5-қазишма режаси (а) ва қирқмаси (б)



5-расм. P7-қазишма режаси (а) ва қирқмаси (б)

P4 - қазишма. Далварзин II қисмида, 2x3 м ўлчамда қутб томонларга тўғри қилиб солинди. Қатламлар унчалик қалин эмас, 120 см. дан 130 см. гача боради. Бешта маданий қатлам қайд қилинди.

Ушбу қазишма Далварзиндаги олдинги натижаларни такрорлайди ва бу қисмда қурилиш қолдиқлар учрамайди. Яъни, мазкур қисм биздан олдинги тадқиқотчилар таъкид этганидек чорваларни сақлаш учун фойдаланилган (загон для скота). Бирок ушбу ҳудуд девор билан ўралган.

P5 - қазишма. Далварзин II қисмидаги шимолий мудофаа деворини ўрганиш учун солинди. Ўлчамлари: 2x16 м, маданий қатламлар қалинлиги 50-150 см.

1-қатлам, қалинлиги 0-15 см, чим аралашган қатлам.

2-қатлам, қалинлиги 20-55 см. Юмшоқ, қора турпоқли қатлам (қумдек), сопол, суяк парчалари учрайди.

3-қатлам, қалинлиги 1-150 см асосан деворни ёпиб турган қатлам. Таркиби йиқилган девор бўлақлари уюми, муштдек тошлардан.

4-қатлам, мудофаа деворининг бўлағи. Девор яхши пиширилган лойдан иборат — таркибидан кўтарилган, сақланган баландлиги 70-80 см, эни 4 м.

5-қатлам, қалинлиги 5-15 см, очик жигарранг қатлам.

6-қатлам, материк тоза тупроқдан иборат (4-расм).

P7 - қазишма. Қирқиб узунлиги 28 м, қатламлар қаланлиги 4 м. гача боради. Қирқимларда қуйидаги қатламлар қайд этилди:

1-қатлам, юқори қисми чим қатлам. Аралашган сопол, суяк парчалари мавжуд, тепадан ювилиб тушган;

2-сақланган девор қолдиги – эни 4 м, баландлиги очилган жойида ички томондан 155 см. Девор икки хил рангдаги гиштдан тикланган, энг юқори қисми очик кулранг кўринишда кейингилари қора-кўнгир рангли гиштлирдан иборат.

3-платформа ўлчамлари эни 12,60 см қалинлиги 2 м. Ҳозирда платформа қаттиқ ва мустаҳкам, яхшилаб пиширилган лойдан тикланган.

4-қатлам: гишт ва гувала уюмларидан иборат (завал);

5-қатлам оч жигарранг, қаттиқлиги ўртача сопол, суяк парчалари учрайди;

6-қатлам оч жигар рангли. Йиқилган девор ҳамда платформа қолдиқлари учрайди;

7-кичик назорат қудуги, 9-қатламдан қуйига 145 см давом этипти;

8-платформа остки қатлами, юмшоқ ва сопол парчалари учрайди;

9-қаттиқ оч жигаррангли қатлам. Мазкур қатлам девор ички томонида давом этмоқда. Кейинги йилда охирига етказилади (5-расм).

Хуллас, ушбу қисмдаги қазилмалар мазкур мудофаа девори ва у билан боғлиқ маданий қатламлари хусусиятларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Шаҳар ҳаробасини мудофаада тизимини ўрганишда қўшимча янги маълумотлар олинди. Далварзин уч қатор мудофаа эга ёдгорликдир. Яъни, арк, биринчи ва иккинчи деворлар тиклашда турли усуллар қўланилган. Масалан, арк ташқи девори хом гиштдан, биринчи ва иккинчи шарқий деворлар икки томонига гишт “панцир” қилиб ўртаси ишлов берилган тупроқ билан тўлдирилган девордан иборат. Шимолий девор пахсадан тикланган (Заднепровский, 1962. С. 17-20). 2019 йилги текширишлар девор гиштдан тиклангани аниқланди.

Изланишлар пайтида ёдгорлик жанубида жойлашган қишлоқ қабристони худудидан иккита топилма аниқланди. Ҳар иккиси ҳам тошдан йўниб ишланган. Биринчиси оч кулрангли яхлит тошдан солган тик ҳолатидан тасвири эркак киши йўнилган. Ишланиши жиҳатидан кўхна турк даври балбалларига ўхшаб кетади. Бу хайкалга (6-расм) ўхшаш топилмалар Фаргона водийси археологиясида бизларга номаълум. Иккинчи буюм – паймонасимон (қадах) идиш остки қисми (7-расм), қора рангли ва жуда яхши қилиб силлиқланган. У ҳам тошдан (стеатит?) йўниб ишланган. Ҳар иккисини келиб чиқиши номаълум ва улар бронза даврига тааллуқли бўлиши мумкин.

Далварзинни таркибий жиҳатдан учга бўлиниши (арк, асосий яшаш жойи, ҳайвонлар сақлайдиган жой) ва ҳар бирини алоҳида девор билан мудофааланиши айрим шаҳар белгиларини пайдо бўлганлигидан далолат беради (Матбобоев, 2014. С. 92).

Фойдаланилган адабиётлар:

- Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. Вып. 118. М.-Л., 1962.
- Заднепровский Ю.А. Ошское поселение // К истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. Бишкек, 1997.
- Матбабасев Б.Х. Некоторые итоги сравнительного изучения расписной керамики чустской культуры // ИМКУ. Вып. 30. Ташкент, 1999.
- Матбобоев Б.Х. Фаргона бронза даври ёдгорликлари // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 1-жилд. Тошкент, 2014.
- Спришевский В.И. Раскопки чустского поселения в 1956 г. // СА. 1958. № 3.

Х. Матякубов, Д. Нормуродов,
Б. Исабеков, У. Исмаилов

“ЭРТОШ ДЎЛАНА” ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган ва бажарилиши 2019-2020 йилларга мўлжалланган мақсадли инновацион тадқиқотлар лойиҳаси доирасида Низомий номидаги ТДПУ (ижрочи ташкилот), ЎзР ФА Миллий археология маркази ва ЎзР ФА Тарих институти илмий ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида жойлашган “Эртош Дўлана” ёдгорлигида 2019 йил баҳор-ёз мавсумида археологик қазишмалар олиб борилди. Ёдгорлик Оҳангарон дарёсининг ўнг irmoги Эртошсойнинг юқори оқимида, денгиз сатҳидан 1700 м баландликда жойлашган.

“Археологик объект – “Эртош Дўлана” ёдгорлигини тадқиқ этиш ўзбек халқининг этногенез тарихини ўрганишда бирламчи манба” мавзуидаги инновацион лойиҳа доирасида олиб борилаётган ушбу тадқиқотдан кўзланган мақсад ёдгорликдан олинган оригинал ашёвий материаллар асосида ўзбек халқи ва Марказий Осиё халқлари этногенезининг мураккаб ва мунозарали бўлиб келаётган айрим масалаларига аниқлик киритиш ҳисобланади.

Эртошсойнинг юқори оқимида атрофи тоғлар билан ўралган водий қадимдан чорвадорларнинг қишлоқ мақони бўлиб хизмат қилган. Олдинги йилларда лойиҳа иштирокчилари томонидан водий теварак-атрофларида аниқланган тош қурилмали мазор-қўрғонлар, оташпарастларнинг ибодатхонаси, металлургияларнинг металл эритиш қўралари (печлар), металл тошқоллар (шлак), илк ва ривожланган ўрта асрларга тегишли археологик объектлар шундан далолат беради. Ҳатто эртошликларнинг ҳозирги замон қабристони ҳудудидан чорвадор Андрoнова маданиятига тегишли ёлғиз қабр аниқланган. Ҳозирда бу тоғлар оралигида таркиб топган микроводийда маҳаллий аҳоли томонидан мевазор боглар барпо этилган.

2017 йилда ушбу микроводийнинг шимолий-шарқий майдонини эгаллаган боглардан бирини сугориш вақтида баъзи нукталарда ер қаърига йўл топган чўкмалар ҳосил бўлган. Чўкмалардан иккитаси 2018 йилда ушбу лойиҳа иштирокчилари (Б. Исабеков ва академик Аҳмадали Асқаров) томонидан очиб ўрганилганда, ер сатҳидан 4 м чуқурликда ашёвий далилларга бой қабрлар аниқланган эди.

2019 йилги мавсумда қарийб 1 гектар майдонни ўз ичига олган ёдгорликда жойлашган қабрларнинг ички тузилишини ўрганиш мақсадида ҳар бирининг узунлиги 15-20 м, кенлиги 1 м, чуқурлиги 4,5-5 м ўлчамда траншеялар қазилди. Мавсум давомида жами 15

та траншея қазилди ва илмий лойиха учун муҳим аҳамиятга эга бўлган жами 7 та оригинал қабрлар очиб ўрганилди. Траншеяларнинг қўйи горизонтдан Қовунчи маданиятига тегишли қабрлар, 80-90 см чуқурликда эса қорахонийлар даврига тегишли мусулмон қабрлар очиб ўрганилди. Мусулмон қабрларнинг тузилиши, конструкцияси ва дафн тартиблари бир-биридан фарқ қилмайди. Уларда жасадлар гиштсимон, йирик монолит дарё тошлари билан ўраб чиқилган ҳолда дафн этилган. Қовунчи маданиятининг ўрта босқичига тегишли бўлган катакомба шаклидаги қабрлар эса археологик материаларга бой (5-расм).

Маълумки, Қовунчи маданиятининг ўрганилиб, фанга қаритилиши 1934-1935 йилларда Тошкент шахридан 15 км жанубда, Янгийўл туманида жойлашган Қовунчитепа ёдгорлигида тадқиқотлар ўтказган археолог Г.В. Григорьев номи билан боғлиқ (Григорьев, 1935. С. 13-27). Кейинги йилларда Қовунчи маданиятига оид 100 дан ортиқ ер усти ёдгорликлари ва 40 дан ортиқ мазор-қўргонлар топилиб, тадқиқ этилди. Комплекс археологик ва антропологик тадқиқотлар ушбу маданиятнинг тарқалиш географияси Сирдарё ўрта ҳавзаларининг нафақат Тошкент воҳаси, балки, Жанубий Қозогистон худудларига ҳам кенг ёйилганлигини кўрсатди (Буряков, 1973. С. 38-51). Академик Ю.Ф. Буряков Тошкент воҳаси ёдгорликлари материаллари таҳлилига асосланиб, Қовунчи маданиятининг даври санасини 3 та хронологик босқичга бўлади. Ю.Ф. Буряков шкаласига кўра, Қовунчи I милoddан аввалги II асрдан милодий II асргача, Қовунчи II милодий II-IV асрнинг биринчи ярми ва Қовунчи III милодий IV асрнинг иккинчи ярми – VI асрнинг бошларини ўз ичига олади (Буряков, 1982. С. 65-80).

Ушбу ёдгорликдан Қовунчи маданиятига оид еттита катакомба шаклидаги қабрлар аниқланди. Қуйида улардан 3 та қабрда қайд этилган материалларни ҳавола қиламиз.

1-ҚАБР. Лаҳад деярли овал шаклида, шарқдан гарбга 280 см., шимолдан жанубга 270 см.ни ташкил қилади. Камерага жанубий-гарб томондан кириш тешиги бўлган. Қабр тешигининг диаметри 65 см, ташқарисидан яхлит плита тоши билан беркитилган. Унга жанубий-гарбдан қияли кўтарилиб борувчи, узунлиги 3 м бўлган дромос йўлаги туташган. Қабр тешигининг шимолий орқасида дромосга перпендикуляр қилиб лаҳад қазилган. Қабр камерасида 3 та скелет топилди. Жасадларнинг барчасини боши шарққа, оёғи эса гарбга қаратиб қўйилган (1-расм).

1-скелет қабрга кираверишда жойлашган. У эркак кишига тегишли бўлиб, бўйи 190 см.ни ташкил қилади. Скелетнинг бош томонида 13 см. узунликдаги темир пичоқ ва бўйин қисмида қаламсимон тош тумор топилди.

2-скелет 1-скелетнинг ўнг томонида жойлашган. Бу скелет аёл кишига тегишли бўлиб, унинг узунлиги 175 см.ни ташкил этади. Унинг қулоқ бўшлиғи қисмидан бронза зирак, скелетнинг бир қўл билагида қора серпантин тошидан ясалган турли хил шаклдаги тош мунчоқ, мунчоқлар орасида ясситош шаклида ясалган мунчоқнинг юзасида геометрик шаклли, илоҳийлаштирилган кўзмунчоқ жойлаштирилган. Иккинчи билагида кўкимтир шишадан биконик шаклда ясалган мунчоқ-билагузук топилди. Билагузук мунчоқлари орасида оч заргалдоқ рангли тошдан ясалган цилиндр шаклли ва сирти кабарикли шарсимон паста мунчоқ ҳам бор. Қўл панжасида темирдан ясалган узук топилди. Мунчоқлар орасида митти этикчани эслатувчи тош предмет ҳам учради.

3-скелет 2-скелетдан ўнгда жойлашган. Бу скелет ёш аёл кишига тегишли бўлиб, унинг суяклари деярлик чириб, кукунга айланиб кетган. Унинг бел қисмида мато белбоғнинг ёғочдан ясалган тўқаси топилди. Ёғоч тўқага икки тигли митти бронза нақшлар ёпиштирилган. Ёғоч тўқада мато изларининг қолдиқлари сақланган. Скелетнинг бўйин қисмида оқ шиша маржон шодаси топилди.

Ушбу қабрдаги скелетларнинг бош томонидан саккиз дона қўлда ясалган сопол идишлар топилди. Идишларнинг лойи қизгиш-жигарранг, таглиги ясси қилиб ясалган. Уларнинг биттаси кўза, биттаси икки қулоқли кўза, учтаси хурмача, иккитаси кружка, биттаси пишлоқ тайёрлаш ҳамда суюкликнинг кичик огизли идишларга қуйиш учун ишлатиладиган ритонсимон идиш – воронкадан иборат (2-расм).

Ҳалқасимон дастали кўза. Ташқи ва бўйин қисмининг ички сирти қизгиш қорамтир рангда ангобланган. Унинг бўйи 28 см, огзининг диаметри 11 см, ясси тубининг диаметри 14,5 см. Кўзанинг елка айланаси бўйлаб қулоқчилик пичоги ёрдамида чизикча ва унинг остидан бир дона хочсимон чизик тортилган. Кўзанинг огзи сув қуйишга мўлжаллаб тарновсимон жумракли қилиб ишланган.

Икки қулоқли кўза. Ташқи ва ташқарига қайрилган огзининг сирти тўқ қора рангдаги ангобланган. Қўшқулоқ ости айланаси бўйлаб оқ лента устига тўқ қора рангда ярим айлана шаклида нақш солинган. Кўзанинг баландлиги 24,5 см, огзининг диаметри 17,5 см., таглигининг диаметри 15 см. ни ташкил этади.

Хурмача (1). Хурмача лаби ташқарига қайрилган, сирти ва бўйин қисмининг ички сирти тўқ қора рангда ангобланган. Хурмачанинг бўйи 19 см, огзининг диаметри 9,2 см, тубининг диаметри 11,5 см. ни ташкил этади. Цилиндирсимон бўйинининг айланаси бўйлаб ўтган чизикча хурмачанинг қорин қисмини ажратиб туради.

Хурмача (2). Хурмачанинг лаби ташқарига қайрилган, сирти ва бўйин қисмининг ички сирти тўқ қора рангда ангобланган. Хурмачанинг бўйи 19 см, огзининг диаметри 11,2 см, тубининг диаметри 11,5 см. ни ташкил этади.

Хурмача (3). Хурмачанинг лаби ўткир учбурчак шаклида, ташқи сирти ва ички сиртининг бўйин қисми қизгиш қора рангда ангобланган. Елка қисми айланаси бўйлаб параллел чизикчалар билан қопланган. Уларнинг ости бўйлаб қизгиш оқ лента устига тўқ қора рангда икки қатор ярим айлана нақш берилган. Хурмачанинг бўйи 17,5 см, огзининг диаметри 10,5 см, тубининг диаметри 10 см. ни ташкил этади.

Кружка (1). Кружканинг бўйин қисми цилиндр шаклида, лаби тик, қорин қисми айлана шаклида ишланган. Елка айланаси бўйлаб чизикча тортилган. Ташқи сирти ва ички сиртининг бўйин қисми қора рангда ангобланган. Унинг бўйин ва елка қисмини бирлаштирувчи балдоги бурама шохли қўчқор шаклида ясалган. Кружканинг бўйи 13,8 см, огзининг диаметри 9,1 см, ясси тубининг диаметри 8,5 см. ни ташкил қилади.

Кружка (2). Кружканинг бўйин қисми цилиндр шаклида, лаби тик, қорин қисми айлана шаклида ишланган. Кружканинг ташқи сирти ва ички сиртининг бўйин қисми қора рангда ангобланган. Унинг бўйин ва елка қисмини бирлаштирувчи балдоги бурама шохли қўчқор шаклида ясалган. Унинг бўйи 10 см, огзи диаметри 7,6 см, ясси шаклидаги таглигининг диаметри 6 см. ни ташкил қилади.

Сузгичсимон кўзача (воронка). Унинг ташқи сирти ва бўйинининг лаб томони жигарранг рангда ангобланган. Учбурчак шаклли лаби ташқарига қайрилган. Тор бўйин



1-расм. 1-қабрнинг умумий кўриниши




2-расм. 1-қабр сопол идишлари



3-расм. 2-қабрдан топилган сопол идишлар



4-расм. 3-қабр сопол идишлари



5-расм. Қабрларнинг плани ва кесмаси

1) чим, ўсимлик ва илдизли тупроқ қатлам; 2) ўртача қаттиқликдаги соз тупроқ қатлам; 3) юмшоқ соз тупроқ (қўзгатилган тупроқ); 4) Тош

қисмининг айланаси бўйлаб параллел чизикчалар тортилган. Қорин қисмида оқ лента айланаси бўйлаб қорамтир қизил рангда ярим ойсимон нақш тортилган. Сузгичнинг бўйи 24 см, огзининг диаметри 8 см.ни ташкил қилади. Сузгичнинг ингичкалашиб, қисқариб борган тубида 5 мм.лик тешикчаси бор.

2-ҚАБР. Бу қабр 1-қабрдан шимолий-шарқда богнинг сугорилиши натижасида ҳосил бўлган иккинчи чўкма остидан топилди. Бу жойдаги қабр размери 3×3 м. лик шурф қазиш жараёнида аниқланди. Шурфни ер сатҳидан 3,5 м пастга қазиб тушилганда қабр камерасига кириш тешигини ёпган тошлар очилди. Шу жойдан жануб томонга қияли кўтарилиб борган дромос қазилган. Тешик иккита йирик ясси ва битта кичик тошлар билан ёпилган. Тешикнинг диаметри 75×65 см (3-расм).

Дромос огзидан шимолга перпендикуляр қилиб лаҳад ясалган. Унинг поли дромос сатҳидан 20-25 см, пастроқда, ер сатҳидан эса 3,75 м чуқурликда жойлашган. Бу қабр лаҳади бўлиб, у овал шаклида, ўлчами 2,7×3,05 м. ни ташкил этади

Қабр соз тупроқлардан тозалангач, унинг полида 4 та скелет колдиклари топилди. Скелетлар чириб кукунга айланган ва ёмон ҳолатга келиб қолган. Скелетларга қараб уларнинг жинсини аниқлаб бўлмади. Уларнинг боши шарққа, оёғи эса гарбга узатилиб, чалқанчасига ётқизилган.

1-скелет лаҳаднинг ўрта қисмида жойлашган. Унинг излари узунлиги 1,8 м. Ушбу скелет эркак кишига тегишли бўлса керак. Чунки унинг ёнидан темирдан ясалган пичоқ топилди

2-скелет 1-скелетдан ўнг томонда жойлашган. Унинг узунлиги 170 см. ни ташкил қилади. Скелет излари биринчи скелетга нисбатан кичик ва нозикроқ. Бу дафина аёл бўлиши мумкин. Чунки, ҳар бир жамоавий қабр оилавий хилхонадир. Скелетларнинг тагига майда тош (шагал) тўшалган бўлиб, ушбу скелетнинг чап томон қўл бармоқлари ёнида битта катта тош учратилди. Ушбу скелетнинг бош томонидан темирдан ясалган пичоқ топилди.

3-скелет эркак кишига тегишли бўлса керак. Скелет изининг узунлиги 1,8 м бўлиб, бу скелетнинг тагига ҳам майда тош тўшалган. Скелет қўл бармоқларида 2 та узук, оёқ томонидан камон ўқининг учи, бош томонидан темирдан ясалган пичоқ топилди. Скелетнинг чап қўли ёнида битта катта тош учратилди.

4-скелет ёш қиз болага тегишли бўлса керак, чунки унинг бўйин қисмидан пастадан ясалган цилиндрик шаклдаги мунчоқлар шодаси топилди . Скелетнинг кукунга айланган излари узунлиги 1,1 м. ни ташкил этади.

Скелетларнинг бош томонида 6 дона қўлда ясалган сопол идишлар топилди. Уларнинг учтаси катта-кичик хажмдаги хурмача, иккитаси кружка ва биттаси митти кўзачадан иборат.

Идишлар хумдонда гишт даражасида пиширилган, сирти оч жигаррангда, биттаси эса тўқ жигаррангда, яна битта хурмача тўқ қора рангда ангобланган.

Хурмача (1). Бу хурмача бошқаларига нисбатан бўйдорроқ, оч жигаррангда ангобланган, баландлиги 25 см, ташқарига қайрилган огзининг диаметри 11,1 см, тубининг диаметри 12,2 см. ни ташкил этади. Цилиндрсимон шаклли бўйни билан кенгайиб борган қорни бир қатор чизик билан ажратилган.

Хурмача (2). Бу хурмача ҳам биринчиси каби бўйдорроқ. Цилиндроконик шаклли бўйнининг лаби ташқарига қайрилган, унинг бўйин қисми шарсимон танасидан бир қатор чизикча билан ажратилган. Хурмачанинг сирти қорамтир қизил рангда ангобланган. Бироқ, ангоб излари кўчиб, хурмачанинг бўйин қисмидагина олмагули шаклида сақланган. Хурмача бўйнининг баландлиги 20,3 см, огзининг диаметри 10 см, тубининг диаметри 12,5 см. ни ташкил этади.

Хурмача (3). Унинг шакли шамоили биринчи хурмачанинг ўзгинаси. Фақат унинг биринчисидан фарқи хажм жиҳатидан кичикроқ, сирти қора рангда ангобланган. Хурмача бўйнининг баландлиги 15 см, огзининг диаметри 9 см, тубининг диаметри 9 см. ни ташкил қилади.

Кружка (1). Унинг сирти жигарранг билан ангобланган, бироқ ангоб излари деярли ўчиб кетган. Фақат кружка сиртининг баъзи бир жойларида хира сақланган. Идишни хумдонда пишириш вақтида бир текисда аланга тегмаган жойларда қора доғ ҳосил бўлган. Унинг ярим ой шаклли дастаси ҳайвон шаклида ясалган бўлсада, дастадаги ҳайвон шакли синиб кетган ва йўқолган. Бу кружканинг баландлиги 13 см, огзининг диаметри 8,9 см, таглигининг диаметри 7,5 см. ни ташкил қилади.

Кружка (2). Иккинчи кружка ясашиш сифати жиҳатидан нозик ва профессионал мукамаллиги билан ажралиб туради. Кружканинг бўйин қисми цилиндр шаклида, лаби тик, қорин қисми айлана шаклида ишланган. Елка айланаси бўйлаб чизикча тортилган. Ташки сирти ва ички сиртининг бўйин қисми қизил рангда ангобланган. Унинг бўйин ва елка қисмини бирлаштирувчи балдоги бурама шохли кўчқор шаклида ясалган. Унинг бўйи 11,3 см, огзининг диаметри 8 см, ясси шаклдаги тубининг диаметри 6,7 см. ни ташкил қилади.

Кўрача. У банкача шаклида бўлиб, унинг лойига оқ қум аралаш майдаланган тош кукунлари кўшиб ясалган. Ички қисми оч жигаррангда, ташки сирти қорақуя босган рангда. Унинг бўйи баландлиги 8,5 см, огзининг диаметри 7 см, тубининг диаметри 6 см. ни ташкил қилади. Бу митти идишчада гўдак бола учун овқат пиширилган.

3-ҚАБР. Бу қабр ҳам юқоридагилар каби олмазор бог майдонида ҳосил бўлган учинчи чўкма остидан топилди. Учинчи чўкма 2-қабрдан гарбда жойлашган. Чўкмадан 2 м чамаси пастроқда 1×2,5 м. ли траншея қазилиб, унинг 2 м чуқурлигида ушбу қабрга олиб боровчи дромос очилди. Дромос кесмасида қабр камераси тешигини беркитган яхлит плита тош очилди. Кейин шу тош ўрнашган жойдан шимол томонда, чўкма майдонини қамраб олган 2×2 м ўлчамда шурф қазилди. Шурф остидан қабр лаҳади очилди. Лаҳад поли ер сатҳидан 3,85 см пастликда жойлашган. У овал шаклда бўлиб, унинг размери 2,5×2,3 см. ни ташкил қилади. Лаҳадга гарбдан горизонтал шаклда пастлашиб тушган дромос бўлиб, унинг баландлиги 60 см, эни 75 см, узунлиги 3 м бўлган. Лаҳад огзи 55×74×25 см. ли яхлит тош билан ёпиб қўйилган. Дромос тоши лаҳад полидан 25 см баландликда жойлашган. Ушбу қабр ўпирилиб тушган тупроқдан тозаланганда қабр камерасида чалқанчасига ётқизилган 5 кишининг скелетлари борлиги маълум бўлди (4-расм).

Ушбу қабрдаги скелетларнинг хилхонада жойлашиши ҳар хил, қатъий Қовунчи маданиятига хос анатомик тартиб кузатилмайди. Масалан, биринчи қабрда бош чанок

шарққа қаратилган бўлса, 2 ва 3 қабрларда марҳумлар бош чаноги гарбга қаратилган, тўртинчи скелет жанубий-гарбга, бешинчисининг бош чаноги шимолга қаратилган.

1 ва 2 – скелетлар дромос йўлагига перпиндикуляр равишда, лаҳаднинг шимолий шарқига жойлаштирилган 1-скелет чириб, буркул кукунга айланиб кетган. Сақланган суяк парчаларига қараганда, унинг бўйи 1 м атрофида бўлган.

1-скелетнинг чап томонида 2-скелет жойлашган. Унинг бўйин узунлиги 1,8 см.ни ташкил қилади. 2-скелетнинг бош томонидан сурматош шаклида тоштумор топилди. Дафина кийими қадалган бронза тақинчоқлар, марказий қисми махсус тешилган бронза пластинка, кичик қора тошдан қилинган тақинчоқлар топилди.

2 скелетдан ўнгда, бош чаноги дромосга қаратилган 3- ва 4 – скелет жойлашган. 3-скелетнинг бўйи 160 см, 4-скелетнинг бўйи 150 см.ни ташкил этади. 5-скелет камеранинг шимолий-шарқига жойлаштирилган. Унинг бўйи 1,75 м. ни ташкил қилади.

Қабрдаги 2-скелет билан 3-скелетнинг ўртасидан синган сопол парчалари, 4-скелетнинг чап томони ва 5-скелетнинг бош томонидан бир донадан кўзалар, дромос йўлагидан синган сопол бўлаклари топилди. Қабрдан жами бўлиб қўлда ясалган 4 та сопол идишлар топилган.

Халқасимон дастали кўза. Ташқи ва бўйин қисмининг ички сирти қизгиш қорамтир рангда ангобланган. Унинг бўйи 28 см, огзининг диаметри 11 см, ясси тубининг диаметри 11 см. Кўзанинг огзи сув қуйишга мўлжаллаб тарновсимон жумрак қилиб ишланган.

Қумғон-кўза. Қабрдан овқат пиширишга мўлжалланган 3 та қумғон-кўзача топилган. Уларнинг лойига оқ қум ва майдаланган тош заррачалари қўшиб пиширилган. Сиртини олов излари – қора қурум босган. Қумғон-кўзаларнинг барчаси мўрт.

Қумғон-кўза (1) бир дастали, бўйининг баландлиги 16,5 см, огзининг диаметри 11 см., тубининг диаметри 8,5 см. ни ташкил этади.

Қумғон-кўза (2) дастасиз, баландлиги 19 см, огзининг диаметри 10,5 см ва тубининг диаметри 9,5 см. ни ташкил этади.

Қумғон-кўза (3) иккинчиси каби кулоқсиз. Қадимда унинг қорнида дарз кетган ва бу қумғон-кўза ташлаб юборилмай, қадочи уста кулол томонидан қадоҳланган. Бу қумғон-кўза олдингилардан суюклик сизими кенгроқ ва пастаклиги билан фарқ қилади. Унинг баландлиги 14,5 см, огзининг кенглиги 16,5 см ва тубининг диаметри 10,5 см. ни ташкил этади.

Қабрлардан топилган археологик ашёвий материаллар ўзбек этносининг ўтроқлашаётган туркий қатламига тегишли Қовунчи маданиятига (мил. авв. II – милодий VI асрлар) мансуб қадимги қабристон бўлганлигини кўрсатмоқда.

Биз ўрганаётган “Эртош Дўлана” қабристони материаллари мажмуаси Қовунчи маданиятининг ўрта босқичи – Қовунчи II даврига оидлигини кўрсатди. Сопол идишларда кўй култи, айниқса кўчқор сиймоси кенг кўламда тасвирланган. Сопол ва тош туморларда туркий илохий оламга хос чизги-белгилар кўплаб учратилади.

Тадқиқотчиларнинг яқдил фикрича, қадимги Тошкент воҳасида туркий этник қатлам айнан Қовунчи маданияти ёдгорликларида яққол кўзга ташланади. Академик А.Асқаровнинг фикрича, бунинг асосий сабаби биринчидан, аҳолиси икки хил тил сохиблари бўлган Канкия (Канха) давлатининг маркази, ядроси Сирдарёнинг ўрта

ҳавзаси бўлса, игкинчидан, бу минтақа қадимдан сугдий ва туркий тилли қабилаларнинг мунтазам алоқа ҳудуди бўлиб келган (Аскарлов, 2018. С. 293). Қовунчи маданиятининг шаклланиши ва такомиллашиб боришида айнан шу даврда фаоллашган Буюк ипак йўлининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Чунки, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари қадимий Буюк ипак йўлининг шимолий чорвадор қабилалар билан жанубий ўтрок дехқончилик воҳаларидаги шаҳарларни ўзаро боғловчи муҳим этно-сиёсий марказий минтақаси эди.

Қовунчи маданиятига оид “Эртош Дўлана” ёдгорлиги материалари, нафақат Тошкент воҳаси, балки Ўрта Осиё ва унга туташ ҳудудларда рўй берган этногенетик ва этномаданий жараёнлар тарихини ёритишда бирламчи манбалар берувчи ноёб ёдгорликдир. Бугунги кунда қабрлардан топилган археологик ва антропологик материалларни соҳа олимлари билан ҳамкорликда ўрганиш ишлари давом эттирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Аскарлов А. История происхождения узбекского народа. Ташкент, 2018.
- Буряков Ю.Ф., Дадабоев Г. Памятники античного времени в Ташкентском оазисе // ИМКУ. Вып. 10. Ташкент, 1973.
- Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, 1982.
- Григорьев Г.В. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе УзССР в 1934 г. Ташкент, 1935.

Д.К. Мирзаахмедов, С. Поззи, И. Винченци,
А. Искандерова, С. Мирзаахмедов, М. Султанова

АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ НА ЦИТАДЕЛИ ВАРДАНЗЕ В 2019 Г.

Археологические работы на одном из крупных городских центров Бухарского оазиса Кургане Варданзе, расположенном в 12 км к северо-востоку от районного центра Шафиркан Бухарской области, были проведены в октябре-ноябре 2019 года. Город хорошо известен по данным арабо-персидских источников и легендарным сообщениям историка Бухары Мухаммада ан-Наршахи, относившего его происхождение от брачного союза Сасанидского принца Шапура и дочери царя Турана Афрасиаба. На самом же деле, по результатам наших последних исследований, легенда действительно является отголоском реальных исторических событий, брачного союза Сасанидского принца Кавада, затем ставшего шахиншахом Ирана и эфталитской принцессы. Полученные в приданое эфталитской принцессой земли Бухары, впоследствии были названы округой Обавия, а располагавшая здесь их резиденция Курган Варданзе стала столицей княжества Варданхуда-тов, не уступавших по знатности происхождения самим царям Бухары Бухархудатам (Адылов, Мирзаахмедов, 2001). Город состоял из цитадели прямоугольной в плане формы и вытянутого по линии северо-восток – юго-запад, шахристана, топографически делящегося на две части (Мирзаахмедов, Поззи, Адылов, Искандерова, Мирзаахмедов, Султанова, 2018). Все археологические исследования, проводившиеся в текущем году имели место на территории цитадели, значительно возвышавшейся от уровня поверхности шахристана. Работы были сосредоточены в восточной части цитадели, с новой топографической сеткой, состоявшей из квадратов 5х5 м, ориентированных по линии север-юг. Квадраты помечены алфавитно-цифровой системой, позволявшей лучше планировать исследовательскую документацию.

Квадраты раскопа: CC8NE, C8NW, CC8SE, C8SW, C8SE, CC8SE, CC9NE, C9SW, именуемый «северный раскоп», по верхним слоям оказались в значительной степени повреждёнными от выветривания, смывости и разрушений. Второй раскоп, был расположен к юго-западу от предыдущего и включал квадраты: D8SE, D9NE и части D8NE, D8SW, D9NW, D9SE, именуемый «южный раскоп». В данном полевом сезоне площадь обоих раскопов составила 152 м² (рис. 1).

Основной целью исследований являлось, посредством вскрытия верхних горизонтов развитого средневековья, опуститься до слоев раннесредневекового дворца Варданхуда-тов, на последнем этапе его функционирования, когда его остатки, по верху, повторно были использованы в качестве складских помещений. Верхние горизонты развитого средневековья также сохранились плохо, но наряду со вторичным использованием час-

тей предшествующих сооружений, характеризуются наличием нескольких разрушенных остатков ташнау, с добавлявшейся поверх друг друга и уходящей вниз системой канализации.

Северный раскоп. Произведены работы по продолжению вскрытия внешней стены восточного стрелкового коридора, а в квадратах СС9NE и С9NW были заложены два шурфа. Вся площадь исследуемых раскопов составила около 96 м². Верхняя площадь участка была покрыта зольными слоями, относящихся к эпохе монгольского завоевания (рис. 2).

Средневековый период обживания по материалам керамических находок датируется X - началом XIII вв. В структуре верхних средневековых наслоений северной части раскопа была выявлена структура SU 1226 из трех рядов сырцовых кирпичей прямоугольной формы: по двум внешним рядам кирпичи были выложены тычком-поперёк, а по середине укладывались в длину - ложком. Выявленный первый утрамбованный пол SU1227 функционировал одновременно с вышеуказанной структурой. В юго-западном углу, в южной части раскопа, была обнаружена другая сырцовая кирпичная кладка SU1228, ориентированная с востока на запад, позже идентифицированная как стена (рис. 3). Кладка была сооружена из разноформатных обломков сырцовых кирпичей. Оба сооружения были прорезаны ямами. В раскопе были выявлены несколько уровней полов, функционировавших на разных этапах средневековья. Полы были прорезаны ямами, в одной из которых были обнаружены фрагменты керамики, датируемые X-XII вв.

Между IX/X - XII веками восточная часть цитадели была застроена новыми сооружениями. Повторно использовались некоторые стены раннесредневекового дворца. На части помещений фиксируются располагавшиеся здесь поэтапно нескольких душевых и сложная система канализации.

Также были расчищены помещения 46 (рис. 4) и 47 (рис. 5), в структуре ям которых были обнаружены фрагменты керамики, датированные IX/X-XII веками и два фрагмента VI-VII вв.

В слоях помещения 47 найдена монета караханида Илека Юсуфа бен Али (первая половина XI века, определение ст. н. с. А. Атаходжаева).

Переходный период между VIII и IX вв. В помещениях северного раскопа с системой душевых-ташнау выявлена стена SU 1257, состоявшая из 4-х рядов сырцовых кирпичей прямоугольной формы. Под ней был слой пахсы со следами обгоревшей поверхности (рис. 6, 1). Стена продолжалась ниже, что, возможно, указывает на её датировку эпохой раннего средневековья, выступавшей от большой сырцовой кирпичной платформы, аналогичной выявленной в прошлом сезоне. По нашему мнению, этот участок вымощенный глиной, представлял забутованную платформу, послужившую для сооружения парадных помещений следующей эпохи, наступивших после разгрома цитадели Варданхудата арабами и связанного с новым этапом восстановления цитадели в IX-X вв.

Исследование платформы показало, что она была построена после периода запустения и временного периодического использования предыдущих сооружений раннего средневековья, датирующихся между VIII и IX вв. Скорее всего, в этот переходный период разрушенную цитадель иногда могли использовать под временное жильё.



Рис. 1. Общий топографический план цитадели Варданце с архитектурой раннего и развитого средневековья

Объекты, относящиеся к этому периоду, представлены отдельными полами и ямами (рис. 6, 2).

Раннесредневековый период. Как уже отмечалось ранее, замок был окружен с четырех сторон стрелковой галереей. На участке наших раскопок восточная часть галереи была разграничена снаружи стеной 831, а внутри стеной - 1126. Целью раскопок являлось выявление продолжения линии стрелковой галереи к югу по линии внешних восточных стен. В раскопе коридор был открыт на длину 2,10 м. Его восточная внешняя стена сохранилась плохо, и в его структуре найдена ручка кувшина, датируемая VIII в. Слой разрушений, расчищенных в проходе, разграниченных стенами 1126 и 831, состоял из мяг-




Рис. 2. Варданзе. Цитадель. Общий план помещений северного раскопа

кой красноватой обгоревшей глины, образовавшейся вследствие обрушений при большом пожаре взятия арабами цитадели.

Период развитого средневековья. По верхнему горизонту были прослежены следы пепла и жженных кирпичей со следами окраски. В выявленных помещениях X века отмечены душевые—ташнау, ставшие в этот период обычными деталями жилищ, а кирпичи, используемые для гидроизоляционной обкладки их стен могли быть обработаны водостойкими красками. В сопутствующем культурном горизонте обнаружены археологически целые костяной гребень из слоновой кости и небольшой глазурованный светильник, датированные X веком. На выявленном полу отмечены остатки стены, по линии запад-восток, сооруженной из прямоугольных сырцовых кирпичей. Пол был прорезан двумя ямами. К одной из них, шириной 80 см и использовавшийся в качестве стока для воды,




Рис. 3. Варданзе. Цитадель. Помещения восточной части северного раскопа



Рис. 4. Варданзе. Цитадель. Помещения южной части северного раскопа



Рис. 5. Варданзе. Северный раскоп. Помещение с Ташнау



Рис. 6. Варданзе. Цитадель. 1. Северный раскоп, помещения с ташнау.
 2. Северный раскоп, помещения с полами и ямами периодического обживания



Рис. 7. Варданзе. Цитадель. Помещения с ташнау и кубурами для стока воды

имел направление, расположенный в 24 см от её края, кубур. По верху кубур был перекрыт двумя жжеными кирпичами прямоугольной формы (рис. 7, 1). Присутствие жженных кирпичей при укладке подземного канализационного стока и полученные находки, обнаруженные в этой части, позволяют предположить, что в период Саманидов эта часть помещений широко использовалась в гигиенических целях, являясь душевыми отсеками, и имела жилой характер. Система ташнау путем перестроек продолжала использоваться до начала XIII в.

Южный раскоп. Раскоп был разбит на 6 квадратов, пронумерованных как CC8CW, D9NE, D8SE, DD9NW (рис. 8). Верхний горизонт состоял из рыхлого надувного песка серого цвета, с фрагментами керамики, стекла, жженных кирпичей и костей.

По верху раскопа также отмечены фрагменты глазурованной и неполивной керамики. Среди археологически целых следует отметить глазурованный светильник, венчик тонкостенного горшка, фрагменты археологически целой чаши. Дальнейшая зачистка раскопа показала, что ташнау по канализационному основанию состояла из нескольких перевернутых крупных водоносных кувшинов яйцевидной формы (рис. 9, 2), опускавшихся в большую яму.

Наибольший интерес в южном раскопе представляет большая яма - бадраб, диаметром около 2,0 и глубиной 3,20 м, содержащая фрагменты керамики, стекла, железных изделий, монет. Среди керамических находок большой интерес представляют крышки с орнаментацией и потеками росписи, характерных для кочевых культур. Яма, видимо, использовалась долгое время, так как керамический комплекс характеризуется со второй половины XII—по начало XIII века (рис. 9, 1).

Период раннего средневековья (помещение 48). Помещение имело квадратную форму с остатками стен по основанию (рис. 10). Все стены выложены из сырцового кирпича. На севере юго-восточная стена продолжается в пределах следующего раскопа, где она соединяется с северо-восточной стеной, частично разрушенной большой ямой. На западной стороне юго-западной стены были обнаружены остатки фрагментов настенной росписи, как на полу, так и на самой стене (рис. 11). Фрагменты живописи очень плохой сохранности, распознаются только цвета: желтый, белый, красный и синий.

Материальная культура.

Керамика. Хронология керамических изделий, полученных в этом сезоне, в основном, характеризуется средневековой посудой с IX - по XIX века. Также получено незначительное количество фрагментов, датированных ранним средневековьем V-VI - по VII-VIII вв.

Керамические изделия V-VIII вв. Изделия, датируемые V-VI вв., представлены лишь несколькими фрагментами, полученными из южного раскопа (рис. 12). Они состоят из обломков больших хумов, украшенных пальцевыми вдавлениями по горловине, а также кувшина, характеризующегося с S-образной формой венчика. Также был найден фрагмент кухонного котла, датированный V в.

Керамические изделия IX в. Среди фрагментов керамики, полученных на северо-восточном участке, отметим два фрагмента – венчика и стенки полусферической формы, покрытых белой непрозрачной щелочной глазурью с пятнами и полосами бирюзовой краски, нанесённой поверх поливы (рис. 13, 1-2).

Керамические изделия X-XI вв. Следующие три фрагмента венчиков, стенок мисок и чаш, полученные из этого же участка раскопа датируются первой половиной, серединой X в. (рис. 13, 3-6).

XI в. представлен на северо-восточном участке раскопок фрагментами венчиков, стенок и донца мисок и чаш (рис. 13, 7-14). Они характеризуются белым фоном, цветочными, геометрическими и псевдо-эпиграфическими мотивами.


Керамические изделия XII - начала XIII вв.

Гончарная посуда этого периода, полученная в основном из большой ямы на южном участке, представлена фрагментами венчиков, мисок и чаш, донец кувшинов и фрагментами светильников (чираг), покрытых бирюзовой и зеленой глазурью, характерной для столовой посуды второй половины XII – начала XIII вв. Здесь было выявлено более 30 археологически целых и фрагментов столовой посуды, большое количество фрагментов керамических котлов, тазов (тагора), крышек, кувшинов, кубуров, ртутных сосудов (симоб кузача), горшков, переносных фонарей (фанус) и тарных сосудов (хумы). Этот материал, представляет собой большой комплекс, относящийся к домонгольскому периоду и предоставляет интерес для формирования характеристики керамического производства этого периода (рис. 13, 15-18). Большой комплекс поливной керамики этого периода был получен в восточной части цитадели памятника и на других объектах оазиса (Мирзаахмедов, Поззи, Адылов, Султанова, Мирзаахмедов С., 2017, рис. 3-6: Mirzaakhmedov, 2003).

Ёдгорликнинг сўнгги қурилиш даври планиграфиясини ўрганиш учун унинг шимолий қисмида дастлаб 5x4 м, кейинчалик 8x6 м ҳажмдаги участка 70 см. гача чуқурликда қазиб очилди. Қазиб очилган мўъжаз ҳудуднинг юқори яруслари – чим қатлами, уни тагидан қуруқ говаксимон тупроқ қатлами, унинг тагидан ним кўнгир тусли, ўртача қаттиқликдаги намчил қатлам (завал) қайд этилди. Қазишманинг I яруси охирларида, ёдгорлик юқори сатҳидан 25-30 см пастда юқори қурилиш қатламининг дастлабки конструктив қолдиқлари қайд этилди. Хусусан, қазишма участкасининг деярли марказида шарқ-гарб йўналиши бўйича қазишма майдонини бор бўйича кесиб ўтган пахса девор очилди (4-расм). Ушбу деворнинг ёдгорлик шарқий қиялик чегараларидан бошланган пахса блоклардан ташкил топган дастлабки қисми қарийб 4 м. гача давом этиб, сўнгра чап (жануб)га бурилган. Пахса блокларнинг узунлиги – 1,2 м. га, эни 0,80 м. га очилган, баландлиги – 20 см. га тенг бўлиб, пахсаларнинг оралиги 0,8-10 см. гача очиқ қолдирилган. Шунга қараганда, ушбу пахса блоклардан кўтарилган. Пахса блокларнинг жанубга қайрилган қисмининг шимол томонига ва қазишманинг шимолий қирқими томонидан эни 1 м. дан ошиқ супасимон қурилма келиб туташган. Қазув майдонининг ҳозирча шимолий чегарасини белгиловчи қирқимнинг микростратиграфиясига кўра, ушбу супасимон қурилманинг эни – 2 м. дан ортиқ бўлиб, унинг юза қисми ҳозирги сатҳдан 15 см чамаси юқорида эканлиги аниқланди. Демак, шимол томондан келиб марказий пахса деворнинг шимолий томонига жипслашган супасимон қурилманинг эни камида 2 м. га, ҳозирча очилган узунлиги – 2,5 м. га тенг. Қазишманинг айнан мана шу супасимон

қурилмаси шарқий қисми сатҳидан кўплаб кулоллик маҳсулотлари намуналари - тор бўғизли кўзалар, косагуллар, хурмачалар, қўшқулоқ (мўнди)лар, қозонларнинг синик парчалари, археологик бутун ва деярли бутун идишлар намуналари топилди (5, 6-расм). Ушбу сопол идишлар комплекси Қалиятепа ва унинг атрофидаги қишлоқ маконларидан топилган кулоллик идишлари билан муқоясавий таҳлилларга киришади ва бу сопол идишлар VII-VIII асрлар билан даврланади (7-расм).

Пахса блоклардан кўтарилган марказий деворнинг гарб томонга деярли 2,5 м масофада давом этиб, қазилма жойнинг гарбий қирқими билан туташган давоми оддий пахсадан (яхлит урилган) кўтарилган бўлиб, унинг очилган баландлиги 15 см.ни ташкил қилади. Пахса блокли деворнинг жанубга қайрилган қисми қазишманинг жанубий қирқимигача етиб бормай, икки блок пахсадан кейин тўхташ жойининг ташқи томони текис кесилган (8-расм). Пахса блок тўхтаган жойдан жанубий қирқим чегарасигача бўлган масофа 75 см.га тенг. Шунга қараганда ушбу девор тўхташ жойида шарқий ва гарбий қандайдир хоналарни бир-бири билан туташтирувчи эшик фаолият кўрсатган бўлиши мумкин (9-расм).

Қазув ишлари ўтказилган “участка”нинг шарқий чегараси “якка тепа” ёдгорлигининг тепа қисми шарқий қияликлари билан тутшиб кетган. Шунга қараганда, ёдгорликнинг ушбу ҳудудидаги қурилишлари қолдиги жуда кам ва ёмон аҳволда сақланган. Бу ҳудудда шамол ва ёгингарчиликларни асосий йўналиши гарб, шимолий-гарбдан эканлигини ҳисобга олсак, шарқий, яъни шимол-жануб йўналишида кетган деворларни асосий емирилиш, қулаш, йиқилиш ҳолатлари шарқ томонга бўлганлигини эътироф этамиз. Бунинг устига, шарқий деворлар бу томондаги охириги қурилмалар бўлиб, уларнинг ёдгорлик қиялиги билан чегарадошлиги сабабли ушбу қияликдан пастга, яъни муҳофаза ҳандақлари томон ағдарилганлигини тасаввур қилишимиз мумкин.

Ёдгорликнинг сўнгги қурилиш даврига оид иншоот деворларининг ҳозирги жойлашув ўрни, характери ва қатламлар тузилиши бу ердаги фаол ҳаёт тарзидан далолат беради. Албатта, бу ёдгорликда қазув ишларини давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳозирги қазилма жойни ҳеч иккиланмасдан шимолга, шимолий қияликларгача (2,2 м) кенгайтириш лозим. Шимолий қияликлар усти тозаланиб, стратиграфияси ўрганилса, ёдгорлик биринчи қурилиш даврининг маданий қатламлари баландлигини, юқорида қайд этилган супанинг хусусиятларини, планиграфиясига оид бир қатор маълумотларни аниқлаш учун имконият тугилади.

“Даҳма” сифатида эътироф этилган ушбу ёдгорликда ўтказилган дастлабки, кичик ҳажмдаги қазув ишлари натижасида бир қатор топилмалар қайд этилди. Топилмаларнинг аксарияти кулоллик ҳунармандчилиги билан боғлиқ бўлиб, булар сопол шакллари ва сопол идишларнинг турли хилдаги намуналаридир (10, 11-расм).


Қозонлар иссиқ овқат тайёрлаш (қайнатиш, қовуриш, димлаш) учун ишлатилган идишлардир. Ушбу фаолият идишларнинг “хамири” ва шаклига таъсир этган. Чунки, сифат ва шакл хусусиятлари орқали қозонларнинг ўтга чидамлилиги, ўчоққа ўрнатилишдаги қулайлик, оловни идиш таги ва ён сиртига бир маромда урилиши, ҳамда уларни ўчоқдан осон олиниши кафолатланган, Қозонларнинг икки хусусияти, яъни оловга бардошлилиги ва олов даражаси кескин ўзгарганда ҳам таъсирсизлиги уларнинг сифат




1-расмлар. Қалиятена ва “дахманинг” Google Earth дан кўриниши



2-расмлар. Қалиятена ва “дахманинг” Google Earth дан кўриниши



3-расм. “Даҳма” топоплани



4-расм. Қазув топоплани



5-расмлар. Қазув жараёни

даражасини белгилайди. Қозонлар соф лёсс тупроқ лойидан ясалган. Уларнинг олов бардошлиги учун, гил, майда туйилган октош ва чиганоклар ишлатилган.

Қазув жараёнида 2 хил тоифадаги қозонлар қўлга киритилди.

1-тоифа қозонларнинг гавдаси йирик, думалок, гардиши кескин ташқарига қайрилган, гардиш учи қуш тумшуги янглиг туртиб чиққан. Гардишнинг ички томонида бўртиб



6-расмлар. Қазув жараёни



7-расм. Топилмалар




8-расм. Хоналар девори



9-расм. Девор қолдиқлари



10-Сопол идиш нмуналари. Қозонлар



10-Сопол идиш нмуналари. Сувкўза ва хурмача




10-Сопол идиш нмуналари. Коса ва гулкоса




10-Сопол идиш нмуналари. Қозон ва кўза



10-Сопол идиш нмуналари. Хурма, кўза ва хумча



11-расм. Сопол идиш чизмалари



11-расм. Сопол идиши чизмалари

чикқан майдонча мавжуд бўлиб, бу сарпўш (копкок)ни тутиб турувчи таянч майдончаси бўлиб хизмат қилган.

2-тоифага мансуб қозоннинг гардиши тўғри, узун, хиёл ташқарига қайрилган, думалоқ, тухумсимон шаклдаги тана қисми гардиш қисмидан тўла ажралган кўринишдадир.

Хурмалар ўз ташқи кўринишлари жихатидан айрим ҳолларда кўзаларга ўхшаб кетсада, уларнинг гардиш айланаси кенглигидан бу турдаги сопол идишларни ажратиш мумкин. Улардан кундалик ҳаётда асосан сут ва сут маҳсулотларини сақлашда фойдаланилган. Е.М.Пещерева берган этнографик маълумотларга кўра, сут соғиш, қатик ивитиш, каймоқ олиш каби бир қанча жараёнлардан ташкил топган “сут хўжалиги” хурмаларнинг бир неча хилларини вужудга келиши учун асосий сабаб бўлган (Пещерева, 1959, 60 б.).

Хурмалар ўртача сифатли қизғиш тупроқ лойидан қўлда ясалган. Уларнинг “Г” харфсимон гардиши кескин ташқарига қайрилган, гардиш боши учли, идиш танаси тухумсимон кўринишга эга, тагдони текис, ясси шаклда (7-расм).

Хурмачалар шакл жихатдан хурмаларнинг айнан ўзи бўлсада, ҳажм жихатдан улардан анча кичикдир. Хурмачалар сарғиш тупроқ лойидан қўлда ясалган, тўқ малла ангоб билан бўялган. Гардиши илмоқсимон кўринишда ташқарига қайрилган, гардани калта, танаси шарсимон думалоқ кўринишдадир.

Кўзалар Ўрта Осиё иқлим шароитида ичимлик сувга бўлган талаб ва уни ижобий ҳал қилиш турмушнинг долзарб муаммоларидан бири бўлган. Ичимлик сувининг танқислиги, бунинг устига кўп истеъмол қилиниши сув таъминотини бир меъёрда, узилшсиз равишда бўлишидек вазифани юзага чиқарган. Сувни тежаб, ундан унумли фойдаланиш мақсадида сув ташиш, сақлаш, фойдаланиш ишлари учун турли хилдаги махсус кўзалар вужудга келтирилган. Сув сақлашда, хум ва катта ҳажмли кўзалардан, уни ташшида ўртача ҳажмли кўзалардан (обкўза), ишлатишда кичик ўлчамли кўзалардан (обдаста, офтоба), қайнатишда бир дастали кўзалардан (кумгон) фойдаланилган (8-расм).

Косалар - бу турдаги идишлар тўғридан-тўғри ошхона идишлари бўлиб, оиланинг умумий овқатланиш фаолияти билан боғлиқдир. Косалар ўртача даражада ийланган, қизғиш тупроқ лойидан қўлда ясалган бўлиб, уларнинг тагдони текис, япалоқ, идиш ён деворлари билан ўзгаришсиз қўшилиб кетган, идишларнинг гардиши тик, тўғри, учи тўмтоқ, хиёл ташқарига, баъзи ҳолларда ичкарига қайрилган, Бу идишларнинг тана тузилиши ярим сферик шаклда, хумдонда бир текисда пипширилмаган.

Косагул - мазкур турдаги идишлар Қалиятепа шаҳар харобасини VII-VIII асрларга оид қатламларида, Уструшонанинг Марказий Сугдга бевосита чегарадош мавзейи юқори Сангзор воҳаси ёдгорликларида кўплаб учрайди.

Таъриф баёни келтирилган кулоллик маҳсулотларининг барча турлари Уструшонанинг бошқа воҳаларидан, қўшни минтақалардан, узоқ маданий “ўчоқ”лардан ўз муқоясавий ўхшашликларини топади. Хусусан, аксарият сопол идишлари қўлда тайёрланган, Шўрбулоқсой қиргоғида жойлашган Оқтепа қишлоқ маконидан топилган кулоллик маҳсулотлари, Ўртақўргон, Чилхужра каби фан оламида таникли бўлган илк ўрта аср ёдгорликларидан топилган кулоллик идишлари юқоридаги ёдгорликлар маҳсулотлари кулоллик идишлари билан муқоясавий ўхшашдир.

Бу давр кулоллик идишлари шаклларида Сирдарё бўйи кўчманчилари, “Қовунчи маданияти”нинг III даври таъсири давом этади. Қўшқулоқли идишлар (мўнди), ёглоги, обдас-та, хум ва қопқоқлар Тошкент воҳасини Кугаиттепа, Хонобод, Чилонзор, Юнусобод Оқтепаси ёдгорликларида учрайди ва эталон ёдгорлик Шоштепаннинг Шош VI қатлами билан даврланади.

Шунингдек, Сугднинг Панжикент шаҳри юқори қатламларида қайд этилган хумлар, ён девори юпқа, сарпўшли қозонлар, хурмалар, тутқичи ёнига ўрнатилган ёглогилар, катта хажмли, тор бўғизли, дастасиз сув кўзалар, косалар, косагуллар, чуқур товоқлар, қўлда ясалган идишларни барча турлари Жиззах воҳаси илк ўрта аср идишлари билан муқоясавий таҳлилга киришади. Солиштириш учун келтирилган муқоясавий ашёвий манбалар эрамизнинг VI-VIII; VII-VIII; VIII асрлари билан даврланади.

Кўчманчилар ва ўтроқ аҳоли моддий-маданиятини ўзига хос “қоришма” макони бўлган Фаргона водийсида ҳам бизни қизиқтирган сопол идиш турлари шакллари кўплаб учрайди.

Шунингдек, бу даврда чорвадор аҳоли идишларини ижобий ўзлаштирган Сугд кулоллик хунармандчилигини “акс-таъсири” сезилади. Кулоллик идишлари тимсолидаги бу тескари тўлқин Уструшона орқали Фаргона водийсининг энг ички сарҳадларигача етиб боради. Етгисувнинг Сукулук туманида топилган қўшқулоқли идишлар, кружкалар Оқ-Бешимда ажратилган Сугд сопол гуруҳлари шулар жумласидан бўлиб, уларнинг даврий санаси эрамизнинг VII-VIII асрлари билан белгиланган. Бундай ўхшаш идишларни Хоразм воҳасининг Бургутқалъа мавзеи ёдгорликларидан, жанубий Ўзбекистоннинг Сурхон водийси Хайробод, Қулоғлитепа ёдгорликларида учратиш мумкин.

Хулоса

Шундай қилиб, Қалиятепа, ёдгорлигининг кулоллик идишлари тимсолида келтирилган Жиззах воҳасининг кейинги давр сопол идишлари келтирилган кенг миқёсдаги муқоясавий таҳлилларга асосланиб, эрамизнинг VI-VIII асрлари билан даврланади. Маълумки, бу тарихий сана Ўрта Осиёнинг Турк хоқонлигига қўшиб олиниши даврига тўғри келади. Жиззах воҳасида ўтказилган археология қазув тадқиқотлари натижасига кўра, хоқонлик истилосининг биринчи босқичи шимоли-ғарбий Уструшона - Жиззах воҳаси халқ хўжалиги, хусусан кулоллик хунармандчилиги учун тургунлик вазиятини юзага келтирган. Буни VI асрнинг иккинчи ярмида ҳам кулолликда эфталийлар даври сопол идиш шакллари сакланиб қолиши билан ифодалаш мумкин. Милодий эранинг VII асридан бошлаб кулоллик маданиятида кўчманчилар нуфузининг таъсири ошиб идишларда, ўйма нақш, кўрсаткич чизиксимон безаклар пайдо бўлади. Шунингдек, туркларнинг металл, заргарлик буюмлари, қурол-аслаҳа ва безакли тақинчоқлари, юқори сифатли санъат асари сифатида қадрланиб, тезда Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси хаёт тарзига кириб боради. Жиззах воҳаси сопол идишларининг айрим турлари, масалан косагуллар VII асрнинг охири VIII асрларда маҳаллий кулоллик хунармандчилигига Марказий Сугд, хусусан, Панжикент кулоллик мактабининг акс таъсири кўрсатади. Бу даврда Панжикент деворий суратларида тасвирланган, маданий қатламларида қайд этилган уч, тўрт, беш (япроксимон) айланали косагуллар Жиззах воҳаси ёдгорликларида нисбатан кўп учрайди.

Таъкидлаш лозимки, VII-VIII асрда ишлаб чиқарилган Жиззах воҳаси кулоллик идишлари аввало маҳаллий (IV-VI асрдаги) анъаналарни давом эттирган ҳолда ривожланган. Қолаверса, “Қовунчи маданияти”нинг III даври Марказий Сугд кулоллигининг айрим усуллари Жиззах воҳасининг ушбу соҳа хунармандчилигига маълум маънода ўз таъсири-ни ўтказган.

Фойдаланилган адабиётлар

- Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи I тыс. н. э. М., 1971.
- Мирзалиев Г. Неглазурованная керамика Ферганы как исторический источник (по материалам городища Ахсикет (VII-начала XIII вв.) АКД, Самарканд, 1988.
- Пардаев М.Х., Пардаев А.Х. Жиззах воҳасининг IV-VI асрлардаги кулоллик идишлари // ЎММК. 29-нашри. Самарканд, 1998.
- Пардаев М.Х. Жиззах воҳасининг VII-VIII асрлардаги кулоллик идишлари // ЎММТ. 30-нашри. Самарканд, 1999.
- Пардаев М.Х., Гофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археологик манбалар асосида). Тошкент, 2016.
- Пещерева Е.М. Гончарные производства Средней Азии. М.-Л., 1959.

ҚОРАТЕПА ЁДГОРЛИГИДА 2019 ЙИЛДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА

Ёдгорлик Самарқанд вилояти Жомбой тумани Қорамўйин қишлоғининг шимолий чекка қисмида, Мингтепа шаҳар харобасидан 500 м шарқда жойлашган. Ёдгорлик 1987 йилда Ҳ.Ғ. Ахунбабаев томонидан Мингтепа шаҳар харобаси атрофида 150 га майдонда 103 та тепаликлардан бири сифатида Номсизтепа рўйхатга олган (Ахунбабаев, 1987. 156 б.).

2019 йил апрел ойида Археологик тадқиқотлар институти томонидан Жомбой тумани ёдгорликлари қайта рўйхатга олиниш шартларида “Қоратепа” номи билан қайта руйхатига олинди (Бердимуратов, Суюнов, Раҳмонов, Асланов, 2019. 45 б.).


Ёдгорликдан 150 м шарқда XIX асрнинг охири—XX асрнинг бошларида Қорамазор номли қабристон борлиги ва қабристонга тепалик яқин бўлганлиги сабабли Қоратепа деб номланган.

Ёдгорликнинг шарқий қисми XX асрнинг 80-йилларида маҳаллий аҳоли тупроқ олиш натижасида тўлиқ бузилган (1-расм). Сақланиб қолган қисми овалсимон кўринишда бўлиб, эни 8 м, узунлиги 25 м. ни ташкил этади. Ёдгорликни контур бўйлаб тўлиқ деворлари, бир метр чуқурликда очиб чиқилди. Деворлар 1,5 метр қалинликда, хоналар бешта бўлиб, 2 қурилиш даврдан иборат. Биринчи қурилиш даврида тўртта хона қурилган бўлиб, кейинчалик жануб томондан яна битта хона қўшилган. Бундай фикр юритишимизга асос бешинчи хона девори тўртинчи хона деворига “зигзаг” шаклида қўшилмаган (2-расм).


Барча хоналарнинг шарқий томонида хона эшиклари бўлиб, бу эшиклар орқали марказий коридорга чиқилган. Худди чиқиш эшикларига қарама-қарши қўшни хона эшиклари бўлган. Бундай хона деворларининг қурилиш структурасига қараб тароқсимон архитектура дейиш мумкин (3-расм). Бундай турдаги қурилиш маданияти VII-VIII



1-расм. Ёдгорликнинг умумий кўриниши



2-расм. Хоналарнинг тепадан кўриниши



1-расм. Қоратена ёдгорлигининг тарҳи



4-расм. 3-хонанинг шарқий томондан кўриниши



5-расм. 3-хонанинг поли

асрларда Сугд, Уструшона, Фаргона, Хоразм худудларидаги Мулла Эшкул, Ёнчашма, Тирмизактепа, Қалаи-Боло, Қорабулоқ каби ёдгорликлар билан ўхшашдир (Археологические работы на новостройках Узбекистана, 1990. С. 136-139).

Барча хоналарнинг эни ўртача 3 м. ни ташкил этади. Учинчи хона тўлик очиб тушилганда девори 3 қатор лентасимон пахсадан кўтарилган, унинг устидан 10-12 қатор хом гишт терилганлиги аниқланди. Гиштларнинг ўлчамлари 10х26х52 см. Шимолий хона деворининг сақланиб қолган узунлиги 5,70 см, жануб томони 5,15 см, хонанинг эни 3,30 см. Деворнинг полдан сақланиб қолган умумий баландлиги 3,70 см. Шарқий девори сақланмаган, айнан шарқ томонда хонага кириш эшиги бўлган. Шарқий деворнинг кесмаси ўрганилганда, пахса девор 25 см полдан пастда жойлашганлиги аниқланди.

Хона девори дастлаб 0,5 см қалинликда сариқ сомонсиз лой билан сувалган. Иккинчи сувоқ 1 см қалинликда сомонли лой билан сувалган. Ёнгин туфайли сувоқ усти қорайган. каттиқ куйганлиги натижасида девор қизгиш тусга кирган. Хонада ёнгин содир бўлган, маълум вақт ўтгач қайта тамирланган. Учинчи марта девор 2 см қалинликда қалин сомонли лой сувоқ билан сувалган.

Хонанинг гарбий деворида полдан 1,70 см баландликда 4 та болорларнинг ўрни сақланиб қолган. Уларнинг диаметри 10 см. дан 16 см. гача сақланган. Биринчи қатор тўйнуқларнинг устидан 25-30 см тепада, полдан 1.90-2 м баландликда олтига болорларнинг тўйнаклари сақланган.

Хонанинг жануби-гарбий қисмида F-шаклидаги супа аниқланиб, ўлчамлари эни 1,5 м, узинлиги 3 м. ни ташкил этади. Хонанинг тўрида ўлчами 30х30 см чуқурлиги 12 см ўра аниқланди. Пол устидан сопол парчалари кам учрайди. Қозон, шиша, тош қурол, ўсимлик, полиз ва мева қолдиқлари топилди. Мевалардан шафтоли, бодом, ўрик, ёнгок; полиз экинлари ошқовоқ, мош, ўсимликлардан арпа ва бугдой қолдиқлари аниқланди. Пол устидан яхши сақланмаган бир дона танга аниқланди. Тангани ўқиб бўлмади, лекин ташқи кўринишига кўра, даврий санаси милодий 738-750 йилларда Сугдда ҳукмронлик қилган Тургар даврига тўғри келади (Смирнова, 1981. С. 39-43).

Маълумки, кулоллик идишлари илмий тадқиқот жараёнида энг кўп, оммавий тарзда учрайдиган ашёвий манбалардан бири бўлиб, меъморий комплекснинг тарихий даврини аниқлашда муҳим манба ҳисобланади. Кулоллик идишларининг Қоратепа ёдгорлигининг архитектура ва сополлар таҳлилларга кўра VIII асрнинг биринчи ярми билан даврланади. Кулоллик идишларининг турларига асосланиб хоналарнинг “функцияси” ни аниқлаш бир оз қийин. Сабаби, қазув ишлари ҳозирча охирига етмаган. Турар-жой комплексидан топилган сопол идишлар мажмуасидаги хум ва хумчалар, қозон ҳажми катта кўзалар ўртача сифатли лойдан чархда тайёрланган. Дастлабки хулоса сифатида Қоратепа ёдгорлигида очилган хоналарнинг муайян хусусиятлари бўйича турар-жойлар ўзига тўқ хонадонга тегишли бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

Ахунбабаев Х. Свод Джамбайского района // Архив ИА АН РУз. Ф. 4, О. 1, Д. 166. Самарканд, 1987.

Археологические работы на новостройках Узбекистана. Ташкент, 1990.

Бердимуратов А.Э., Суюнов С.С., Раҳмонов Ҳ.Ў., Асланов А.П. Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 1 том. Самарқанд вилояти. 6 қисм. Жомбой тумани. Самарқанд, 2019.

Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. М., 1981.

М. Саидов, Kim Hwanil, Kang Ji Won, А. Асланов,
Cho Sang Gi, А. Бердимуродов, Д. Бадриддинов, Т. Кадиоров

ҚУЛДОРТЕПА ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР

Қулдортепа ёдгорлиги Самарқанд шаҳридан 35 км жануби-шарқий томон узокликда жойлашган бўлиб, ушбу ёдгорлик тадқиқотчилар томонидан Маймург мулклиги маркази сифатида эътироф этиб келинади.



Ёдгорликнинг умумий майдони тахминан 20 гектарга яқин бўлиб, унинг атрофи баландлиги 6 м, узунлиги 1700 м бўлган мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ёдгорлик тўртбурчак кўринишга яқин бўлиб, учта сакланиб қолган бурчакларида бир оз кўтарилган тепаликлар яъни, буржларнинг ўрнлари кузатилади (1-расм). Шаҳарнинг шимолий-шарқий деворлари яхши сақланмаган. Жанубий ва жанубий-шарқий қисмларида дарвоза ўринлари кузатилади. Ёдгорликнинг гарбида баландлиги 15 м бўлган арк жойлашиб, у ҳам мудофаа девори билан ўраб олинган. Арк ёнида эса қадимдан шаҳарни ичимлик суви билан таъминлаб турган кичик сув ҳавзаси жойлашган. Ёдгорликда 1953-1954 ва 1957-1957 йиллар ҳамда 2018 йилда қисқа муддатли қазишмалар олиб борилган (Ставиский, 1959; Ставиский, Урманова, 1958; Сандибоев, 2018).

Ёдгорликда ўтган асрнинг 50 йилларида олиб борилган археологик изланишлар натижасида арк (Р-I), шимолий шарқий қисмдаги мудофаа деворида (Р-II), шаҳристон қисмидаги алоҳида турган тепаликда (Р-III) қазишма ишлари амалга бажарилади. Шу билан бир қаторда ёдгорликнинг шимоли-шарқий қисмида иккита шурф (Ш-1, Ш-2) ҳамда жанубдаги деворнинг бузилган қисмида тозалаш ишлари олиб борилади. 2018 йилда тадқиқот ишлари мудофаа деворининг жанубий шарқий (Р-4) қисмида олиб борилган.

2019 йилда Археологик тадқиқотлар институти ва Жанубий Кореянинг Маданий мерос объектларини бошқариш маркази томонидан "Capacity Building for Development of Tourism through Archaeological Investigation and Preservation of Cultural Heritage in the Republic of Uzbekistan" лойиҳаси доирасида Қулдортепада қисқа муддатли қазув ишлари олиб борилди.

Тадқиқот ишларининг асосий мақсади ёдгорликнинг топографиясига доир маълумотларни янгилаш, мудофаа тизими бунёд этилган вақти ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда ёдгорликни келгусида туристик объектга айлантириш ҳисобланади. Шу асосда тадқиқот ишлари мудофаа деворининг жанубий шарқий (№4), шимоли-шарқий (№5) ва аркнинг жануби қисмида (№6) олиб борилди (2-расм).


4 қазишма аркдан 150 м жанубда жойлашган, баландлиги 6,6 м бўлган мудофаа деворида қирқим (разрез) шаклида олиб борилган. Ушбу қазишма 2018 йилда дастлаб




1-расм. Едгорлик тархи

А.Сандибоев томонидан олиб борилган бўлса, 2019 йилда Ўзбекистон-Корея археологик экспедицияси аъзолари томонидан давом эттирилди. Қирқим натижасида деворнинг ички қисмининг қурилиш даври ва структурасига аниқликлар киритилди. Қазув жараёнида қазишмада 21 та маданий қатлам аниқланди (3-расм).

Маълум бўлишича, мудофаа девори икки қурилиш даврига оид бўлиб, биринчи қурилиш даврида материк қатлам устига балчиксимон рангдаги платформа бунёд этилиб, унинг устига баландлиги 1-2 м бўлган пахса ётқизилган. Мазкур пахса девор устидан 11 қатор, ўлчамлари 42-44х42-44-х13-14 см. ли хом гишт терилган, уларнинг қаторлари ораларига 2-6 см қалинликдаги лой қоришма ётқизилган. 7-8 қатордан ўлчамлари 42-44х42-44-х13-14 см бўлган хом гишталар юқори томон торайтириб урилган. Натижада,




2-расм. Олиб борилган қазиммалар жойлашуви




3-рaсм




4-рaсм



5-расм



6-расм



7-расм

деворнинг юқори қисмига диаметри 9 м бўлган ярим айлана бурж ҳосил бўлиб, у юқори томон торайиб келади.

Иккинчи қурилиш даврида мудофаа деворининг ички қисмида, пахса платформа устидан ўлчамлари 36-37x36-37x11-12 см бўлган 18 қаторли хом гишт терилган. Мазкур деворнинг умумий баландлиги 4 м. гача сақланиб қолган. Хом гишларларнинг қаторлари ораларига 3-5 см қалинликдаги лой қоришма ётқизилган.

5 қазишма ёдгорликнинг жанубий шарқи қисмида, 4 қазишмадан 50 м шарқ томонда, баландлиги 5 м бўлган мудофаа деворида қирқим (разрез) шаклида олиб борилган. Қирқим фақат деворнинг ташқи, жанубий томонида ўтказилиб, бу ерда 5 та йирик қатлам аниқланди. Айна вақта ҳар бир қатлам бир неча майда ва микро қатламларга бўлиб чиқилди (4-расм).

I-қатлам девор тепа қисмида 4,70 см пастда кузатилиб, кум-грунт аралаш ва майда каттиқ тошчлардан ташкил топган. Топилмалар мавжуд эмас.

II-қатлам 70-30 см қалинликда бўлиб, жигарранг саргиш тусда, ўртача зичликда. Махсус шиббаланган, нисбатан каттиқ, зичланган тупрокдан иборат.

III-қатлам 1,20-20 м қалинликда бўлиб, унинг таркибида 15 та майда ва микро қатламчалар кузатилган. Хусусан, қатлам таркибида кум (III-5, III-11) қатлам, хом гишт ва пахса бўлаклари (III-14, III-12), жанубий қисмида эса 44x44x10-15 см ўлчамдаги 9 қатор хом гишлар устма уст терилгани аниқланган.

IV-қатлам 2 м қалинликда бўлиб, асосан яхши сақланмаган хом гишлардан иборат. Унинг таркибида ўчоқ қолдиқлари (IV-9), кумли қатламлар (IV-3,5,7), хом гишлар

мавжуд пахса бўлаклари (IV-1,10) ва яхши сақланмаган хом гишт қаторлари (IV-10-13) аниқланган.

Қатламларнинг жойлашув хусусияти асосида материк сатҳи 1-2 м қалинликда сарғиш ва балчиксимон лой орқали шакллантирилган платформа билан текисланганлиги, платформа жанубдан 44x44x10-15 см қалинликдаги хом гиштлир билан чегараланганлиги борасида хулосага келиш мумкин. Платформа устига йирик гувала, хом гишт ва пахса бўлаклари аралашган 2 м қалинликдаги қатлам ётқизилган. Ушбу қатлам орасида ўчоқ, қум қолдиқлари кузатилган. Ўчоқ таркибида турли хил ўсимликлар уруглари аниқланди. Қатлам жанубдан юқорида қайд қилинган гишт қалама устидаги пахса билан чегараланган. Қатлам устида эса қалинлиги 1 м бўлган, яхши сақланмаган хом гишт қаламаси ётқизилган. Бу ерда ҳам иккита қурилиш даври кузатилиб, иккинчи қурилиш даврида деворнинг жанубий томони таъмирланиб, пахса ва лой ёрдамида мустаҳкамланади.

6-объектдаги қазишма арк мудофа деворида, яъни унинг кириш қисмида олиб борилди. Қазишма дастлаб шарқ гарб йўналишидаги 7x3 м ўлчамдаги шурф кўринишида олиб борилди. Тадқиқот жараёнида 0-40 см. даги қатламлар олингач, шурфнинг гарбий қисмида шарқ-гарб йўналишида нишабликка эга қаттиқ қатлам кузатилди. Шурфнинг шарқий томонидан эса нисбатан юмшоқ қатлам кузатилиб, бу ерда хона бурчаги қайд этилди. Натижада, шурфнинг шарқ томонида 7,80x7,90 м ўлчамда майдон танланиб, планиграфик қазишма амалга оширилди (5-расм).

Қазишманинг устки қисмида 36-37x36-37x11-12 см бўлган хом гиштлирдан кўтарилган девор қолдиқлари кузатилди. Хонанинг юқори қисмида дм 1 м бўлган ўра қайд этилди (6-расм).

Қазишма ишлари юқорида қайд қилинган хонанинг ярмида олиб борилиб, қазишма чуқурлиги 6,20 м. га қадар олиб борилди (7-расм). Натижада хона тўламида 11 та йирик маданий қатлам кузатилди. Хона деворлари пахса блоклардан кўтарилган бўлиб, асосан, шарқий, шимолий ва жанубий деворларда намоён бўлади. Бу ерда ҳам иккита қурилиш даври аниқланиб, иккинчи қурилиш даврида ўлчамлар 36-37x36-37x11-12 см бўлган хом гиштлир кенг қўлланилган.

Олиб борилган қазишма ишлари асосида асримиз бошларида шаклланган Қулдортепа ёдгорлигида милодий III-IV асрларда кенг кўламли қурилиш ишлари олиб борилганлиги, ёдгорлик мудофаа деворлари шундан кейин илк ўрта асрларда ҳам кенг қўлланиб келинганлиги борасида хулосага келинди. VIII асрнинг биринчи ярмида арабларнинг юришлари оқибатида ёдгорлик тушкунликка тушиб, IX-X асрларда ўз мавқеини йўқотган.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Ставиский Б.Я. Исторические сведения о верхней части Зерафшанской долины (до арабского завоевания) // ИМКУ. Вып. I. Ташкент, 1959.
- Ставиский Б.Я. Раскопки городища Кулдор-тепе в 1956-1958 гг. // СА, 1960. №4.
- Ставиский Б.Я., Урманова М.Х. Городище Кулдор-тепе (Работы 1955 г.) // СА, 1958. №1.
- Бердимуродов А., Саидов М., Сандибоев А. 2018 йилда Қулдортепа мудофаа деворида олиб борилган археологик қазишмалар ҳисоботи // Археологик тадқиқотлар институти архиви. Ф. 4, О. 1, Д. 366. Самарқанд, 2018.

НАВБОҒТЕПА ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ҚАЗИШМА ИШЛАРИ

Навбоғтепа ёдгорлиги Самарқанд туманига қарашли Навбоғ қишлоғида худудида жойлашган бўлиб, тепалик арк ва шахристон қисмларидан ташкил топган (1-расм). Ёдгорликнинг умумий майдони 6 га. тенг бўлиб, Қорасув ва Сиёб каналларининг ўртасида жойлашган.

Ёдгорлик бир биридан 20 м узокликда бўлган иккита қисмдан иборат. Биринчи қисм учбурчак кўринишида бўлиб, шимолдан жануб томон йўналган. Иккинчи қисм эса Г-шаклида бўлиб, умумий майдони 220x140 м. ни ташкил этади. Унинг шимолий-шарқида баландлиги 10 м бўлган тепалик жойлашган.

Навбоғтепа 1987-йилда Т.И. Лебедева ва Э.Ю. Бурякова томонидан рўйхатга олинган (Лебедева, Бурякова, 1988). Кейинчалик, 2002-2008 йилларда Ўзбекистон-Италия қўшма халқаро экспедицияси фаолияти натижасида қайта рўйхатга олинган ва усти ҳамда атрофидан йигиб олинган топилмалар асосида V-VII, XIV-XIX асрлар билан даврлаштирилган (Бердимуродов, Исамиддинов, 2014. С. 128).

Тепаликда дастлабки археологик қазишма ишлари 2019 йилда¹, шахристон қисмида планиграфик (1-қазишма (PI)) ва рабод қисмида эса стратиграфик (2-қазишма (PII)) кўринишда олиб борилди.


1-қазишма (PI) шахристонда жойлашган. Қазишма 5x5 м ўлчамдаги майдонда олиб борилиб, чўқурлиги 1,1 м. ни ташкил этди (3-расм).

Қазишманинг 1 ярусида ўртача зичликдаги қатлам кузатилиб, қатламда сирланган ва сирланмаган сопол парчалари, шиша ва метал бўлаклари қайд этилди. Шу билан бир каторда ушбу ярусда текис сатҳ аниқланиб, у ерда 2 та аниқланди.

Биринчи ўра қазишма майдонинг шимоли-гарбий томонида қайд этилган. У овалсимон шаклда чуқурлиги 0,9 м. ни ташкил этади. Ўра ичидаги юмшоқ тупроқ ва кул қатламлар орасида хайвон суяклари билан бирга X-XI асрларга оид ранг сопол ва шиша идиш бўлаклари қайд топилди.

Иккинчи ўра қазишма майдонинг шарқий томонида қайд этилиб, дм 0,95 см. ни, чуқурлиги эса 1 м. ни ташкил этади. Ўра кейинги даврларга оид ўралар натижасида бузилган. Ўра ичида кул ва хом гишт бўлаклари ҳамда X-XI асрларга оид сопол идиш бўлаклари кузатилди. Қазишма майдонида хом ва пишиқ гишт парчалари, пахса бўлаклари қайд этилган бўлсада, аммо қурилиш меморий қолдиқлари учрамади.

2 қазишма 1-қазишманинг шимолий қисмида жойлашган. Мазкур жойда маҳаллий аҳоли томонидан тепаликнинг шимолий-шарқий қисмидан, яъни тепаликнинг бир




Contour 1 m




1-рaсм


- I
- II
- III
- IV
- V
- VI
- VII
- VII
- IX
- X
- XI



2-рaсм



3-расм
291



4-расм

томонидан тупроқ олиниши натижасида кесма ҳосил бўлган жойда қирқим қилиниб, археологик қазилма ишлари олиб борилди.

Натижада I ярусдан то XI яруслар оралигида 8 та қатлам борлиги аниқланди (2-расм).

Биринчи қатлам (1) материк қатлам ҳисобланиб, тоза лёссдан иборат. Таркибида оқиш рангдаги қаттиқ тошчалар (шўхак) учрайди.

Ушбу қатлам юзасида қалинлиги 160-180 см қалинликдаги қатлам (2) ётқизилган бўлиб, оч сарғиш қизғиш рангдаги тупроқдан иборат. Ушбу қатлам махсус шиббаланиб, текисланиб ётқизилган бўлиб, антик ва илк ўрта асрларга хос платформани эслатади.

Учинчи қатлам (3) 1 м қалинликдаги балчиқсимон тусдаги қатлам ҳисобланади. Қатлам пахса кўринишида бўлиб, таркибида моддий ашёлар ва кулолчилик идишлари қайд этилмади.

Тўртинчи қатлам 0,70-1 м ўлчамдаги оч-сарик рангли пахсадан иборат бўлиб, унда ҳам моддий ашёлар ва кулолчилик буюмлари қайд этилмади.

Бешинчи қатлам қизғиш рангли гилмоёли қатлам (5) ҳисобланиб қалинлиги 20-30 см ни ташкил этади. Мазкур қатламдан ҳам моддий ашёлар қайд этилмади.

Олтинчи қатлам говак тупроқли қатлам ҳисобланиб, қалинлиги, 70-1 м. ни ташкил этади. Ушбу қатламдан моддий ашёлар намуналаридан кулолчилик буюми кўзача қайд этилди (4-расм, 3).

Еттинчи қатлам эса оқова қатлам бўлиб, тепаликнинг икки томонига ҳам бевосита юқоридан оқиб тушганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу қатламдан моддий ашёлар намуналаридан кулолчилик буюмлари қайд этилди (4-расм, 1-2).

Олиб борилган қазишма ишлари ёдгорликнинг хронологиясига оид маълумотлар аниқлаштириш имконини берди. Ёдгорлик 1987 йилда амалга оширилган рўйхатга олиш чоғида илк ва сўнги ўрта асрлар даври билан даврлаштирилган. Қазишмалар чоғида ёдгорликда қорахонийлар даври маданий қатламлари кузатилди. Хусусан, қорахонийлар даврига оид бир қатор ўраларда хўжалик ва маиший буюмлар қолдиқлари аниқланган. Бу ҳолат илк ўрта асрлардан сўнг ёдгорлик Қорахонийлар даврида қайтадан ўзлаштирилганлигини, кейинчалик яна ташлаб қўйилганлигини кўрсатмоқда. Сўнги ўрта асрларда бу ер вақтинчалик маросимлар ўтказиш жойига айланган. Хусусан, ёдгорликнинг юқори қисмида аниқланган турли даврларга оид бир қатор ўралар шундай ҳулосага келиш имконини беради.

Шу билан бир қаторда, қазишма жараёнида ёдгорлик топографиясига ҳам аниқлик киритишга ҳаракат қилинди. Жумладан, илк ўрта асрларда лой платформа ёрдамида девор билан ўраб олганлиги кузатилди.

Изоҳ

¹ Қазишмада СамДУ Тарих факультети Археология кафедраси талабалари иштирок этишди.

Фойдаланилган адабиётлар:

Лебедева Т.И., Бурякова Э.Ю. Отчет отряда Самаркандского рабада ИА АН Узб. за 1987 г. // Научный архив Института археологии АН РУз. Ф.4, О.1, Д. 182. Самарканд, 1988.
Бердимуратов А.Э., Исамиддинов М.Х. Каталог археологических памятников Узбекистана // Самаркандская область. Часть 1. Город Самарканд и его округа. Самарканд, 2015.

АФРОСИЁБ ЁДГОРЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ҚАЗИШМА ИШЛАРИ

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон Фармони, 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3138-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Археологик тадқиқотлар институти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги Республика ёш олимлар Кенгаши ташаббуси билан “Ёш тадқиқотчиларининг илмий-тадқиқот экспедицияси” ташкил этилди. Ушбу экспедициянинг асосий мақсади ёшларнинг Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини шакллантириш, аجدодлар меросига хурмат ва эҳтиром сингари юксак кадрларимизнинг ворисийлигини таъминлаш, илмий тадқиқот объектларини тизимли ўрганиш ва ёшларни кенг жалб этиш орқали тарихимизни тадқиқ этиш ҳисобланади.

“Афросиёб” археологик мажмуасида ташкил этилган “Ёш олимларнинг илмий-тадқиқот экспедицияси-2019” тадбирларида Республика ёш олимлар кенгашининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тармоқ институтлари, Олий таълим муассасаларининг тарих, археология, геология, ботаника, экология, тиббиёт каби билим соҳаларининг мутахассисларидан иборат жами республикамизнинг 20 нафар ёш олимлари иштирок этишди.

Қазишма ишлари Афросиёб ёдгорлигининг гарбий қисмида, шаҳристон мудрофаа девори яқинида олиб борилди (Саидов, 2020). Дастлаб қазишма 5x5 м ўлчамда олиб борилиб, кейинчалик яна 5x5 м. га ўлчамга кенгайтирилди. Хусусан, қазишманинг юқори қатлами, яъни, чим қатлам олингач, унинг остида, яъни ер сатҳидан 30-50 см пастда 42-43x21-22x8x9 см ўлчамдаги хом гиштлардан қутисимон кўринишда ясалган 3 та қабр қайд этилди. Учала қабрда ҳам жасад боши шимолга қараб йўналтирилган. Жасадлар ўнг ёни билан ётқизилиб, тиззаси бироз букилган ҳолатда дафн этилган. Аниқланган қабрлар тартиб билан ёнма ён жойлаштирилган. Шу билан бир қаторда қазишмада яна ўндан зиёд қабрларнинг контурлари аниқланди.

Қазишманинг хронологиясига аниқлик киритиш мақсадида шарқий томонида 5x1 м ўлчамда шурф ташланди. Натижада, 3 м чуқурликда 6-та маданий қатлам аниқланди.

Қазишма жараёнида қўлга киритилган топилмалар ва уларнинг таҳлили натижасида ёдгорликнинг шимолий гарбий қисми топографиясига бир қатор аниқликлар киритилди. Хусусан, дастлабки илмий хулосаарга кўра ушбу ҳудудда жойлашган Наубехар дарвозасининг ички қисми VII-VIII асрларда ташлаб қўйилганлиги, XII-XIII асрлар бошларида қабристонга айлантирилганлиги аниқланди. Айни вақтда, қазишмалар чоғида VII-XIII аср бошларига оид моддий маданиятини ўзида акс эттирувчи топилмалар аниқланди.

Шунингдек, қазишмалар чогида аниқланган антропологик топилмалар асосида дафн маросими, урф одатлари билан боғлиқ маълумотлар қўлга киритилди. Умуман олганда, Афросиёб ёдгорлигида Қорахонийлар даврига оид қабрлар ўтган асрдан бошлаб аниқланган бўлиб (Шишкин, 1969), қазишмаларда аниқланган қабрларнинг тузилиши Қорахонийлар даврига оид ҳисобланади (Гулямов, Буряков, 1969; Брусенко, Бурякова, Филанович, 1975).

Афросиёбнинг шимолий гарбий қисмида Археологик тадқиқотлар институти ва Макс Планк институти (Германия) илмий ходимлари билан биргаликда Қорахонийлар даври қишлоқ хўжалиги жумладан, боғдорчилиги борасида янги маълумот берувчи археоботаник маълумотлар ҳам олинди.

Ёш олимлар жамоасидан иборат экспедиция таркибидаги экология, ботаника йўналишлари бўйича мутахассислар томонидан “Афросиёб” тарихий мажмуасининг флорасини дастлабки ўрганиш натижаларига кўра, мажмуа худудида икки уруг паллали ўсимликларнинг 33 туркумга мансуб бир қанча турлари тарқалганлиги аниқланди. Жумладан, тиббиёт соҳасида ноёб бўлган доривор ўсимликлар мазкур туркумда 6 турни ёки 15 %-ни ташкил этиши илмий-назарий жиҳатдан хулосаланди.

Мазкур ҳолат “Афросиёб” тарихий мажмуаси нафақат ўзининг долзарб археологик изланишларга балки, археоботаник, биологик, экологик тадқиқотлар ҳам олиб борилишига омил бўлувчи объект сифатида ёндашишга асослар мавжудлигини исботлади.

Ёш олимлар томонидан “Афросиёб” археологик мажмуасида олиб борилган илмий - тадқиқот экспедицияси жараёнида топилган археологик топилмалар Самарқанд археологик тадқиқотлар институтининг музей фондига тақдим этилди. Бундан ташқари “Ёш олимларнинг илмий-тадқиқот экспедицияси-2019” тадбирлари давомида Республика ёш олимлар кенгаши ва ЎЗР ФА Археологик тадқиқотлар институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

“Ёш олимларнинг илмий-тадқиқот экспедицияси - 2019” тадбирлари бўйича қуйидаги тақлифлар илгари сурилди:

- республикада илмий-тадқиқот экспедицияларини тизимли амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Археологик тадқиқотлар институти негизида “Ёш археологларнинг ёзги мактаби”ни ташкил этиш;
- турли билим соҳалари, жумладан археология, экология, ботаника, геология йўналишларининг комбинациясига асосланган илмий тадқиқот мавзулари банкини тузиш;
- ёшлар томонидан ўтказиладиган илмий-тадқиқот экспедициялари учун республикада махсус маҳаллий грант лойиҳаларини жорий этиш салмогини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Брусенко Л.Г., Бурякова Э.Ю., Филанович М.И. К истории сложения мусульманского кладбища в северной части Афрасиаба // Афрасиаб. Вып. 4. Ташкент, 1975.
- Гулямов Я.Г., Буряков Ю.Ф. Об археологических исследованиях на городище Афрасиаб в 1967-1968 гг. // Афрасиаб. Вып. I. Ташкент, 1969.
- Саидов М.М. Афросиёб ёдгорлигида олиб борилган қазишмалар ҳисоботи // Самарқанд археология институти архиви. Ф.4, О.1, Д.367. Самарқанд, 2019.
- Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей // Афрасиаб. Вып. I. Ташкент, 1969.

СЎХ ТУМАНИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК КУЗАТУВ ИШЛАРИ

Фаргона вилоятининг Сўх тумани ҳудудида археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш ўтган аср бошларида амалга оширилган бўлиб, ҳозирга қадар туман ҳудудида тош даврдан тортиб то ўрта асрларгача бўлган бир қатор ёдгорликлар аниқланган. Хусусан, 1939 йилда М.Э. Воронец томонидан Ламбур қишлоғи ҳудудида жойлашган қоятош суратлари, ўрта асрларга оид ёдгорликлар рўйхатга олинади (Воронец, 1940; 1954). 1965 йилдан Фаргона палеолит отряди томонидан давом эттирилиб, 28 та гор ва тоғ ўнгурлари археологик харитага олинади (Исламов, 1972. С. 21-28). Жумладан, 1966 йилда Обишир I -V гор маконларини тадқиқ этиш муҳим бўлди. 1966-1967, 1969-1971 йиллар ҳамда 1973 йилларда бу маконларда тизимли равишда тадқиқотлар ўтказилди. Ушбу изланишлар асосида маконлар академик У. Исломов томонидан Обишир маданиятига оид эканлиги илмий асосланади. Шу билан бир қаторда Сўхда мезолит даврига оид очик ҳолатдаги Чашма манзилгоҳи ҳам аниқланиб, олиб борилган археологик қазилмалар асосида Ў. Исломов бу ёдгорликни Обишир I ва V маданияти гуруҳига таълуқли эканлигини қайд этади (Исламов, 1980).

Бу борада 1962 йилдан бошлаб Фаргона вилоят ўлкашунослик музейи ва Эрмитаж билан биргаликда ташкил этилган махсус Фаргона археологик экспедицияси ҳам изланишлар олиб боради. Хусусан, 1973-1976 йилларда Фаргона археологик экспедицияси Н.Г. Горбунова раҳбарлигида вилоят археологик ёдгорликлари харитасини яратиш борасида кенг кўламли тадқиқотларни олиб боради (Горбунова, 1975; 1976). Ушбу ишлар натижасида Н.Г. Горбунова томонидан 153 та археологик ёдгорликлар ва 47 та топилма жойлар ва тасодифий топилмалар жойлари аниқланиб, вилоятнинг археологик харитаси яратилади. Жумладан, ушбу харитада Сух туманида 6 та археологик ёдгорлик қайд этилади (Горбунова, 1979. С. 16-34).

1987 йилда Сўх сув омборини қурилиши муносабати билан ЎзР ФА Археология институти ходимлари томонидан ўтказилган изланишлар натижасида туман ҳудудида 4 та археологик ёдгорликлар кузатилади ва рўйхатга олинади (Матбабев, Ботиров, Хужаназаров, 1988).

Жорий йилда, Фаргона вилояти археологик ёдгорликларини рўйхатга олиш ва харитасини яратиш доирасида олиб борилган изланишлар жараёнида Сўх туманида ҳам қидирув кузатиш ишлари олиб борилди. Жумладан, архив ҳужжатлари, мақолаларда қайд қилинган 18 та ёдгорлик қайтадан хатловдан ўтказилди ва тизимлаштирилди.

Куйи Муғтепа (40° 10.237'С; 71° 2.855'В). Ёдгорлик Газнов қишлоғини гарбий қисмида жойлашган. Н.Г. Горбунова томонидан эрализ бошларига оид қишлоқ макони сифатида эътироф этилган ёдгорлик табиий тепалик устида бунёд этилиб, устки қисми

қисман текисланганлиги ҳамда сув ювиши натижасида рельефи яхши сақланмаган. Баландлиги тахминан 25 м.

Муг қальаси (40° 6.771'С; 71° 4.526'В). Ёдгорлик Тул қишлоғи гарбий қисмида жойлашган бўлиб, илк ўрта асрларга мансуб ҳисобланади. Ёдгорлик табиий тепалик устига бунёд этилган бўлиб, ҳозирги вақтда катта қисми ўзлаштирилган. Қишлоқ хўжалиги натижасида маданий қатламлар бузилмоқда.

Нодир суратлар. (40° 3.631'С 71° 2.120'В) Лимбур қишлоғидан 4-5 км гарб томонда, Сарикамиш тоғларидаги Суратлисой дарасида жойлашган. Петроглифлар ўтган асрнинг бошларида қайд қилинган бўлиб, 1987 йилда 300 га яқин тасвирлар М. Хўжаназаров томонидан классификация қилинган ва мил. авв. 1 - милодий 1 минг йиллик билан даврлаштирилган. Айни вақтда қоятош суратлари атрофида мрамор қазиб олиниши сабабли суратларни йўқолиб кетиш хавфи юзага келмоқда.

Дехвайрон гори. (40° 1.967'С 71° 5.086'В). Дехвайрон қишлоғидан 1,6-2 км гарб томонда, Сарикамиш тоғларида жойлашган. Сўх тумани 1-ИДУМ директори Ф. Жўраев томонидан кўрсатилган горда тош даврига оид маданий қатламлар аниқланмади. Узунлиги 10-15 м, дм 1 м. га яқин туйнукдан кириб, ўртасида катта галерея жойлашган ушбу горда асосан сўнгги ўрта асрларга оид топилма қолдиқлари кузатилди. Ф. Жўраевнинг маълумотига кўра, горнинг оғзидан 10-15 м шимолда тош даврига оид куроллар аниқланган.

Қоятош расмлари (40° 2.000'С 71° 4.989'В). Дехвайрон қишлоғидан 1,6-2 км гарб томонда, Дехвайрон горининг устки қисмида жойлашган. Петроглифлар ер сатҳида жойлашган тошлар юзасида акс эттирилган. Ҳозирда юзаси янги тасвирлар билан қопланаётганлиги учун йўқолиб кетиш хавфи кузатилмоқда.

Мозортепа (39° 58.281'С 71° 7.529'В). Ёдгорлик Шайх оталиқ қишлоғи худудидаги қабристон ўрнида жойлашиб, Институтнинг 1987 йилдаги Сўх отряди томонидан 1-объект сифатида рўйхатга олинган. Изланишлар давомида тадқиқотчилар томонидан XVI-XVII асрларга оид археологик материаллар кузатилган. Шу билан бир қаторда, Сўхсой ва қабристон оралигида милодий аср бошларига оид сопол буюмлари ҳам топилган.

Мозортепа 2 (39°57.021'С; 71°7.601'В). Ёдгорлик Шайх оталиқ қишлоғи худудида, Сўх–Боткен йўлининг ўнг томонида жойлашган, ҳозирги вақтда қабристон билан қопланган. Юза қисмида бир иккита майда сопол парчалари кузатилди. 1987 йилда Сўх отряди томонидан X-XII асрларга оид сопол буюмлар парчалари топилган ва Номсизтепа сифатида рўйхатга олинган.

Гўристонтепа. Равон маъмурий марказининг шарқий томонида, эски қабристон худудида жойлашган. Ёдгорлик юза қисмидан X-XII асрларга оид сирланган сопол идишлари бўлақлари кузатилган. 1987 йилдаги Сўх отряди томонидан X-XII асрларга оид сопол буюмлар парчалари топилган ва 8-объект билан қиёсланади.

Обишир горлари (39° 57.062'С 71° 11.381'В). Мезолит даврига оид горлар бўлиб, ўтган асрнинг 60-70 йилларида Ў. Исломов раҳбарлигидаги Фаргона палеолит отряди томонидан ўрганилган. Сўх қишлоғининг шимолида, Обишир сойи бўйида жойлашган.

Чашма (39° 56.321'С; 71° 12.682'В). Мезолит даврига оид очик ҳолатдаги манзилгоҳ. Сўх қишлоғининг шарқий томонидаги чашма бўйида жойлашган. Ҳозирги вақтда устки қисми ўзлаштирилган. Ўтган асрнинг 60-70 йилларида Ў. Исломов раҳбарлигидаги Фаргона палеолит отряди томонидан ўрганилган.

Кувий қальаси (40°10.237'С; 71°2.855'В). Сарикайда қишлогининг шимолида жойлашган бўлиб, Н.Г. Горбунова томонидан 1 минг йилликнинг 1 ярми билан даврлаштирилган. Ҳозирги вақтда ҳудуд аҳоли томонидан ўзлаштирилиши натижасида 100x50 м майдонда сақланиб қолган. Тўлиқ бузилиб кетиши хавфи мавжуд.

Хожа Ориф (39°56.735'С. 71°8.520'В). Сўх қишлоғини жанубий томонида, шу номдаги зиёратгоҳ ўрнида жойлашган. Ёдгорлик қабристон ва бог натижасида ўзлаштирилган.

Каспидантепа (39°54.942'С; 71°11.847'В). Каспидан қишлоғини шарқий томонида, адирликларда жойлашган. Баландлиги 6 м, диаметри 25 м бўлган тепалик илк бора рўйхатга олинди. Тепалик юзасидан илк ўрта асрларга мансуб сопол парчалари аниқланди.

Қизилқияк мозорқўргонлари (39°56.789'С; 71°5.989'В). Илк ўрта асрлар билан даврланган мозорқўргонлар Қизилқияк қишлоғи ҳудудида, 12-мактаб ёнида жойлашган. Н.Г. Горбунова томонидан 1 минг йилликнинг 1 ярми билан даврлаштирилган.

Қизилқияктепа. Н.Г. Горбунова томонидан 1 минг йилликнинг 1 ярми билан даврлаштирилган. Ёдгорлик ўрни аниқланмади.

Хушертепа. Н.Г. Горбунова томонидан Учерттепа сифатида берилган бўлиб, 1 минг йилликнинг 1 ярми билан даврлаштирилган. Ёдгорлик ўрни аниқланмади.

Чўнгара мозорқўргонлари. Н.Г. Горбунова томонидан 1 минг йилликнинг 1 ярми билан даврлаштирилган. Ёдгорлик ўрни аниқланмади.

Қўргон. Равон маъмурий марказининг шимолий томонида жойлашган бўлиб, I- IV асрлар билан даврлаштирилган. 1987 йилда ЎзР ФА Археология институти ходимлари томонидан олиб борилган изланишлар давомида бузиб ташланганлиги аниқланган.

Юқоридан кўриниб турибдики, ўтган вақт мобайнида Сўх туманида 20 га яқин археологик ёдгорлик аниқланган бўлиб, уларнинг маълум бир қисми қишлоқ хўжалиги ва турар жойлар турилиши натижасида бузилган. Шу билан бир қаторда туман мактабларида ташкил этилган мактаб музейларида қузатилган антик ва ўрта асрларга оид археологик материаллар ушбу ҳудудда рўйхатга олинмаган ёдгорликлар мавжуд эканлигидан далолат беради. Шу жиҳатдан тасодифий аниқланган археологик топилмаларни топилма жойларини аниқ белгилаш, тавсифлаш, кейинчалик ушбу ҳудудларни археологик жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда янги ёдгорликларни аниқланишида муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Воронец М.Э. Археологические исследования Узбекского Комитета по изучению памятников материальной культуры в 1939 г. // ВДИ. №1. М., 1940.
- Воронец М.Э. Археологические исследования Института истории и археологии, Музея истории Академии наук УзССР на территории Ферганы в 1950-1951 годах // Труды Музея истории Узбекской ССР. Вып. 2. Ташкент, 1954.
- Горбунова Н.Г. Отчёт Ферганской экспедиции за 1976 г. // Ферганский музей. Н.А. 719-721.
- Горбунова Н.Г. Итоги исследования археологических памятников Ферганской области (к истории культуры Ферганы) // СА, 1979. № 3.
- Горбунова Н.Г. Отчёт Ферганской экспедиции за 1975 год // Ферганский музей. Государственный Эрмитаж - ОИПК. Н.А. 536-537.
- Исламов У.И. Мезолитические памятники Ферганской долины // ИМКУ. Вып. 9. Ташкент, 1972.
- Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент, 1980.
- Кастанье И.А. Культ змей у различных народов и следы его в Туркестане // ПТКЛА 1912-1913 гг.
- Матбабев Б.Х., Ботиров А., Хужаназаров М. Отчет Сохского археологического отряда о работах в 1987 г. // ЎзР ФА Археология институт архиви. Ф. 8, О. 1, Д. 120. Самарканд, 1988.

Б.К. Сайфуллаев, Ж. Синг, М.Х. Хасанов, О.Т. Эргашев

ОТЧЕТ О РАБОТАХ В ТОДА-1 ЗА 2018 ГОД

Сурхандарьинская область, в частности Байсунские горы, не перестают удивлять новыми открытиями по каменному веку. Здесь представлены все этапы развития культур каменного века, начиная с эпохи среднего палеолита. К среднему палеолиту относятся гроты: Тешик-таш, Амир-Темур, Катта-Курган; к позднему палеолиту: Тешик-таш-2 и Каранги-Дара, к мезолиту - пещера Мачай (Исламов, 1980. С. 77), а к неолитическому времени грот Кайнар-Камар (Нишиакаи и др., 2018. С. 24) и новая стоянка – грот Тода-1 (Синг и др., 2018. С. 16; Синг, Сайфуллаев, 2018. С. 116-134).

Грот Тода-1 был открыт в 2016 году сотрудниками Узбекско-Китайской экспедиции к.и.н. Жоу Синг и У.В. Рахмановым. Памятник расположен на высоте 1100 м над уровнем моря, в 16 км к западу от г. Байсун. Грот сложен из известняковой породы, на южных ответвлениях Байсунских гор (рис. 1). Вход грота шириной 5 м и высотой 3 м, обращен строго на восток и напоминает ассиметричный треугольник. Глубина грота 15 м, а ширина местами доходит до 7 м. В сезоне 2018 года были продолжены исследования шурфов Т-1, 2, 3, размерами 2х3 м, их глубина доведена до 4 м от реперной точки (рис. 2).

Стратиграфия шурфа Т-3 (северная стена):

I – Рыхлый, серого оттенка слой с корой растений, останками костей животных и угля. В слое также встречаются фрагменты керамических сосудов раннего средневековья. Толщина культурного слоя доходит до 40 см.

II - Серовато-коричневый слой с примесью щебня с потолка пещеры. Включает керамику, кости животных и остатки угля. Местами в слое отмечаются остатки беловатой органической примеси. Толщина культурного слоя доходит до 30 см.

III - Серый рыхлый слой толщиной 60 см. Включает щебень, обломки камней с потолка, кости животных, керамику и уголь.

IV - Сероватый слой толщиной до 20 см. Примесь включает остатки камней с потолка, керамику, кости животных и уголь.

V - Слой по цвету аналогичный верхнему, также состоит из остатков камней с потолка, керамику и костей животных. Толщина слоя доходит до 30 см.

VI - Верхний неолитический слой серого цвета. Рыхлый. Включает индустрию, кости животных и остатки угля. Толщина слоя 40 см.

VII - Серовато-коричневый слой. Местами уплотненный, в нижней части состоит из плоских подстилающих камней. Имеет также индустрию разной сохранности, уголь и кости животных. Мощность слоя доходит до 45 см.

VIII - Нижний желтовато-серый слой с индустрией плохой сохранности и микроиндустрией, опустившейся с верхних горизонтов. Слой включает остатки камней, упавших с потолка, кости редких животных. Толщина слоя 30 см и она продолжается (рис. 3).

Раскопки доведены до 485 см глубины от реперной точки. В результате были обнаружены кости животных, остатки угля, черепки керамических сосудов и каменные изделия. Анализы, полученные по радиоуглероду (табл. №1) показали, что культурные отложения пещеры перемещены, носят локальный характер. Поэтому верхний неолитический слой дал самую древнюю калиброванную дату.

В гроте представлены два неолитических культурных горизонта мощностью 60-70 см, где имеется большое количество каменных изделий, костей животных и остатков угля. Среди каменных изделий представлены комбинированные орудия типа скребок+резец (рис. 4, 1), технический скол (рис. 4, 2), полупервичный отщеп (рис. 4, 3, 11), медиальные пластинки (рис. 4, 4, 6, проксимальные пластинки (рис. 4, 5, 9, 10), микропластинка с вентральной ретушью (рис. 4, 7), одна трапеция (рис. 4, 8), отщепы (рис. 4, 12, 14, 15), микропластинка с дорсально-вентральной ретушью (рис. 4, 16) и скребок (рис. 4, 17).

Среди костяных изделий тремя экз. представлены шлифованные проколки из трубчатых костей рогатого скота.

Как видно из таблицы, культурные слои грота перемешаны, так как анализы, полученные из глубины 200 см дали более древнюю дату: 5800±30 тыс. лет от наших дней, а калиброванные даты: 6670-6503 тыс. лет от наших дней. Для нижних слоев эти показатели намного омолаживаются (Табл. №1). Подобные выводы подкрепляются и сохранностью части археологического материала, т.е., каменная индустрия, выделенная не из кремнистых пород, имеет разъединенную поверхность а иногда, не до читаемого состояния. Это может объясняться тем, что центральная часть грота, обвалившаяся еще в доисторическую эпоху, образовала большое отверстие, откуда периодически в пещеру попадала вода. Но, видимо, из-за большого камня, у привходовой части грота материалы, культурно-содержащих слоев, не скатились вниз, а транспортировались внутри пещерного пространства.

В качестве аналогий материалам грота Тода-1 можно привести синхронные артефакты Сазаганской и Кельтеминарской культур в долине р. Зарафшан. В частности, в Сазагане 2 и Джанбас 4 (низовья Зарафшана) обнаружены аналогичные полированные проколки

Таблица №1. Результаты по C¹⁴ из грота Тода-1

No	Depth /cm	Marital	Age /B.P.	Age/cal B.P. (1signal)
TODA-1 T-1	200	Charcoal	5800±30	6670 - 6503
TODA-1 T-1	260	Charcoal	4390±30	5041 - 4867
TODA-1 T2-	400-415	Charcoal	670±30	676 - 630
TODA-1 T2-	425-435	Charcoal	3110±30	3386 - 3237
TODA-1 T2-	465-475	Charcoal	2880±30	3080 - 2922
TODA-1 T2-	500-510	Charcoal	2980±30	3246 - 3060
TODA-1 T2-	510-520	Charcoal	1200±30	1185 - 1055
TODA-1 T3-	165-180	Charcoal	4120±30	4726 - 4528

из трубчатых костей рогатого скота. Что касается каменной индустрии, то материалы Тода-1 приближаются к технокомплексам Кайнар-Камар (Байсунский район) и Сазаганскому неолиту.

Относительно культурной привязки материалов грота Тода-1 внутри Центральноазиатского неолита, то на сегодняшний день можно констатировать, что близкие аналогии рассматриваются среди каменных изделий грота Кайнар-Камар, расположенного примерно в 70 км к северо-востоку, в Байсунском районе. Аналогичная мелко-микроиндустрия, как в гроте Тода-1 встречается не только в Кайнар-Камаре, но и в памятниках Сазаганской культуры. Но, почему-то, индустрию Сазаганской культуры принято называть "отщепово-пластинчатой". Этот термин был введен исследователями для комплексов Кельтеминарской культуры, где отщепы почти не носили функционального значения, а только технологическое. В Сазагане, как и в Тода-1 и Кайнар-Камаре присутствует макро- и микроиндустрия, за исключением галечных орудий (последнее, возможно, является одним из отличительных черт их от Гиссарской культуры в Таджикистане). Мелко- и микроиндустрии в вышеперечисленных трех памятниках носили промысловый характер, т.е. здесь специально изготавливали орудия из отщепов. Поэтому, материалы грота Тода-1 и аналогичных им комплексов целесообразно будет включить в круг неолитических культур с "мелко-микроиндустрией".

Использованная литература:

Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент, 1980.

Нишиаки Т., Сулейманов Р.Х., Арипджанов О., Сайфуллаев Б.К., Эргашев О.Т. Отчет о проделанных работах в неолитическом гроте Кайнар-Камар (Байсунтау) в 2017 г. // Архив Института археологии АН РУз. Ф. 5, О. 1. Д. 253.

Синг Жоу, Сайфуллаев Б.К. Грот Тода-1 - новая неолитическая стоянка на Байсунтау (Узбекистан) // Археология Узбекистана. 2018 г. № 2 (17).

С.С. Суёнов, Ҳ.Ў. Раҳмонов, А.Асланов.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЖОМБОЙ ТУМАНИДА 2019 ЙИЛДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Самарқанд вилояти археологик объектларга бой ҳудуд ҳисобланиб, уларни рўйхатга олиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 2019 йилда бу борадаги тадқиқотлар Жомбой туманида олиб борилди.

Жомбой туманининг табиати ва иклими азалдан мўътадил бўлиб, у Зарафшон дарёсининг сунъий сугориш каналлари орқали сугориладиган унумдор ерлари билан ажралиб турган. Туманни, шимолдан Самарқанд вилоятининг Пайарик тумани ҳамда Жиззах вилояти, гарбдан Оқдарё ва Самарқанд туманлари, шарқдан Булунғур, жанубдан Тайлоқ туманлари ўраб туради. Жомбой туманининг умумий майдони 0,55 минг км. га яқин (1-расм).


Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида Зарафшон дарёсининг Булунғур, Бот-бот, Оқтепа ариқ, Полвон ариқ, Ўрта ва Мирза ариқ йирик сугориш тармоқлари оқиб ўтган. Жомбой туманининг ер майдонлари асосан текисликлардан иборат бўлиб, унинг унумдор ерларини жанубдан Зарафшон дарёси, Булунғур, Янгибеш каналлари сув билан таъминлаб туради (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2001).

Илк бор туман ҳудудида 1888 йилнинг ёз ойларида таникли рус шарқшуноси, археолог Н.И. Веселовский бошчилигида Тошкент – Самарқанд катта автомобил йўли бўйлаб, Амир Темур дарвозасидан Жомбой тумани Янгикўргон қишлоғигача бўлган ҳудуддаги кўргонларнинг ўрнини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Ўшанда Жомбой тумани ҳудудида 10 га яқин кўргон аниқланган (Веселовский, 1888. С. 34).

Туманда археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш ишлари тизимли равишда 1986-1987 йилларда давом эттилган. Тадқиқотлар давомида туман ҳудудида жами бўлиб, 79 та ёдгорлик рўйхатга олинган ва ҳар бирини жойи аниқланиб харитага туширилган. Харитага туширилган ёдгорликларнинг 39 таси “Номсизтепа”, деб кўрсатилган (Ахунбабаев, 1987).

2010 йилда Ўзбекистон-Франция қўшма археологик экспедицияси томонидан Самарқанд вилоятининг шимолий ҳудудида изланишлар давом эттирилган. Тадқиқотлар давомида 104 та ёдгорлик рўйхатга олинган. Рўйхатга олинган ёдгорликларнинг 60 таси Номсизтепа, деб кўрсатилган.

2019 йилда ЎЗР ФА Археология институтининг “Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари” каталогини яратиш бўйича амалий лойиҳаси асосида Жомбой туманида ёдгорликларни рўйхатга олиш ишлари давом эттирилди.



1-расм. Самарқанд вилояти Жомбой тумани жойлашган ўрни


Шу асосида Жомбой туманида жойлашган 205 та ёдгорликларнинг координатаси (UTM42 тизимида), сурати, топоплани ва уларнинг жойлашган ўрни, аниқланиб харитага туширилди (2-расм).

Қўлга киритилган археологик ашёлар асосан сопол бўлақларидан иборат бўлиб, улар асосида ўрганилган ҳар бир ёдгорликнинг тахминий даврий санаси аниқланди. Топилмалари бўлмаган ёдгорликларнинг даврий санаси эса олдинги тадқиқотларда аниқланган саналар асосида ёритилди.

Туманда антик даврга оид ёдгорликлар 44 та бўлиб, ўрганилган ёдгорликларнинг 21 фоизини, илк ўрта асрларга оид ёдгорликлар 101 та бўлиб, ўрганилган ёдгорликларнинг 49 фоизини, ривожланган ўрта асрларга оид ёдгорликлар 30 та бўлиб, ўрганилган ёдгорликларнинг 15 фоизини, сўнги ўрта асрларга оид ёдгорликлар 30 та бўлиб, ўрганилган ёдгорликларнинг 15 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга, Жомбой туманидаги мавжуд ёдгорликларнинг сақланиш ҳолати тўғрисида ҳам маълумотлар олинди. Туманда ўрганилган ёдгорликларнинг 52 фоизи яхши сақланган, 23 фоизи қисман бузилган, 25 фоизи эса кучли бузилганлиги аниқланди.

Ўрганилган ёдгорликларнинг энг йириклари Киндиклитепа ва Мингтепа шаҳар харобалари бўлиб, ҳар бирининг майдони 20 гектардан ортиқ эканлиги кузатилди. Улар-



2-расм. Жомбой туманидаги археологик ёдгорликларнинг жойлашган ўрни

нинг баланд арки, шахристон ва рабод қисмлари ҳамда мустаҳкам муҳофаа деворларининг мавжудлиги, шаҳарнинг алоҳида стратегик аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Туманда қайд қилинган ёдгорликлардан шу нарса аниқ бўлдики, улар қадимдан сугориш тармоқларига яқин, табиий шароит ҳисобга олинган ҳолда бунёд қилинган. Воҳада сугориладиган ер майдонлари, асосан Булунғур, Бот-бот, Оқ-тепа йирик каналлари, Чет ариқ, Оқ ариқ, Янги беш ариқлари ва тоғ сойларидан ҳосил бўлган Қора ариқ сув манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган.

Тадқиқотлар натижасига кўра, ўрганилган ёдгорликларнинг асосий қисми туман ҳудудининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, Сугддан, Уструшона орқали Чочга борадиган Буюк ипак йўли ёқасида жойлашган, деган фикрга келинди.

Бундан ташқари воҳада яна бир муҳим ёдгорлик Галатепа шаҳар ҳаробаси қайд қилиниб, бу шаҳар ҳаробасининг атрофида ҳам бир неча қишлоқ типидagi ёдгорликлар жамлаганлиги кузатилди.

Умуман олганда Жомбой туманида олиб борилган археологик изланишларнинг яна бир муҳим жиҳати, туманнинг археологик ёдгорликлари мажмуаси (каталог) и яратилди. Шу билан бирга қадимги, илк ва ўрта асрлар даври, шаҳар ва марказлашган қишлоқларнинг тарихий топографияси, географиясига оид масалаларга ҳам ойдинлик киритилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Ахунбабаев Х.Г. Отчет о археологическом исследовании по составлению «Свода памятников археологии» Каттакурганского, Иштиханского и Жамбайского районов Самаркандской области // Архив ИА АН РУз. Ф. 4, 0. 1, Д. 166. Самарканд, 1987.
- Веселовский Н.И. Заметки о курганах Туркестанского края. ЗВО. II. Ташкент, 1888.
- Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2-сон. Тошкент, 2001.

Г. Хожаниязов, А. Беттс, А. Искандерова, М. Минарди,
А. Торениязов, А. Бекбаулиев, И. Ходжалепесов

РАБОТЫ НА АКШАХАН КАЛЕ В 2018-2019 гг.

Каракалпакстанско-Австралийская международная археологическая экспедиция (далее КАМАЭ) в 2018-2019 гг. работала по трем направлениям: I - произведены раскопки входной части в город - юго-восточных ворот Верхнего города (далее ВГ), II - продолжены зачистки в юго-восточном углу колонного зала (X.04) (рис. 1), III - осуществлены разведки памятников зороастризма на Султануиздаге.

I. Вход - место наиболее уязвимое при обороне древних укреплений. В военном отношении они всегда привлекали к себе особое внимание и ярким примером может служить открытый предвратный лабиринт (28x28 м) юго-восточных ворот ВГ Акшахан калы. Чтобы попасть в основные крепостные ворота ВГ требуется пройти через дорожку-пандус, который начинается у выхода предвратного лабиринта. Его длина около 8 м, ширина 4,5 м (Ходжаниязов и др., 2002 и 2004).

В 2018 году с целью выяснения конструкции входной части этих ворот были возобновлены работы на Р. IX и продолжены в 2019 г. (рис. 2). После расчистки входной территории от 2-3 метрового надувного песка, заложен раскоп в виде траншеи длиной более 50 м, при ширине 3 м и разделен на секции. В ходе раскопок обнаружен пандус и улица (рис. 2). Согласно разрезу (D-D1) мощность слоя от материка до пола пандуса около 3 м (КВ С2 и С3). Материк суглинистый (075), песчаная подсыпка (074) толщиной 0,2 м, на которой покоился пандус (017). Начало пандуса находится у ворот и сохранилось в 20 рядов в длину, 15 рядов в ширину сырцовых кирпичей. Пандус сделан с уклоном вовнутрь городища примерно на 10°-12°.

В ходе раскопок выяснены этапы постройки пандуса. Сначала по двум краям будущего пандуса на всю длину возведена стенка «бордюр» из сырцовых кирпичей, пространство между которыми заполнено кирпичными кладками на песчаном растворе. При этом, последняя - верхняя кладка, служила полом пандуса и уложена на глиняном растворе.

В ходе раскопок (кв. L, W, AA, LL) была определена ширина и конструкция улицы (рис. 3, 4), имевшей два одновременных пола. Первоначальный пол был земляной, каких-либо следов выкладки из сырцовых кирпичей не было зафиксировано. Вероятно, пройдя определенный период, улица пережила ремонт. Территория будущей улицы местами была подравнена строительным мусором, то есть обломками сырцовых кирпичей (КВ. L2 и КВ. LL2 (слой 009 и 010), верх которых заполняли чистым песком. В результате образовывалась своеобразная основа для нового пола. В шурфах и разрезах (кв. W, AA) удалось проследить периоды строительства улицы.

Вдоль улицы обнаружено несколько стен. Стена 001 (квадрат L) сохранилась высотой в три ряда кирпичной кладки (42x41x10-11 см), покоящиеся на первичном полу (шурф №4, слой 009). Длина стены 4 м, ширина 5,2 м (кв. L1, L3). На северном борту траншеи (кв. L1) кирпичные кладки стен заменяют пахсовые конструкции шириной около 2 м, уходящие за пределы раскопок (кв. L3). Они, как и кирпичная стена, уложены на глиняный пол.

Стена 002 находится в районе Центрального монументального здания (кв. LL-3). Длинной около 10 м, шириной 1 м, сохранившейся высотой 0,25 м. Стена возведена из сырцовых кирпичей размерами 41x40x11 см. Конструкция стены является весьма интересной. Кладка поставлена на специальную выкладку, состоявшей из двух рядов керамических фрагментов крупных сосудов. Большинство стенок сосудов имеют красный ангоб и спиральную роспись. Последние, в свою очередь, находятся на вторичном полу улицы (слой 003 и 005).

Стена 007 находится в 30 м от ворот (кв. L2, слой 003) и сохранилась на ширину двух кирпичей (42x41x12 см). Стены прослежены по всему квадрату L2 в слоях 005-006.

Исследование пространства между воротами и Центральным сооружением дали важные сведения по стратиграфии ВГ. Раскопки показали, что культурные наслоения на улице росли вместе с наслоениями храмового комплекса и на поверхности городища.

В ходе раскопок обнаружено 354 керамических фрагмента. Среди них крупных сосудов - хумов насчитывается 41 экземпляр. Из них в слоях 002-003-004 было обнаружено 167 фрагментов керамических сосудов, что составляет 47% от всего керамического материала 2019 года. В слое 006-007 обнаружено 139 керамических фрагментов, что составляет 39% от всей коллекции. Эти фрагменты хумов с прочерченным орнаментом и красной росписью в шахматном порядке относятся к IV-II вв. до н.э. Имеются также стенки хумчей, горшков, кувшинов, фляг, покрытых красным ангобом и росписью с потеками.

Керамика из верхних полов (слой 001-003), выявленная по всей площади улицы в последние периоды жизни городища относится к I-III вв. н.э. Среди керамических, каменных, бронзовых материалов из верхних полов особое внимание привлекает терракотовая статуэтка антропоморфного типа (слой 002), представляющая собой оттиснутую в односторонней форме сидящую женщину, кормящей младенца (рис. 5). Голова, верхняя часть правой руки - плечо и часть левой ноги утрачены. Она изображена в сидячем положении, согнув правую ногу под себя. Правая рука женщины находится в согнутом виде на ноге, левая обнимает ребенка, поддерживая его за спинку. Женщина одета в длинное платье с длинными рукавами, ребенок изображен в профиль, тело в вертикальном положении, ноги согнуты в коленях, левая рука покоится на груди матери. Обращает на себя внимание массивный нос и большие уши. Близкая аналогия известна в среднем горизонте городища Койкрылганкала.

Проводимые в последние годы исследования и полученные результаты позволяют несколько конкретизировать комплексы ЮВ ворот ВГ Акшаханкалы. Вход внутрь города через ворота осуществлялся с помощью пандуса, который соединяет две разноуровневые площадки, ворота и горизонты поверхности внутри городища. Пандус сделан с уклоном примерно в 10°-12°, его длина от края крепостной стены около 13 м, ширина 7,52 м, примерная площадь пандуса составляет 112,5 м².




Рис. 1. Акшаханкала. План



Рис. 2. Пол пандуса



Рис. 3. Раскопки улицы: вид с юга-востока



Рис. 4. Раскопки улицы: общий вид с северо-запада



Рис. 5. Терракотовая статуэтка матери, кормящей ребенка




Рис. 6. Фрагменты отреставрированных настенных живописей

Ранее здесь был изучен пандус, который вел в центральное сооружение ВГ (Р.VII). Древнехорезмийские пандусы открыты в Калалыгыр 2, Койкрылганкала, Кызылкала и других многих античных памятниках. Среди них самый большой подъем (8 м) вел, в пре-

делах входного комплекса, от первых ворот к верхней площадке у верхних ворот Калалыгыр 2.

Найденный керамический материал в слоях 020 и 021 датируется II-IV вв. н.э. Согласно полученным данным, обнаруженные стены улицы относятся к II-III вв. н.э., на что указывают керамические выкладки, ранее зафиксированные в раскопе X Центрального церемониального комплекса на Акшаханкале.

Первый этап связан с первоначальным возведением предвратного лабиринта и пандуса ворот. Однако, в конце существования первого этапа город пережил осаду, на что косвенно указывают следы пожара у входа предвратного лабиринта и глубокие пробоины в стенах и башнях, а также находки у ворот большого количества различного калибра каменных ядер. Пожар, согласно радиоуглеродным анализам (Р. I), произошел в 152-56 гг. до н.э.

Следующий этап связан с восстановительными работами ворот укрепления. Это сужение ворот, строительство по периметру пандуса стен, керамические выкладки¹, ремонтные работы пола улиц между воротами и центральным сооружением в виде забутовки первого пола и другие работы. В пределах второго строительного периода обнаружены два пола. Следует отметить, что, как правило, столбы от каркаса изымались, а ямки и поверхность над ними засыпались чистым песком, намазывался новый пол и на него ставились базы колонн. Расстояние между базами имеют ширину 3 м.

II. В полевой сезон продолжены консервационные работы с живописью на площади примерно 4x5 м, сосредоточенный в северо-восточном углу храмового комплекса ВГ Акшаханкалы (Р. X-04, пл.10). В работе, под руководством М. Боннат, приняли профессиональные реставраторы живописи Н. Робин, Н. Акин, Э. Бланпен и М. Сманиотто (Франция, Бельгия). Сняты пятьдесят четыре фрагмента живописи, большинство которых принадлежит одной из двух ранее известных тематик: «Боги» и «Парадизоз». Боги изображены массивными человеческими фигурами в многообразных костюмах, нарисованных на южной стене Колонного зала. Один из них был идентифицирован с божеством Авесты - Сраош, а идентификация двух других частично не тронутых фигур все еще остается неопределенной. Тема *Paradeisos* изображает сад или лесной пейзаж, заселенный животными и птицами. Растения кажутся фантастическими, но птицы и животные могут быть признаны в качестве видов, обитающих в нашем регионе. Фрагменты штукатурки, вероятно связанные с темой *Paradeisos*, были обнаружены в 2019 году. В 2018 году была обнаружена штукатурка из рухнувшей колонны, непосредственно примыкающей к зоне раскопок 2019 года, на которой изображена тема Парадизоса. И вполне вероятно, но нет уверенности в том, что идентификация фрагментов 2019 года верна.

Поднятые в раскопе росписи были доставлены в лабораторию и подвергнуты предварительной очистке излишков грязи для подготовки к длительному хранению. Работы были выполнены над фрагментами из серии «Боги», серии «Парадизоз» и фрагментом из юго-западного коридора серии «Процессия» с изображением головы лошади (рис. 6, 4). Три фрагмента были полностью восстановлены и теперь могут быть выставлены: изображение птицы-кеклика (рис. 6, 3), кулана из Парадизоз (рис. 6, 2) и фрагмент 2010-66А из серии Богов (Бог 1) (рис. 6, 1). Три других фрагмента были установлены на алюминиевые панели и нуждаются в завершении работы. Эта работа запланирована на 2020 год. Осо-

бое внимание было также уделено упаковке собранных фрагментов в соответствующие коробки для транспортировки и хранения.

III. Осуществлены раскопки на оссуарных могильниках в горах Султануиздага. Протяженность территории, обследованная в горах, соответствует в его юго-восточной части (Каракудук), что эквивалентно ок. 100 км², протянувшийся от вершины Казантау до восточной оконечности хребта, соответствующего городищу Бурлыккала. Ранее в 70-е годы прошлого столетия эта территория была предварительно изучена археологом Ю.П. Маньловым. В ходе исследования были открыты несколько оссуарных захоронений. Раскопан квадратный в плане наус (7x7 м), который ориентирован по оси ЮЗ-СВ. Он построен из больших и малых камней на глиняном растворе. Интерьер состоит из небольшой камеры (около 16 м²) с полом коренной породы. Восточные и южные стены науса сохранились лучше и до сих пор стоят на высоте около 10 м. Доступ был, вероятно, расположен на западной стороне сооружения. Найдены бледно-зеленоватые хумы, а также красноглиняные чаши, которые в настоящее время определяются периодом до нашей эры.

Обнаруженные россыпи обломков оссуариев к северо-востоку от городища Бурлыккала указывают на длительное использование территории в качестве некрополя. Некоторые стенки фрагментов керамических оссуариев имеют «архитектурный тип», из зубцов или прорезей для стрел. Имеются стенки оссуариев, сделанные из гипса и камня.

В целом, археологические исследования 2018-2019 гг. показывают один из ярких примеров фортификационного оформления - ворот в древнем Хорезме (Р. IX), вновь обнаруженные росписи открывают новые страницы истории и истории искусства древнего Хорезма (Р. X). Работы на Султануиздаге свидетельствуют о том, что юго-восточные отроги гор служили в качестве некрополя для жителей близлежащих населенных пунктов в античное и раннесредневековые время.

Сноски

¹ Ранее стены на керамических выкладках были зафиксированы в центральном церемониальном комплексе ВГ Акшахан калы (Р. X), которые относятся II-III вв. н.э.

Использованная литература:

Ходжаниязов Г.Х., Хелмс С.У., Снеддон Э. Археологические исследования на Акшахан кала в 2001 году // Археологические исследования в Узбекистане 2001 года. Самарканд, 2002.

Ходжаниязов Г.Х., Хелмс С.У., Колин Т.Д. Исследования в Южном Каракалпакстане // Археологические исследования в Узбекистане 2003 года. Ташкент, 2004.

ШИМОЛИЙ БАКТРИЯДАГИ ЭНГ ЙИРИК СТУПА ЁКИ ЗУРМАЛА ЁДГОРЛИГИ ҚАЗИШМАЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистоннинг жанубий чегараси Эски Термиз худудида Кушон подшолиги даврида буддавийлик маданиятига доир диний ва дунёвий характерга эга бўлган архитектура иншоотлари қурилиши кенг тарқала борган. Айниқса, Қоратепа, Фаёзтепа, Зурмала каби буддавийлик ибодатхоналари ва Айритом, Далварзинтепа, Холчаён каби археологик ёдгорликларининг жаҳон миқёсида ўрганилиши фикримизни тасдиқлайди. Уларнинг илмий тадқиқотлар орқали жаҳонга танилиши, нафақат буддизм динининг шимолий ва шарқий худудларга тарқалишини, балки Ўзбекистоннинг Кушон подшолиги даврига оид бадиий ва амалий санъатининг юқори даражада тараққий этганлигини тасдиқлашда муҳим аҳамият касб этади (Пугаченкова, Ртвеладзе, 1990. С. 85).

Кушон давридаги Шимолий Бактриянинг буддизм маданиятига доир ёдгорликлар ҳақидаги илк маълумотлар 629-630 йилларда Хитойнинг Чанъань (ҳозирги Сиань) шаҳридан Термиз ва Чаганиёнга ташриф буюрган будда қоҳини Сюань Цзянь кундаликларида учрайди.

Буддист қоҳиннинг маълумотларида, Тами, Термизда 10 дан ортиқ монастир ва унда 1000 нафардан ортиқ монахлар мавжудлиги жуда кўп мўъжизавий ступалар ва тошдан тарошланган будда ҳайкалтарошлик намуналари борлиги эслатилади.

Бироқ ундан ҳам ишонарли илмий маълумотларни 1926–1928 йилларда Москванинг Шарқ музейи ва Санкт-Петербургнинг Эрмитаж музейи ходими, Термиз экспедициянинг аъзоси А.С. Сельков ўз ҳисоботида хитойлик сайёҳ маълумотларига таяниб, Эски Термиздаги буддавийлик ступалари Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистоннинг Гандҳара ступаларига йириклиги ва гиштларининг ҳажми билан ўхшашлигини қайд этиб ўтган (Сельков, 1928. С. 27-30).

Шундан сўнг, кўп ўтмай М.Е. Массон томонидан Термиз археологик комплекс экспедицияси ташкил этилиб, Термиз ва унинг атрофидаги ёдгорликлар ўрганила бошланди. Мазкур археологик изланишларда Зурмала ёдгорлигининг умумий хусусиятлари ўрганилди (Жуков, 1941. С. 8-9).

Зурмала ёдгорлиги Эски Термизнинг шарқий томонида жойлашган. Кушон подшолиги даврида шаҳарнинг шарқий йўналиш бўйлаб кенгайиб бориши, унинг кун чиқиш томонида йирик буддавийлик ступасининг пайдо бўлиши, бу албатта, Шимолий Бактрияда буддизм динининг аҳамияти янада ортиб борганлигини тасдиқлайди. Ёдгорликнинг цилиндр шаклдаги қурилиши ва минорасининг гумбаз шаклида кўриниши ҳамда унинг зинали баланд пойдевор устида барпо этилиши, пойдевор атрофининг

буддавийлик образлари акс этган тош плиткалар билан ўраб олиниши билан Шарқий Афғонистондаги Хадда ступасига ўхшайди (Пугаченкова, Ртвеладзе, 1990. С. 83-96).

1964 йилда Зурмала ёдгорлигида Ғ.А. Пугаченкова илмий тадқиқотлар олиб борди. Археологик тадқиқот асосан икки аспектда: биринчидан, Зурмала ступасининг шимоли-гарбий ва жануби-гарбий томонларида шурф қазииш орқали ёдгорликнинг пойдеворини ўрганишга қаратилган бўлса; иккинчидан, ёдгорликдан 500 м радиусда юқори қатламдан топилган материалларни йиғишга қаратилган эди. Ступанинг гиштлари томонлари 32x33, қалинлиги 11-12 см. ни ташкил этади. Зурмала ступасининг ўлчами ва шакли Бактриянинг Кушон подшолиги қурилишлари билан айнан бир хилдир (Пугаченкова, 1967. С. 3).

Бундан ташқари ступанинг учта жойида қазилган шурфнинг хулосасига кўра, ёдгорликнинг пойдевори тўғри бурчакли бўлиб, ўлчами 22x16 м. га тенг эканлиги аниқланган. Бу изланишлар илк даврларда ступанинг баландлиги 16 м бўлиб, уни барпо этишда 1,6 млн. хом гишт ишлатилганлиги ҳақида илмий хулосага келишга сабаб бўлган.

Зурмала ступаси атрофидан оҳактош блоклари ва карнизларнинг синиқларини топилиши ёдгорлик пойдеворининг атрофи рельефли оҳактошдан қилинган гилоф билан қопланганлиги ёки унинг атрофида бошқа бир буддавийлик архитектура иншооти мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Мана шу хулосаларга таяниб, Ш.Р. Пидаев ва К. Кюдзо бошчилигидаги экспедиция Сурхон воҳасида жойлашган буддавийлик ступаларини ўргана бошлади ва Канишка I даврида эр.авв II асрда буддизмнинг шимолий Ҳиндистондан то шарқий Туркистонгача кенг тарқалиш даври, деб эътироф этдилар (Пидаев, 2011. 16-б.).

2012 йилда Т. Аннаев Термиз Давлат университети талабалари билан Зурмала ступасига боглиқ бир неча археологик артефактларни топишди. Бу артефактлар ёдгорликдан 400 м жанубдаги йирик ҳовуз яқинидан топилган. Бу ҳайкалтарошлик намуналари кетма-кет турган донаторлар, дейилса айрим археолог олимлар уларни кохинлар, деб аташмоқда. Нима бўлганда ҳам бу ҳайкалтарошлик намуналари ступа пойдеворининг рельефли-гилоф безаклари ёки ступанинг атрофидаги айвон тоқчаларида қўйилган санъат асарлари ҳисобланади (Абдуллаев, Аннаев, 2012. С. 23-30).

2019 йилги археологик мавсум – 27 августдан 17 сентябргача Зурмала буддавийлик ступасининг атрофида археологик тадқиқотлар олиб борилди. Бу йил қазиишма ишлари ёдгорликнинг шимоли-шарқий томонида 2018 йил бошланган шурфни кенгайтириш ва бу қисмда архитектура иншоотларининг қолдиқларини топишга қаратилган эди. Шунинг учун ёдгорликнинг шимоли-шарқий томонида узунлиги 16 м, эни 2 м қирқма ташланди ва бу қазиишма ўтган йилги 2x2 м квадрат бўлган шурфнинг давоми бўлиб, бу томондаги қазиишманинг умумий майдони 18x2 м. кв.ни ташкил этади. Шурфнинг юқори қатлами агротехник ишлов берилганлиги учун ниҳоятда қаттиқ ва зич қатлам бўлиб, унинг қалинлиги 70 см. Худди шу чуқурликда иккита бронза танга топилди.

Ёдгорликнинг маданий қатламларидан фақат Кушон подшолари даврида зарб этилган тангалар топилмоқда. Бундай йирик номиналлар аксарият ҳолларда халқаро савдо алоқаларида муомалада бўлган. Бактриянинг Кушон подшолиги даври тангалари Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг иқтисодий ва маданий алоқаларининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган (Халиков, Имомов, 2018. С. 17-20).

Шурфнинг чуқурлиги 1,25 м. га етганда зичланган тупроқ қатламидан сўнг маданий қатлам бошланади. Бу ерда сопол буюмларнинг синиклари учрай бошлайди. Қазишма 1,65 м чуқурликка етганида 3 дона бронза танга ва косанинг синиклари топилди. Бу тангалар кўринишидан Кушон подшолари Канишка, Васудева, Хувишка даврида зарб этилган.

Мазкур сопол идиш бўлаклари милодий II-III асрларга оид. Уларнинг орасида эйнахойсимон шаклдаги кўзалар диққатга сазовордир. Бизнинг фикримизча, гардиш қисми овал, бўйин қисми узун, корин қисми ноксимон, тагдони ясси шаклдаги идишлар Эски Термизнинг Қоратепа ва Фаёзтепа ёдгорликлари учун ҳам характерлидир (Ставиский, Мазурина, 1996. С. 43-44).

Шимоли-шарқий шурфда чуқурлик 1,96 м. га етганда металл стержен, бронза танга (Канишка II) ва юпка деворли, қизил ангобли кўзаларнинг балдоқлари, тогораларнинг гардишлари, чирокларнинг бўлаклари топилди. Шурфнинг икки метр чуқурлигида тоза соз тупроқ қатлами бошланди ва бу қатламда ҳеч қандай топилма учрамади. Унинг фақатгина жанубий томонида 1,96 м чуқурликда ҳали маданий қатлам давом этади. Бу қисмда шурфнинг чуқурлиги 2,90 м. ни ташкил этади.

Шурф 2,35 м. дан бошлаб 60 см қалинликда кул, кум ва тупроқ қатламлидан иборат. Мана шу қатламда илон боши тасвирланган сопол идиш бўлаги топилди. Шимоли-шарқий шурфнинг энг қуйи қатлами материк соз тупроқ ва кум тошдан иборат бўлиб, Зурмала ёдгорлигининг пойдевори мана шу мустаҳкам қатлам устида барпо этилган. Шурф ва Зурмала ступаси орасидаги масофа 50 м. ни ташкил этади.

Бундан ташқари Ступанинг жануби-шарқий томонида 4x2 м² ўлчовдаги иккинчи шурф ташланди. 2018 йилги мавсумда жануби- гарбий томонда очилган шурф (10x2 м) дан Кушон ва ўрта асрларга оид турли туман сопол буюмларнинг бўлаклари топилган эди. Шунинг учун жануби-шарқий томонда 2x2 м ўлчамдаги шурф қазиб очилди.

Шарқий томонда Зурмала ступасидан 50 м масофада ўлчами 4x2 м. лик иккита шурф очиб ўрганилди. Улар қуйида “А” ва “Б” шурфлари билан аталади.

“А” шурфнинг чуқурлиги 1 м. га етганида агротехник ишловдан зичлашиб қолган қатлам тугайди. Бу қатламдан бир неча сопол буюмларнинг бўлаклари ва шиша идишнинг синиги, шамдон бўлаги топилди. Шурфнинг чуқурлиги 2,50 м. га етганида яхши сақланган бронза танга (Канишка I) топилди.

Қуйида Зурмала ступасининг атрофидан топилган археологик ашёларнинг турлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот берамиз.

Танга. Бронза. Канишка II даврида зарб этилган. Яхши сақланган. Диаметри 2,2 см, огирлиги 17,5 гр. ни ташкил этади. Шимоли-шарқий шурфдан, репердан 2,30 м чуқурликдан топилган.

Танга. Бронза. Канишка II даврида зарб этилган. Яхши сақланган. Диаметри 2,6 см, огирлиги 11,5 гр. ни ташкил этади. Ўнг томонида ҳукмдорнинг тик турган ҳолати, тесқари томонида ҳинд маъбуди Шива ва “Зебу” буқа тасвири акс эттирилган. Бронза танга диаметр 2 см, огирлиги 9,5 гр. ни ташкил этади.

Бундан ташқари ўтган йилги мавсумда сопол идиш деворига ёпиштириб ишланган горельеф усулида ишланган ҳайкалтарошлик намунасининг диний характерда эканлиги

ёдгорлик атрофида кулолчилик, бадий ва амалий санъат мактабининг соҳиблари истиқомат қилганлигини англатади.

Сопол синиги. Шимоли шарқий шурфдан топилган бўлиб, идиш сиртида буддавий хайкалтарошлик намунаси акс эттирилган. Иккита ёнма ён турган қоҳинларнинг пипал остида турган ҳолати акс эттирилган (1-расм).

Сопол идиш гардиши. Шер боши тасвирланган. Оч сариқ тоза лойдан сифатли пиширилган. Идишнинг гардиши ичкарига қайрилган, шакли ярим сферик, девори жуда юпқа ва силлиқ ишланган. Ички ва ташқи томондан қизил ангобда бўялган. Идиш II-III асрлар учун характерлидир (2-расм).

Сопол кўза синиги. Идишнинг девор қисмидан бир бўлаги топилган. Ўлчами 7,5x8,5 см. ни ташкил этади. Бу сопол бўлаги идишнинг бўйин қисмининг девор қисмига туташадиган жойи бўлиб, идиш сиртида “босма” услубда туширилган айлана гул тасвири ўз аксини топган. Бу давр идишларига хос тарзда бу кўзачага ҳам “Тўпбаргул” ёки “пипал” гули акс эттирилган. Идишнинг сирти албатта оч-қизил рангдаги ангоб билан бўялган (3-расм).

Бундан ташқари зооморф характеридаги идишларнинг топилиши Кушон даврида бадий ва амалий санъатнинг узвий боғлиқ тарзда тараққий этганлигини яна бир бор тасдиқлайди (4-расм).

Шимоли-шарқий шурфдан архитектура безагининг бир бўлаги топилди. Бу безак синиги Зурмала ёдгорлигининг пойдевори атрофида терилган тош плиткаларнинг синиги бўлиши мумкин (5-расм).

Чирок. Археологик тўлиқ сақланиб қолган. Лойи оч сариқ рангли тоза тупроқдан, яхши пиширилган. Шакли айланасимон. Бурни ташқарига озгина туртиб чиққан. Гардиши Д—8,5; тагдони д—3,5 см, буйи 3,2 см. ни ташкил этади. Бундай чироклар бутун Кушон даври учун характерлидир (6-расм).

Жорий йилда олиб борилган қазил ишлари шундан дарак берадики, Зурмала ёдгорлигининг шимоли-шарқий томонида 50 м масофа оралигида маданий қатлам мавжуд эканлиги аниқланди. Маданий қатламнинг юқори қисмида агротехник ишлов берилган ва зичланган қатлам бўлса, репердан 1,25 м чуқурликда археологик топилмалар учрай бошлайди.

Чунки, Зурмала ёдгорлигининг атрофи пахта экиш учун қайта ўзлаштирилиб, бошқа жойлардан келтирилган тупроқ билан тўлдирилган. Аммо қатламнинг қуйи қисми, яъни қирқманнинг 1,65 м чуқурлигида моддий маданият намуналари кўпайиб бошлайди қатлам таркиби ўзгариб, кул қатламидан сўнг маданий қатлам бошланади. Бу ердан топилган сопол буюмларнинг турли ассортименти: кўза, тувак, тогора, чирок, амфора шаклларда эканлиги бу ерда ҳаёт узоқ давом этганлигини тасдиқлайди.

Археологик топилмалар орасида, тилла суви юритилган кичик мис пластинка, спиралсимон тўгногич, уч қисми яссиланган бронза қошиқ ёки тиббий асбоблар диққатга сазовордир.

Топилмалар ассортиментининг кўплиги Зурмала атрофида йирик хунармандчилик маркази жойлашганлигига ишорадир.

Зурмала ёдгорлигининг тадқиқотлари бошланганлигига 90 йил бўлди. Аммо Зурмаланинг сақланиш даражаси ва унинг емирилиш хавфи ортиб бормоқда.

2017 йилдан бошлаб ёдгорлик ва унинг атрофида манбаларни йиғиш фотосуратлар олиш, дрон орқали ҳамда георадар билан архитектура иншоотларини аниқлашга ҳаракат қилинди. Мана шу изланишлар натижасида археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Энг асосийси бу қазишмадан Кушон подшолари даврида зарб этилган бронза ва мис тангаларнинг топилиши Зурмала ёдгорлиги атрофида архитектура иншоотлари мавжуд бўлганлигидан дарак беради. Лекин ҳозиргача қурилиш иншоотларининг қолдиги ва излари учратилмади. Келгуси мавсумда қазишма ишларининг кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Абдуллаев К., Аннаев Т.Ж. Новые находки буддийской скульптуры в округе Зурмалы // Археология Узбекистана. 2012. № 4.
- Жуков В.Д. Кирпич из развалин Старого Термеза // ТАКЭ. Ч. 1. Ташкент, 1936.
- Пидаев Ш.Р. Ўзбекистонда буддавийлик ва буддавий мерос. Тошкент, 2011.
- Пугаченкова Г.А. Две ступы на юге Узбекистана // Советская археология. 1967. №3.
- Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Ташкент, 1990.
- Сельков А.С. Зурмала или Катт-тюпе около Термеза // Культура Востока. Сборник Музея восточных культур. Вып. 1. М., 1928.
- Ставиский Б.Я., Мазурина В.Н. Работы в комплексах В, Г и Д // Буддийские комплексы Каратепе в Старом Термезе. М., 1996.
- Халиков З.Э., Имомов Э. Из истории появления в древней Бактрии монет-денег и денежного обращения // Вектор развития экономики и финансов на современном этапе. Международная научно-практическая конференция, 6-9 декабря 2018 г. Сочи, 2018.

ЧИНГИЗТЕПАДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР

Чингизтепа ёдгорлигида 2006 йилдан буён археологик тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу йиллар мобайнида ёдгорликнинг хронологияси, қурилиш даврлари, мақсад вазифалари, уларнинг аҳамияти ёритиб борилди. Ўзбек-Француз Бақтрия экспедициясининг асосий мақсади Окс-Амударё қиргоғида жойлашган “Чингиз-тепа—2” ёдгорлигининг локализациясига қаратилган эди (1-расм). Бу изланишлар ёдгорликда ибодатхона билан боглик бўлган сарой борлигини белгилаш имконини берди. Шунингдек, ёдгорликнинг ҳар иккала қисми ҳам эни 12 м. дан иборат хандак-зовур билан чегараланганлиги аниқланди (2-расм). Шимолий Бақтриянинг Юнон Бақтрия даври шаҳарлари, хусусан Тармита, Кампиртепа ўрнидаги Пандахийон кабилар мустаҳкам муҳофаа деворлари, буржлар ва хандақлар билан ҳимояланган (Пугаченкова, Ртвеладзе, 1990. С. 82-83).

Археологик тадқиқотлар натижасида ёдгорликнинг учала кўринишига: ибодатхона, сарой ва муҳофаа иншоотларига оид бўлган объектлар қазиб ўрганилди, шу туфайли экспедициянинг келгусидаги истиқболли режалари белгиланиб олинди.

Ёдгорликнинг Чингизтепа 2, деб аталадиган бу қисми йирик иншоот бўлиб, Амударёнинг қиргоғида жойлашган (3-расм). Унинг юқори қисми кучли механик ускуна билан вайрон қилинганлиги учун жиддий зарар топганлигини ҳисобга олиб, 2005 йилдан экспедиция ўзининг бутун илмий потенциалини шу ёдгорликни ўрганишга қаратди.

Ёдгорликнинг биз “сарой”, деб атайдиган қисми кўп емирилган бўлиб, майдони 50x70 м. ни ташкил этади. Қазилма бу йирик иншоотнинг кўплаб ички хоналар ва ички ҳовлига эга эканлигини кўрсатди. Улар гарбий-шарқий йўналиш бўйлаб жойлашган ва эни 3 метрни ташкил этадиган узун ва маҳобатли коридорнинг ҳар икки томонида барпо этилган. Хоналар марказий йўлакдан гарбга, дарёга қаратиб қурилган. Шарқдаги катта зал деярли тўлиқ вайрон қилинган. Марказий коридорнинг узунлиги 15 м. га этади ва унда кетма-кет олтига бўсага ва эшикларни ўрни аниқланди.

Ёдгорликнинг юқори горизонти Хоразмшоҳлар даврига оид бўлсада, унинг қуйи қатламларидан кўплаб юнонлар даврига оид архитектура деталларининг бўлаклари топилди. Ёдгорликдаги марказий коридор юқори қатламидан кушон-сосонийлари даври тангалари топилган. Ундан қуйидаги қатламда кушон даврининг ва эллинистик даврнинг, шубҳасиз юқори рельефга эга бўлган қурилиш даврини кузатиш мумкин. Биргина коридор қисмида қадимги давр моддий маданиятининг кетма-кет тарзда намоён бўлиши бу ерда қадимги Термизнинг муҳташам саройи бўлганлигидан дарак беради. Коридорнинг

деворлари 20 мартадан ортиқ сувоқ қилинганлиги эса бу саройнинг ўша давр ҳукмдорлари томонидан кетма-кет фойдаланганликларини билдиради.

2015 йилда олиб борилган археологик тадқиқотлар саройнинг асосий кириш йўлагини ўрганишга қаратилди. Қазишма натижасида ёдгорликнинг мазкур қисми ўрта асрларда бошқа мақсадлар учун фойдаланганлигининг гувоҳи бўлди. Марказий кириш йўлагининг маҳобатли дарвозасининг оҳақтош қўйилган бўсагасининг гарбий томонидан ўрта асрларнинг кулолчилик хумдони топилди. Бу хумдондан ўрта асрларга оид сопол буюмларнинг турли шаклдаги бўлаклари топилган.

Коридорнинг гарбий қисмида барпо этилган бу хумдоннинг чуқурлиги 1,20-1,50 м ва томонлари 3х3,5 м. ни ташкил этади. Унинг қурилиши қадимги давр саройининг коридор атрофидаги хоналарга ва иншоотга жуда катта зарар етказган. Хумдон материк – қумтош қатламгача қазиб борилган. Унинг қурилиши кириш йўлагининг зинапоялари ва бу ерда мавжуд бўлган иншоотнинг безалган интерьерини бутунлай вайрон қилган (5-расм).


Тадқиқотнинг бу тарзда олиб борилиши кириш йўлагининг гарбий чегарасида жойлашган бош порталнинг пойдеворини топиш имконини берди (6-расм).

Биз иншоотнинг пойдевори ва унинг устида ўрнатилган оҳақтош бўсаганинг исбот талаб қилмайдиган илмий қиёсини Афғонистондаги Ойхонум саройининг кириш йўлагига ҳам кузатишимиз мумкин. Демак, Термизнинг қадимги саройининг пойдевор қисми ва оҳақтошдан йўнилган бу архитектура деталлари эллинистик давр маданиятига оиддир (7-расм).

Бундан ташқари, коридордан топилган ва оҳақтошдан йўнилган чиройли тош блоклари ва уларнинг сиртида ўймакорлик услубида туширилган чизиқлар ва акант гулли шарафа тош йўниш санъатининг юқори даражада тараққий этганлигини кўрсатади (8-расм). Бу топилмалар Термиз Юнон-Бақтриянинг эллинистик тош ўймакорлик маркази бўлганлигини англатади (9-расм). Бундай тошдан ясалган санъат асарларининг хом ашёси Эски Термизга Амударёнинг юқори оқими бўйлаб, ўнг қирғоқда жойлашган Хўжа-Гулсуар манзилгоҳидан сув транспорти орқали келтирилган. Бу ерда қадимги сангтарошлар топган йирик оҳақтош кони мавжуд.

Чингиз-тепа 2 ёдгорлиги кириш йўлагини археологик тадқиқоти топилмаларини Термиз Археология музейига олиб келиш ва топшириш, заҳира фондларига жойлаштириш, илмий ўрганиш, чизмаларини тайёрлаш, фотосуратга олиш, ҳисобот тайёрлаш 2018 йилдаги илмий тадқиқот мавсумида амалга оширилди. Шу билан бир қаторда ўтган археологик тадқиқотлар даврида очиб ўрганилган ва консервация қилинган Чингиз-тепа 2 ёдгорлигининг асосий кириш йўлагига кетма-кет жойлашган олтита бўсага-остонани ўрганиш даври этирилди.


Улардан биринчи остонанинг икки томонида ҳам оҳақтошдан ташкил топган тош блоклари жойлашган. Қазишманинг бу қисми қайтадан очилиб, тозаланди, диққат билан кузатиш ва ўлчов ишлари олиб борилди. Натижада саройга кириш йўлагининг бошланиш қисмида ётқизилган остона иккита тош блокдан иборат бўлиб, блоklar оҳақтошдан йўнилганлиги, узунлиги 3,05 м, максимал кенлиги 45 см ва максимал қалинлиги 37 см эканлиги аниқланди. Тош блоklarнинг ораси қалинлиги 2-3 см. ганч қоричма билан бириктирилган.



1-расм. Термиз қадимда ва ўрта асрларда



2-расм. Чингизтепа. Умумий кўриниши



3-расм. Чингизтепа

Шундан кўриниб турибдики, бу улкан тош бўлаклари ягона бир бутун бўлган. Бу блоklar тупроққа аралашиб ётган тош бўлаклари устида турибди.

Тош блоklarнинг гарбий чеккаси юмшоқ тупроқдан тозаланганда унинг ўрта асрлар хумдонининг шарқий томони билан чегараланганлиги аниқланди. Бу улкан тошнинг қуйи қисмининг тузилиши аниқланмади. Бу тош блокининг ҳар икки бурчида эни 45 см бўлган квадрат тош плиткалар жойлашган. Тош плиткаларнинг юқори қисмида эни 8 см чиқадиган чуқур “Г” - образли “йўлакча” қилинган. Бу йўлакча тош узунлиги ва эни бўйлаб махсус мослама сифатида ўймакорлик услубида йўниб олинган. Бундан ташқари




4-расм. Чингизтепа 2



5-расм. Коридор



6-расм. Коридор. Дарвоза ўрни



7-расм. Ойхонум ёдгорлигидаги дарвоза ўрни



8-расм. Коридор бошидаги тош блоклар



9-расм. Коридорнинг чап томонидаги тош блоклари

тош плиткалардан сўнг юза қисмининг диаметри 22-24 см чиқадиган нотўғри шаклда тош блоклари жойлашган.

Остона сифатида фойдаланилган иккита тош плиталарнинг марказий қисми одамлар кўп ўтиб қайтганлари учун емирилиб, силликланиб қолган. Тош остонанинг икки чети бронза кронштейн (тутқич)нинг емирилиши натижасида бузила бошлаган. Дарвозанинг ҳар икки табақаси мана шу бронза тутқичларга маҳкамланиб, юқорида эслатилган иккита чуқурчага ўтказилган. Тош остона икки томонидаги айлана чуқурчалар эса махсус ўрнатилган ёғоч устунлар учун мўлжалланган.

Бундан ташқари бу ўтиш жойининг атрофида турли диаметрга эга бўлган айлана уралар мавжуд. Улар саройга кириш йўлагидан қайта фойдаланганликларидан дарак беради.

Остонадан шарқий томонда 2,7 м ораликда кириш йўлагининг икки томонида ҳам перпендикуляр ҳолатда деворларнинг пойдеворлари кўришиб турибди.

Кириш йўлагидан шимоли-гарбда катта ўра жойлашган. Ундан галла сақлашда фойдаланишган. Мазкур ўралар билан юқорида қайд этилган ўрта асрлар кулолчилик хумларни битта даврга оид. Чунки ҳар иккаласи ҳам қадимги давр гиштларини қирқиб олиш натижасида барпо этилган. Остонада ўрнатилган оҳактош эса хом гиштлилар билан битта даврга оид.


Ёдгорликнинг қўйи қисмидаги қурилиш даври эллинистик давр билан боғлиқ. Худди шу қурилиш даврининг хом гиштларининг ўлчами дастлабкиларида томонлари 47 см. ни, сўнгиларининг ўлчами 38 см. га тенг.

Чингиз-тепа саройида йўлакнинг бошланишида қўйилган тош бўсага учинчи қурилиш даврига тўғри келади. Сарой даставвал эллинистик даврга оид бўлган. Тош остонадан 1,20 м. дан сўнг йўлакнинг эни 1,70 м. гача қисқариб борган. Сўнгра тош остонадан 2,50 м. дан сўнг иккинчи остона бошланади. Иккинчи остона яхши сақланмаган икки қатор пишиқ гиштлидан иборат. Гиштлиларнинг эни 25 см. ни ташкил этади. Бу гиштли остонадан сўнг йўлак кенгайиб эни 3 м. га этади. Коридорнинг бу қисмининг узунлиги 2 м. ни ташкил этади.

Коридорнинг мазкур қисмида оҳактошдан барпо этилган бир неча тош блоklar деворларнинг ёнида бир-бирига қарама-қарши ҳолатда курсилар сифатида жойлаштирилган. Уларнинг бу тарзда жойлаштирилиши худди кутиш залларидаги курсиларни эслатади. Тош блоklarнинг баландлиги 50 см, узунлиги 2 м. гача этади. Уларнинг безатилган томонлари ва профиллари ўтиш йўлаги бўйлаб жойлашган. Тошларнинг безатилиш услуби ва нафис йўнилганлиги уларнинг эллинистик мактаб моҳир усталари томонидан ишланганлигидан дарак беради. Лекин мазкур архитектура безаклари иккинчи марта декоратив ҳолатда эмас, балки фақат саройга кириш йўлагининг курсилари сифатида ишлатилганлигини гувоҳи бўламиз (9-расм).

Бу тош блоklarининг сони 10 тани ташкил этади. Улардан бири баланд рельефли бўлиб, акант безакли фризда, жуда нафис ишланган тош блокидир. Иккитаси вертикал ҳолатда турадиган устунлар, бошқа бирининг тўрт томони ҳам рельефли тўғри чизиқлар билан безатилган. Биз бу ерда эллинизм даврининг маҳобатли саройини безатиш учун ишлатилган архитектура декорациясининг бир қисмига дуч келдик, холос (11-расм). Улар ўзининг барча томонлари билан Афғонистондаги Кўкча дарёнинг Окс-Амударёга қуйилиш ҳавзасида жойлашган Ойхонум топилмалари билан бир хилдир (7-расм).


Face supérieure



Profil longitudinal



Profil transversal (sans encoche)



Profil transversal (avec encoche)



Echelle 1/10e

S. de Pontbriand. 2018

10-расм. Тош блок чизмаси

Бу ердан топилган иккинчи муҳим илмий факт шундан иборатки, мазкур безатилган тош блоklar ёдгорликдаги маҳобатли саройнинг дарвозасини безатиш учун мўлжалланган бўлсада, уларнинг иккинчи мартаба ишлатилганлиги эса ўз функциясидан чиқиб кетганлигини кўрсатади.

Аслида дарвоза Ойхонум ёдгорлигидагидек классик формада қурилган бўлиб, Сосонийлар даврида вайрон этилган. Айниқса, қушон даврида тикланган антик давр маданиятининг сосонийлар томонидан вайрон этилиши архитектура безаклари ва ҳайкалтарошлик намуналарининг, буддизм даври маданиятининг эрони зардуштийлар томонидан тарих саҳнасидан туширилиши, деб ҳам ҳисобланади (Кошеленко, 2006. С. 19-20). Бўлмаса, бу топилмалар одамлар юрадиган йўлакнинг тагига жойлаштирилмаган бўларди (12-расм). Йўлакда жойлаштирилган тош блоklarнинг айримларини одамлар юрадиган қисмида 5 см. гача емирилиш кузатилади. Улар учта қурилиш даври полсаҳнларининг тагида кўмилиб қолган.


Археологик қазишмалар орқали аниқланган хронологик диаграмма шаҳар ва унинг қадимги саройи ҳақида жуда қизиқарли маълумотларни беради. Биз фақатгина саройнинг шу қисми ҳақида, яъни сарой ва унинг маҳобатли дарвозасининг вайрон бўлишини қаттиқ ер силкиниши ёки милодий III асрнинг охири чорагида сосонийларнинг Бактрияни босиб олиши даврига тўғри келишини эслатиб ўтмоқчимиз. Бундан ташқари, биз муҳим бир фактни илгари сурмоқчимиз. Эски Термиз ўрнида, яъни Окс-Амударёнинг ўнг қиргогида юнон-македонларнинг шаҳри мавжуд бўлган. Бу шаҳар Ойхонумга нисбатан анча қадимийдир. Сарой йўлагига келгусида давом эттириладиган



11-расм. Коридорнинг ўнг томони. Тош блоklar



12-расм. Катитель




13-расм. Кушон даври ишиоти

MAFOuz de BACTRIANE
 EMPLACEMENT DES GROTTES BOUDDHIQUES A L'ANCIENNE TERMEZ



14-расм. Эски Термиздаги ер ости ишиотлари. Аэрофото
 MAFOuz de BACTRIANE 2018
 TERMEZ - Bâtiment Kouchan



15-расм. Кушон ишиоти ер ости горларининг қирқими

тадқиқотлар бизга мана шу каби янги муаммоларни ечишга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Эски Термиз шаҳристони мудофаа девори яқинидаги Кушон иншооти қазилмалари.

Бу ҳудуддаги археологик тадқиқотлар 2016 йилдан бошлаб амалга оширилмоқда. Жорий йилдаги илмий тадқиқот ишларининг дастлабки икки кунини Термиз давлат университети талабаларининг дала амалиётида археологик тадқиқотлар методикасига қаратилди. Амалиётчи талабаларга археология назарияси, стратиграфия ҳақида ва дала тадқиқотлари даврида мудофаа деворларининг структураси ва археологик объектларнинг жойлашган ўринлари ва топографик планлари билан яқиндан таништирилди.



16-расм. Антик давр. Алтарь. Шаҳристон



17-расм. 1. Вима Такто. Кушон иншооти. 2. Тош тугмалар. Кушон иншооти

Кейинги вақтларда археологик тадқиқотлар Кушон даври иншоотининг жануби-шарқий ва марказий қисмларида давом эттирилди. Ўтган йилги мавсумларда бу ерда иккита ер ости горсимон хоналар топилган эди. Мазкур ер ости хоналари турли планларда материк-қумтош қатламни йўниш натижасида барпо этилган. Уларга кириб чиқиш қулай бўлиши учун қадимги меъморлар зиналар қилишган (13-14—расм).

Бундай ер ости горсимон иншоотларини ўрганишни экспедиция аъзолари 1993 йилдан бошлаган эдилар. Натижада, Ҳаким ат-Термизий макбарасининг шимоли-шарқий қисмидан шундай иншоотлардан ўндан ортиги ўрганилган. Бу иншоотларни ўрганиш эрамининг бошларида Бактрияда кенг тарқалган буддизм дини ва маданиятининг янги саҳифаларини очишда қўл келди.

Бундай ер ости ва ер усти буддавийлик иншоотлари Эски Термизнинг шимолий томонида жойлашган Қоратепа ва Фаёттепа ёдгорликлари орқали ҳам ўрганилган (Пидаев, 2011. 16-б.; Аннаев, 1997. 5-б.; Ботиров, Аннаев, 2007. 3-б.).

Кушон даври ер ости иншоотлари.

Бу ер ости иншооти Эски Термиздаги биз билган иншоотлардан ўзининг чуқурлиги, иккита хонаси борлиги ва жуда яхши сақланиб қолган олтига токчаси билан фарқ қилади. Унга тўққиз пиллапояли зинадан кирилади. Улардан кўп фойдаланилганлиги учун емирилиб турли шакл ва нотўғри кўринишга келиб қолган. Бу ҳолат ер ости иншоотидан узоқ давр фойдаланилганлигини тасдиқлайди.

Иншоотнинг биринчи хонасида табиий материкдан иккита устун йўнилган. Хона 2,45x3,18 м. ни ташкил этади. Хонанинг пол саҳнидан 1 м баландликда деворга ўйиб ишланган тўртта чуқурча мавжуд. Бу токчасимон чуқурчалардан роҳиблар чироклар ва терракота санамларини кўйишда фойдаланилган. Мутахассислар бу чуқурчаларда қора туннинг излари кўринмаганлиги учун ундан ҳеч қандай сизиниш мақсадларида фойдаланилмаган, деб хулоса чиқаришмоқда. Хонанинг жанубий деворида эшикнинг икки томонида яна шунда иккита токча жойлашган (14-расм).

Иншоотнинг иккинчи хонасига кириш йўлагининг бўйи 2,15 м. ни ташкил этади. Унинг бир томони очилиб ўрганилмоқда. Деворининг бир томони 1,6 м. ни ташкил этади. Экспедициянинг муддати тугаши муносабати билан қазиш ишлари кейинги йилда давом эттирилиши учун иншоотлар консервация қилинди.

Иншооти тўламида кузатилган сопол буюмлари, турли терракотик ҳайкалчалар ва тангалари билан юечжи ва кушон даврлари ҳақида маълумот беради (16, 17-расм.). Бу топилмалар келгусида кушон даври иншооти ва унинг бу давр мудофаа девори билан алоқасини ўрганиш учун тадқиқотларни кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда. Бу муаммоларнинг ечимини топиш учун ўрта асрлар мудофаа девори ва кушон иншооти оралигида эни 2 м ва узунлиги 25 м. га етадиган траншея қазиш мўлжалланмоқда. Ундан кутиладиган натижа Термизнинг кушон даврига оид шаҳарининг шарқий чегараларини аниқлаш ва стратиграфик маълумотларга эга бўлишдир.

Иншоотнинг марказий қисмида жойлашган диаметри 2 м. ни ташкил қиладиган қабр кушон даврига оид кўплаб сопол буюмлар, иккита бош суяги ва одам скелетининг бошқа қисмлари топилди. Суякларнинг нотўғри жойлашуви ва уларнинг тўлиқ эмаслиги кейинги даврда бунга ўхшаш қабрлар ўгирланганлигини кўрсатади. Қабрнинг таг қисмидан буддавийлик ер ости иншоотининг зиналари аниқланди.

Зина пиллапоялари жорий йил қазишмалари орқали ўрганила бошланди. Бундан ташқари иншоотга киришдаги зинанинг юқори қисмида ёйсимон шаклдаги пиширилган плиткаларнинг атрофи тозаланди.

Бундан ташқари, Эски Термизнинг ўрта асрлар шаҳристони мудофаа деворининг тузилиши ва унинг кушон даври билан боглиқлигини ўрганиш мақсадида ўтган мавсумдаги қазиш ишлари мазкур қисмда ҳам давом эттирилган эди. Термиз шаҳрининг мудофаа иншоотлари кушон подшолиги давридаёқ шаклланганлиги ва бу давр шаҳри шарқий ҳудудлар томон кенгайиб борганлиги ҳақида илмий мунозаралар мавжуд (Хмельницкий, 2000).

Шаҳристон мудофаа деворининг гарбий қисмидаги бир неча буржлар тозаланди ва уларнинг пойдевор қисми пахса блокларидан, юқори қисми пахсадан барпо этилганлиги қайд этилди. Мудофаа иншоатининг емирилиб кетган шарқий йўналишдаги қисмлари тозаланди. Бу ердан кўплаб сопол буюмларнинг синиклари тўпланди. Бундан ташқари бу ҳудуд тасодифий материалларга ҳам бой эканлиги тасдиқланмоқда. Эски Термиз қалъасига яқин ҳудуддан оҳактошдан ясалган ва ўймакорлик услубида безатилган алтар топилди. У ўзининг безатилиш услуби билан худди Кампиртепа ёдгорлигидан топилган алтарга ўхшайди. Биз бу ёдгорликнинг эллинистик ва кушон даврига оид эканлигини таъкидламоқчимиз. Бу топилма Термиздан учраган биринчи ва ягона алтардир (15-расм).

Бундан ташқари, Кушон даври иншоотининг яқинидан юқори қатламдан Кушон подшоларидан Вима Такто даврида (80-105 йй.) зарб этилган танга топилди (16-расм). Бундай ҳолат ўрта асрлар шаҳристонининг ҳудуди кушон подшолиги давридаёқ мудофаа девори билан ўраб олинганлигини тасдиқлайди (Хмельницкий, 2000. С. 32).

“Бақтрия экспедицияси”нинг янги миссияси шимолий Бақтриянинг Юнон-Бақтрия ва Кушон даври шаҳарларининг шаклланиши ва унинг ривожланиш этапларини археологик ёдгорликларни ўрганиш натижасида кўплаб янги илмий маълумотларни юзага чиқишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу борада Чингиз-тепа ёдгорлигида олиб борилган археологик илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Бу тадқиқотлар бир томондан Чингизтепа саройи Амударё-Окснинг ўнг қиргогидаги Шимолий Бақтриянинг эллинистик маркази эканлиги исбот этилди.

Тўпланган археологик материаллар ва янги илмий хулосалар шаҳарнинг Александр Македонский давридан Чингизхон босқинига қадар бўлган давр хронологиясига аниқлик киритди. Ойхонум ва Эски Термизнинг қадимги саройларидан топилган архитектура декорлари ва саройнинг акантлар билан безатилиши Бақтрия эллинизм маданиятининг янги хусусиятларини очиб берди.

Иккинчи томондан бундай безакли архитектура деталлари эллинизм Бақтриясининг бошқа ҳудудларидан топилмаган. Худди шу топилма 300 йилдан сўнг Канишка даври меъмор усталарини руҳлантирган, Афғонистоннинг Сурх-котал ибодатхонасидан Д. Шлюмберже томонидан топилган “ой учун безатилган стол” безакларини айнан такрорлайди (Leriche, 1997. P. 11).

Шундай қилиб, бизнинг бу топилмамиз 1963 йилда Бақтриянинг юнонлар даври пойтахт шаҳарларидан бири Ойхонумдан топилган Коринф маданияти намуналари билан илмий жиҳатдан аналогия қилиниши Ўрта Осиё эллинизм даври археологиясида йирик

илмий воқелик ҳисобланади. Бу ҳолат Эски Термиз қадимги Бактриянинг эллинизм ва умуман антик даврнинг доимий пойтахт шаҳри бўлганлигидан дарак беради.

Шунинг учун Эски Термиз ҳозирги пайтда қадимги Бактриянинг Ойхонум ва Бактра шаҳарлари каби ўрганиб бўлмайдиган шаҳарлар сирасига кирмайди. Бу шаҳарнинг қадимги тарихи ва маданиятини ўрганиш учун унда, нафақат илмий тадқиқотларни янгилаш, балки бу тадқиқотларни кенгайтириш имконияти мавжудлигини эътироф этмоқчимиз. Биз қадимги Бактриянинг эллинизм ва Кушон даври билан боглик бўлган бадий ва амалий санъати тарихини ўрганишда янги саҳифаларни очамиз. Бу регион Ўрта Ер денгизи мамлакатлари билан Ҳиндистон ва Хитойни боғлаб турадиган асосий йўл устида жойлашган Ўрта Осиёнинг муҳим савдо-хунармандчилик марказларидан бири ҳисобланган. Бошқа томондан қадимги Термиз Бактр тарих саҳнасида чиққунига қадар Кушон империясининг ва Ўрта Осиё буддизмининг бешиги, кейинчалик ислом дини ва маданиятининг тарқалишида пойтахт шаҳарлардан бири сифатида муҳим ўрин эгаллаган.

Экспедициянинг барча топилмалари, жумладан архитектура ва ҳайкалтарошлик намуналарининг бўлаклари ҳам музейнинг заҳира фондларига жойлаштирилди. Бу топилмаларнинг айримлари тўғрисидаги маълумотлар нашр этилганлиги учун музейнинг экспозицион залларидан ўрин олган ва туристларга намойиш этилмоқда.

2018-2019 йилги экспедиция даврида Франция илмий тадқиқотлар марказининг кўмагида Бактрия экспедициясининг 1993-2011 йилларда топилган сопол буюмлари Термиз Археология музейига кўчириб ўтказилди ва рўйхат асосида музейнинг заҳира фондида жойлаштирилди. Бу материалларнинг қолган қисми 2012-2016 йилларда Чингиз-тепа 2 (кириш йўлаги)да олиб борилган тадқиқотлар ва Кушон даври иншооти ҳамда шахристон мудофаа деворида олиб борилган қазилмалар натижасида қўлга киритилган бўлиб, улар ҳам музейга келтирилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Аннаев Т.Ж. Ҳақим ат Термизий ҳаёти ва ижоди. Тошкент, 1997.
- Ботиров И., Аннаев Т. Фаёз-тепа буддавийлик монастири. Тошкент, 2007.
- Кошеленко Г.А. В защиту Александрии Маргианской // История древнего мира и средних веков. Археология. Вып. 24. Москва-Магнитогорск, 2006.
- Пидаев Ш.Р. Ўзбекистонда буддавийлик ва буддавий мерос. Тошкент, 2011.
- Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия—Тохаристан. Ташкент, 1990.
- Хмельницкий С. Между кушанами и арабами. Архитектура Средней Азии. Берлин-Рига, 2000.
- Leriche P. Termez antique et médiévale // La Bactriane au carrefour des routes et des civilisations de l'Asie Centrale. Termez et les villes de Bactriane-Tokharistan. Actes de colloque de Paris, 2011.

САЗОҒОН - 3 НЕОЛИТ МАКОНИ

Зарафшон воҳаси, нафақат Ватанимиз сарҳадлари, балки Ўрта Осиё микёсида кишилиқ тарихи тош асри жамоалари моддий маданиятини ўрганишда истиқболли ўлкалардан бири ҳисобланади. Буни кейинги йилларда воҳада тош асрининг яқунловчи босқичи ҳисобланган неолит даври ёдгорликлари тадқиқотларининг кўлами яққол кўрсатмоқда. Хусусан, СамДУ археологик экспедицияси томонидан Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағри Сазогон неолит ёдгорликлари тадқиқоти давом эттирилди (Жангал 1, Тепакул 3) ҳамда қатор янги ёдгорликлар (Тепакул 4, Лолаб, Қорақамар, Очилгор) кашф этишга эришилди. Ёдгорликлар қазилмалари жараёнида қўлга киритилган катта ҳажмдаги археологик манбалар таҳлили асосида Сазогон маданиятининг ўзига хос хусусияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тутган ўрни аниқлаштирилди (Холматов, 2012. Б. 17-20; Холматов, 2018. С. 16-21; С. 35-39). Қуйи Зарафшон воҳасида Ўзбекистон-Польша, Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедициялари томонидан Оёқогитма ёдгорлиги ўрганилди (Брунет, Хужаназаров, Хошимов, 2012. С. 118-125; Hoshimov, 2017). Ёдгорлик қазилмаларида қўлга киритилган материаллар асосида калтаминор маданиятининг хронологияси ойдинлаштирилди. Айни кунда, Самарқанд давлат университети археологик гуруҳи томонидан Сазогон-3 неолит маконининг тадқиқоти давом эттирилмоқда. Мазкур ёдгорлик 2017 йили аниқланиб, унда иккита қазилмада тадқиқот ишлари бажарилган ва қизиқарли маълумотлар қўлга киритилган (қаранг: гуруҳнинг 2017 йилги илмий ҳисоботи). Сазогон 3 ёдгорлигида 2018 йили тадқиқотлар амалга оширилмади, 2019 йил ёзида эса бу тадқиқот давом эттирилди.

Маълумки, Сазогонсой Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ёнбағридаги йирик сойлардан бири бўлиб, унинг воҳасида бу сарҳадда ўрганилган ва ўрганилаётган тош асри ёдгорликларининг асосий қисми жойлашган. Сазогон 3 неолит макони ҳам шу жумладан ҳисобланади. Сазогон 2 маконидан Сазогонсой бўйлаб чамаси 500-550 метр юқорида сойнинг чап ён террасасида тадқиқ этилаётган ушбу макон жойини маҳаллий аҳоли Ўрта тумшук (Турк қишлови) деб аташади. Террасасининг майдони сатҳи тахминан 80x130 метр ўлчамда бўлиб, у сой сатҳидан 20-25 м юқорида турибди (1-расм).

Жорий йили Сазогон 3 маконида 2017 йилги археологик мавсум жараёнида тугалланмай қолган 2-қазилманинг шимолий-гарбий қисмини кенгайтиришга қарор қилдик ва 3x7, яъни 21 м квадрат майдон сатҳини белгилаб олдик. Қазилмамиз В, Г, Д - 1 -7 квадратлардан иборат бўлиб, унда 1,6 метр горизонтгача чуқурликда маданий қатлам текширувдан ўтказилди. Қазилма тадқиқоти жараёнида қизиқарли археологик манба, ашёлар тўплами қўлга киритилди. Хусусан, қазилмалар жараёнида аниқланган

стратиграфик маълумотлар жуда муҳим бўлди (юқоридан пастга қараб): 1. Ер устки сатҳ қисми, чимли қатлам (қалинлиги – 2-3 см); 2. Майда ўлчамли тош бўлаклари учровчи қум заррачали саргимтир рангли тупроқли қатлам (қалинлиги 27-39 см); 3. Чегаралари унчалик аниқ бўлмаган оқимтир рангли майда қум заррачали тупроқли қатлам (қалинлиги 33-49 см); 4. Чигил тошли, оқимтир рангли тошли қаттиқ қатлам (қалинлиги 37-71 см); 5. Майда шагал тош бўлаклари учровчи нисбатан қорамтир рангли, қум заррачали қаттиқ тупроқли қатлам (қалинлиги – 36-43 см).

2019 йилда макондан топилган ашёвий манбаларни (улар ҳаммаси бўлиб 350 га яқин) қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) Тош буюмлар коллекцияси; 2) Сопол буюм парчалари; 3) Ҳайвон суяги қолдиқлари.

Тош буюмларни типологик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1. Тошни йўниш, қурол яшаш билан бевосита алоқадор бўлган тош буюмлар; 2. Ишлов берилмаган парақалар; 3. Ишлов берилмаган отшеплар; 4. Парақалардан ясалган қуроллар; 5. Тош учриндиларидан ясалган қуроллар; 6. Қайроқтош қуроллар ва бўлаклари. Тош қуроллар коллекциясидаги қайта ишлов берилмаган буюмлар қисмини, асосан, тошни йўниш жараёнида учиб кетган ишлаб чиқариш чиқиндилари ташкил этади. Бу учриндилар аниқ бир шаклга эга эмас. Тош буюмлар тўплами унчалик катта эмас (61 дона).


Сазогон 3 неолит ёдгорлиги тош буюмлари типологик жиҳатдан таҳлил этилди. Тип листи яратилди (1-жадвал). Тўплам таркибидаги тош буюмларнинг типологик жиҳатдан таҳлилининг натижаси қуйидагича: Тош ўзаги ва тошни йўниш билан боғлиқ бўлган предметлар - 2 дона (1 дона кварцдан ясалган); ишлов берилмаган тош учириндилари - 7 дона; ишлов берилмаган парақа ва микропарақалар - 3 дона; Ишлов берилган парақалар ва микропарақалар - 23 дона: елка қисмининг иккала ён томони бўйича ишлов берилган парақалар - 2 дона, елка қисмининг бир ён томони бўйича ишлов берилган парақалар - 11 дона, астар қисмининг бир ён томони бўйича ишлов берилган парақалар - 3 дона, ён томонлари бўйича қарама-қарши ҳолатда ишлов берилган парақалар - 1 дона, уч кесим қисми бўйича ишлов берилган парақалар - 1 дона. Парақанинг устки кесим қисмида иш майдонига эга бўлган қирғичлар - 2 дона, Архаик кўринишга эга бўлган энли парақалар - 2 дона. Ён томонларига турлича ишлов берилиб иш майдони ҳосил қилинган тош учириндилари 8 дона бўлиб, улар ҳам турмушда турли функцияларни бажарган. Турли иш майдонига эга бўлган қирғич қуроллари 3 дона, понасимон қуроллари 1 дона, қайроқтош қуроллари 5 дона бўлиб, уларга яхши ишлов берилган. Тўпламда 8 дона кварц тош буюми ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилигида ишлов берилганлиги излари сақланган. Тош қуролларининг типологик таҳлилига кўра Сазогон 3 ёдгорлиги тош индустриясининг характери Сазогон маданияти ёдгорликлари тош индустриясига мос (2, 3, 4-расмлар). Тош ўзаги ва тошни йўниш билан боғлиқ бўлган предметлар - 2 дона бўлиб, улардан бири кварцдан ясалган. Буларда ишлов берилганлик излари яққол кузатилади. Шунингдек, йирик ўлчамли 3,8x3,9 см. ли учирмадан ясалган қирғич қуроли ўз шакли ва ишлов берилиши усуллари билан мезолит қуролларига ўхшаш. Бу қурол кулрангли чакмоқтошли сланецдан ясалган. Ён қирраларига эзиш усулида яхши ишлов берилган, баъзи қарама-қарши ҳолатда ишлов берилганлик излари ҳам кузатилади. Устки қисмида кичик ўлчамли учирмалар учириб олинганлиги излари жуда яхши кўриниб турибди. Тош қуроллари тўпламида жигаррангли чакмоқтош ва чакмоқтошли сланецдан

Сазогон 3 неолит ёдгорлиги тош буюмлари типологияси (тип лист)


Тош буюмлар типлари	
Ишлов берилмаган учириндилар	7
Ишлов берилмаган парақалар:	3
Шу жумладан микропарақалар	1
Тош ўзаклари	2
Призмасимон	2
Тошни йўниш билан боглик бўлган тош буюмлари	1
Жами	13
Пайрақалардан ясалган қуроллар:	23
Елка қисмининг иккала ён томони бўйича ишлов берилган парақалар	2
<i>Шу жумладан, микропарақалар</i>	-
Елка қисмининг бир ён томони бўйича ишлов берилган парақалар	11
<i>Шу жумладан, микропарақалар</i>	-
Астар қисмининг иккала ён томони бўйича ишлов берилган парақалар	-
<i>Шу жумладан, микропарақалар</i>	-
Астар қисмининг бир ён томони бўйича ишлов берилган парақалар	3
<i>Шу жумладан, микропарақалар</i>	-
Ён томонлари бўйича қарама-қарши ҳолатда ишлов берилган парақалар	1
Ён томонлари тўбаланиб ўтмасланган ҳолатда ишлов берилган парақалар	-
Уч кесим қисми бўйича ишлов берилган парақалар:	1
<i>Қийшиқ ҳолатда</i>	
<i>Тўғри ҳолатда</i>	1
Геометрик шаклдаги қуроллар: трапеция	-
Ён қирралари бўйича ишлов берилган чуқурчаларига эга бўлган парақалар	1
<i>Шу жумладан, микропарақалар</i>	-
Парақанинг устки кесим қисмида иш майдонига эга бўлган киргичлар	2
Тешгич қуроллар	-
Ковургасимон парақалар	-
Архаик кўринишга эга бўлган энли парақалар	2
Жами	23
Учириндилардан ясалган қуроллар:	
Турли иш майдонига эга бўлган киргичлар:	3
<i>Жумладан, тик иш майдонига эга бўлган киргичлар; дисксимон киргичлар, тирноқсимон микроқиргичлар</i>	-
Турли ён томонлари бўйича иш майдонларига эга бўлган учириндилар	8
Понасимон қуроллар	1
Рандасимон қуроллар	-
Икки ён томони бўйича ишлов берилган ўқ- ёй учлари	-
Тешкич қуроллар	-
Кескич қуроллар	
Қайроқтош қуроллари бўлаклари	5
Плиткасимон киргич қуроллари	-
Ёрғучоқлар	-
Икки юз қисми силлиқланиб иш майдони ҳосил қилинган болта қуроли	-
Микро чоппер қуроли	-
Йирик ҳажмли ушаткич қуроли, бўлаклари	
Кварц	8
Жами	25
ЖАМИ	61




1-расм. Сазогон 3 макони. Умумий кўриниш



2-расм. Сазогон 3. Учирмадан ясалган тош қуроллар



3-расм. Сазогон 3. Паїрақадан ясалган тош қуроллар



4-расм. Сазогон 3. 1,2,3- Қайроқтош қуроллари ва бўлақлари, 4,5-тош ўзаклари

ясалган пайрақа қуроллари ҳам характерли бўлиб, улар ўз шакли ва ишлов берилиши услублари билан Сазогон, Қуйи Зарафшон воҳаси неолит жамоалари қуролларига айнан ўхшаш (Виноградов, 1981. С. 56-59; Гулямов, Исломов, Аскарлов, 1966. С. 25-28; Джуракулов, Холматов, 1991. С. 33-38; Холматов, 2008. Б. 67-71). Таъкидлаш жоизки, бу йилги тош қуроллари тўпламида ишлов берилган ёки ишлов берилмаган чакмоқтошдан ясалган бутун ҳолатдаги пайрақаларнинг сони кўпчиликини ташкил этади ва улар сифатли чакмоқтошдан ясалган ва ўлчамлари йирик. Айниқса, икки ён қирраси бўйича яхши ишлов берилган пайрақа қуролларининг топилиши макон соҳиблари моддий маданияти ўзига хослигини аниқлашда аҳамиятли ҳисобланади. Халцедондан ясалган учирма қуроллари ҳам илмий қимматга эга ва ўзларида мезолит, неолит даври жамоалари тош қуролларига хос хусусиятларни шакли ва ишлов берилиши техникасида мужассамлаштирган.

Шунингдек, тўпландаги қайроқтош қуроли ва қуроллари бўлақлари ҳам макон тош индустрия характерини аниқлашда аҳамиятли ҳисобланади. Йирик ўлчамли ва бутун ҳолатдаги қайроқтош қуроли ўз функцияси бўйича юмшоқ ушатгичлар типига киради. Уч қисми иш майдони ва ён қирраларида ишлатилганликдан қолган изларини ўзида мужассамлаштирган. Юқорида келтирилган тош қуролларнинг типологияси бўйича маълумотлар Сазогон 3 макони тош индустриясининг ўзига хослигини, характерини белгилайди. Тош қуроллари ўз ясаиш шакли, ишлов берилиши усуллари ҳамда турмушда бажарган функциялари, ҳам ашёси бўйича Сазогон неолит ёдгорликлари қуролларига ўхшаш. Тош буюмлар тўпламида чакмоқтош, чакмоқтошли сланец, халцедонлардан ясалган, яхши ишлов берилган учиринди қуролларнинг кўплиги Сазогон 3 ёдгорлиги тош индустрияси учириндили-пайрақали индустрия эканлиги ва у Ўрта Осиё тоғ минтақаси мезолит-неолит жамоалари моддий маданиятига тегишлилиги ҳақида хулосага келиш имконини беради. Сазогон 3 ёдгорлиги тадқиқотида қўлга киритилган кўп сонли сопол идишлар парчалари, асосан юқори қатламлардан топилган бўлиб, улар тарихий тараққиётнинг кейинги давларига, яъни ўрта асрларга тегишли идишларнинг парчалари ҳисобланади. Ўз хамирининг таркиби, идиш деворларининг юпқалиги, ранги бўйича санокли тарзда топилган сополлар неолит даврига оид бўлиши мумкин. Шунингдек, қазилма жараёнида кўплаб ҳайвон, қисман паррандалар суяк қолдиқлари топилган. Улар мутахассислар томонидан таҳлил этилиши назарда тутилган. Сазогон 3 ёдгорлиги 2019 йилги қазилма ишлари жараёнида қўлга киритилган археологик ашёлар, маълумотларга таяниб, қуйидаги илмий хулосаларни келтириш мумкин:

1. Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағри Сазогонсой ён террасасидан Сазогон-3 маконининг топилиши, мазкур ҳудуд тош асри жамоалари моддий маданиятини ўрганишда ўта истиқболли ўлка эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

2. Сазогон-3 макони тадқиқотида қизиқарли тош буюмлар тўплами қўлга киритилди. Тош қуролларининг типологик таҳлили натижалари бу макон тош индустриясининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва уни Сазогон неолит маданияти ёдгорликлари турқумига киритиш имконини берди.

3. Сазогон 3 ёдгорлиги тадқиқотини келгуси йилги археологик мавсумда давом эттириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Брунет Ф., Хужаназаров М., Хошимов Х. Новые данные к хронологии Кельтеминарской культуры в Узбекистане (VII-IV тыс. лет до н.э) // ИМКУ. Вып. 38. Самарканд, 2012.
- Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т. XIII. М., 1981.
- Гулямов Я.Г., Исломов У.И., Аскарлов А.А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. Ташкент, 1966.
- Джуракулов М.Ж., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. Ташкент, 1991.
- Холматов Н.У. Ўзбекистон неолит даври жамоалари моддий маданияти. Тошкент, 2008.
- Холматов Н.Ў. Сазогон маданиятига оид янги археологик манбалар хусусида // СамДУ ахборотномаси. №2. Самарканд, 2012.
- Холматов Н.У. Неолит Узбекистана: проблемы и перспективы // Наука и мир. Международный научный журнал. № 4 (56). Волгоград, 2018.
- Kholmatov N.U. The neolithik of middle Zerafshan river // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. №11(67), Philadelphia, USA, 2018.
- Hoshimov H.B. The Neolitik of Central Asia // 6 the International congress of Eurasian archeology Eurasian Prehistory Bursa. Izmir, Turkey, 2017.

М. Хўжаназаров*, Ф. Брунет**,
Ҳ. Хошимов*, Г. Даветян**

ЎЗБЕКИСТОН-ФРАНЦИЯ “ЗАРАФШОН НЕОЛИТ ДАВРИ” ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ 2018-2019 ЙИЛЛАРДА ОЛИБ БОРГАН АРХЕОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАРИ

Ўзбекистон-Франция “Зарафшон неолит даври” халқаро археологик кўшма экспедицияси аъзолари ўзларининг дала қидрув ва амалий ишларини 2018 йилда ҳам давом эттирдилар. Ўтган йиллардаги хисобатларимиз ва мақолаларимиздан маълумки, бу экспедициянинг дала қидирув ва қазишма ишлари Ўзбекистон-Польша кўшма халқаро экспедициясининг 1995-2004 йилларда олиб борган изланишларининг давоми хисобланади. 2005 йилда Ўзбекистон-Француз тош даврининг ўрганиш гуруҳи марказий Қизилкум худудидан тортиб то ўрта ва куйи Зарафшон худудда қидирув ишларини олиб боришга келишиб олдилар ва уни бугунги кунда давом эттирмоқдалар (Хужаназаров, Шимчак, 2003. С. 190-196; Хужаназаров, Брунет, Шимчак, 2006; Хужаназаров, Брунет, 2010).

Экспедиция аъзоларининг бу йилги изланишларидан асосий мақсади ва вазифаси Зарафшон дарёсининг ўрта қисми, ўнг ва чап қирғоқларидаги қадимги тош даврига оид ёдгорликларни излаб топиш ва уларни хариталарни тузиш, ўтган йилларда топилган ва лабораторияга олиб келинган археологик топилмаларни қайтадан кўриб чиқиш, уларни тартибга солиб ҳар томонлама ўрганишдан иборат бўлди.

Режага асосан Зарафшон дарёсининг ҳар иккала қирғоқларида Самарқанд шаҳри атрофларидан Тожикистон Республикаси чегара худуди Панжикентгача бўлган жойларда археологик ва геоморфологик изланиш ишлари олиб борилди. Бу изланишлар давомида биринчи мартаба геоархеологик фан услуги қўлланилди (1-расм). Бунинг учун аввало бу жойларнинг хариталари синчиклаб ўрганиб чиқилди ва улар сунъий йўлдош олинган фотосуратлар билан солиштириб кўрилди. Шундан кейин, янги хариталар тузиб чиқилди ва уларни рақамли нусхалари яратилди. Ана шунга асосан археологик ва геоморфологик жиҳатдан кейинги ўрганишларга мойил бўлган жойлар танланди. Маълумот берувчи нукталар ГИС программаси асосида хариталарда белгиланиб борилди. Мутахасисларни фикрча, бу нукталарни жойлашган ўринларини 2 см аниқлик атрофида харитага жойлаштириш мумкин. Изланишларимиз давомида маҳаллий аҳолидан сўраб суриштириш орқали археологик ва тарихий маълумотларни йиғишга ҳам ҳаракат қилдик. Натижада, бир қанча жойлардан кейинги даврларга оид бўлган тарихий ёдгорликлар борлиги аниқланди ва улар харитага киритилди.

Бундан ташқари бу ерларнинг ҳозирги кундаги табиий географик жиҳатлари ўрганилди. Маълум бўлишича дарё ўзани ва унинг атрофлари инсонларнинг ўзлаштириш

ишларини олиб борганликлари учун бутунлай ўзгариб кетган (2-расм). Баъзи бир тарихий манбаларда қайд қилинишича, қадимда дарё қиргоқлари тўқайлардан иборат бўлган, лекин ҳозирги кунда улар деҳқонлар томонидан ўзлаштириб олинган. Кўп эски ёдгорликлар дала ҳудудларида қолиб кетган, баъзилари эса бутунлай бузилиб кетган. Неолит даври охирлари ва бронза даврига тааллуқли бўлган ва бундан 20-30 йил илгари харитага киритилган Тўқай, Жуков ёдгорликлари (Аванесова, 1994. С. 21) дарё қиргоқларни ўпирилиб тушиш оқибатида бугунги кундаги ўзан тагида бутунлай қолиб кетган. Шундан келиб чиққан ҳолда, дарёнинг ҳар иккала қирғоқларидаги археологик, геологик, гидрогеологик ҳолатларини қадимги даврда қандай кўринишга эга бўлганлигини кўз олдимишга келтириш учун уларни хариталарда акс эттиришга ҳаракат қилдик.

Маълумки, кўшни Тожикистон Республикаси ҳудудидаги Саразм маданияти ёдгорликлари геоморфологияси археолог ва геоморфологлар томонидан ҳар томонлама ўрганилиб чиқилган. Бу жойлар табиий ландшафти Ўзбекистон Республикаси томонидаги ландшафт билан бир хил бўлгани сабабли, ҳар иккала жойлар геоморфологиясини янги тузилган хариталар асосида солиштириб чиқиш ишлари олиб борилди.


Бу вазифаларни ўрганишдан олдин экспедиция аъзолари геоморфолог Г. Давтян бошчилигида архив материаллари ва адабиётлар билан танишиб чиқишди. Шунга асосан библиографик ва топографик маълумотлар йигилди ва янги ДТМ электрон шакллари ишлаб чиқилди. Шундан кейин бу ерларни қадимги гидрогеологик маълумотлари пайдо бўлди. Тожикистонда олиб борилган изланиш ишлари билан бу ерлардаги ўрганишлар боғланди. Шундай қилиб бизни олдимишда яна янги изланишларга чорловчи манбалар пайдо бўлди. Улар тўрт қисмдан иборат:

- 1) Археологик манбаларга геолокация тузатишларни киритиш.
- 2) Аҳоли яшаш жойларини тавсифлаб, уларни қадимги даврлар билан солиштириш.
- 3) Ёдгорликлардаги маданий қатламларда ёгингарчиликларни идентификация қилиш.
- 4) Бугунги кунгача харитага туширилмаган ўрта аср ёдгорликларни аниқлаш.

Шуни айтиш лозимки, бу ёдгорликлардан археологик топилмалар йигилмади ва бу борада изланиш ишлари олиб борилмади.

Изланишларимиз давомида Зарафшон дарёсининг ўнг ва чап қирғоқидан геoarхеологик хронологияси учун тўрт нуқтасидан тупроқ намуналари олиниб Францияга, яъни Париж лабораторияларига юборилди. Бундан олинган натижалардан Зарафшон дарёсининг қадимги қатламларидаги террасаларини идентификация қилишда, уларни геоморфологик ва палеогидрологик ҳолатларини ўрганишда фойдаланилади. Ундан ташқари ер қатламларидаги геологик боғланиш элементларини билиб олишга эришилади. Эрозия қатламларни қандай пайдо бўлганлиги асосланади ва тектоник ўзгаришларнинг пайдо бўлиши аниқланади.

Оқдарёнинг ўнг ирмоғи қирғоқларида олиб борилган изланишларимиз натижасида Пайариқ тумани, Дўстлик фермерлар уюшмаси ҳудудларидан жануб томон йўналаган Ингичка, Сапар, Маймон, Қирали ва Тутлисойлардан бир қанча ўрта асрларга тааллуқли ва ҳар хил даврларда тошларга уриб чўкичланган қоятош расмлари археологик ёдгорликлари борлиги илк мартаба аниқланди ва уларни хариталари тузилди. Бу сойлар географик жойлашуви жиҳатидан Ингичка қишлоғининг шимолий-ғарбий ва шимолий-шарқий қисмларида денгиз сатҳидан 676-720 м баландликларда жойлашган (3-расм).



1-расм. Ўрта Зарафшон воҳасини 2017-2018 йилларда геoarхеологик ўрганилиши харитаси



2-расм. Зарафшон дарёси ландшафтини ҳозирги кўриниши



3-расм. Ингичкасой қоятошларининг жойлашishi



4-расм. Соғ қоятошларини синдириб олиб кетилиши кўринишлари



5-расм. Қоятош расмлардан намуналар



6-расм. Қоятош расмлардан намуналар

Сойлар асосан булоқ сувларидан тўйинади, уларнинг икки ён томонида кўплаб булоқ ва жилгалар жойлашган. Улар баҳор ойларида серсув бўлиб, сойга оқиб тушади. Ёз бошланиши билан уларнинг сувлари жудда камайиб кетади ва ҳатто кўпчилиги бутунлай қуриб қолади. Бу ҳол албатта атроф муҳитга ва экологияга ўз таъсирини ўтказди. Ана шу табиат ва антропоген сабаблар таъсирида, бугунги кунда бу ерларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси жуда камбағаллашиб қолган. Лекин, бу ерлардан топилган археологик ёдгорликлар ва шу жумладан қоятош расмлари бир пайтлар бу сойлар ва уларнинг атрофлари табиий жиҳатдан анча бой бўлганлигини, аجدодларимиз ундан унумли фойдаланганлигини кўрсатиб турибди. Бу фикрни археологик кузатишларимиз натижалари ҳам исботлайди.

Сойларнинг қоятошлари ҳам шу атрофдаги дара тошлари каби сланец, оҳақтош ва майда заррали кумтошлардан ташкил топган. Мана шу қоятошларнинг текис сатҳларига қадимги рассомлар томонидан асосан тош ва метал асбоблар билан уриб-чўкичлаш, ўйиш, ишқалаш ёки тирнаш ва кесиш техникалари асосида кўплаб тасвирлар ишланган. Лекин, бу тошлар бугунги кунда узоқ ва яқин қишлоқ аҳолилари томонидан қурилиш анжомии сифатида (пойдевор кўтариш мақсадида) синдириб олиб кетилмоқда. Улар бу ишлари билан тарих саҳифаларини учираётганликларини ўйлаб ҳам кўришаётгани йўқ. Биз бу ҳақда маҳаллий давлат ва вилоят тарихий ёдгорликларни кўриклаш ходимларига маълум қилдик. Агар бу бузғунчилик ишларини бугун тўхтатиб қолмасак, кейинги авлодлар олдидаги бурчимизни бажара олмаймиз (4-расм). Расмларнинг асосий қисми сойларнинг ўнг қиргоғи қоя тошларига ишланган. Бундай ҳолат Нурота тоғларидан топилган деярли барча қоятош ёдгорликларига хосдир (Хужаназаров, Холматов, 2012. 12 -бет). Чап ирмоқ қоя тошларида ҳам қоятош расмлари учрайди, лекин улар ўнг ирмоқ расмларига нисбатан камчиликни ташкил этади.

Қоятошларида турли мазмундаги расмларининг учраши киши диққатини ўзига жалб қилади. Улар шу ерда қадимдан яшаб келган аждодларнинг маънавий-маданий ҳаёти, санъати, диний эътиқоди, кундалик турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик ҳаёти билан боглик бўлган тасвирларидан иборатдир. Расмларининг турлари ҳам хилма-хилдир, яъни қояларга одам, бука, тоғ эчкиси, архар, жайрон, буғу, ёввойи чўчка, бўри, ит ва тулкиларни расмлари уриб чўкичланаган (5-расм). Ундан ташқари қояларда бир ёки икки ўрқачли туя, от, сигир, эчки, геометрик белгилар - ромб, куёш рамзи бўлган айлана, ёй, араб, кирилл алифбосида битилган ёзувлар ва тушунарсиз ёки чала қолдирилган расмлар кўплаб учрайди (6-расм). Шулар билан бир қаторда, қояларга турли мавзудаги манзарали композициялар ҳам чизилган. Улар орасида тоғ эчкиларига, бугуларга йиртқич ҳайвонларнинг човут солаётгани, овчиларнинг улар орқасидан таъқиб қилиб камондан ўқ узаётгани, сарбонлар етакчилигида олис сафарга отланган туялар қарвонини ва отини елдириб кетаётган чавондозларнинг тасвирлари жуда жонли қилиб ифода этилган.

Қоятош расмлари қадимги рассомлар томонидан узоқ даврлар мобайнида нақшдор безакли, соя, контур ва оддий схематик услубларда ишланган. Уларнинг қуёшда куйиш даражаси хилма хил бўлиб, баъзи бир расмларнинг сирти жуда қорайиб кетган, яна бирлари ёрқинроқ даражада қорайган ва бошқалари эса қучсиз қорайган. Бундай ҳолат тасвирларнинг хронологик ёшини аниқлашда қисман бўлсада ёрдам беради. Маълумки, қоятош расмларининг мазмун ва турлари, ишланиш техникаси ва услуби, қуёш нурида

куйиши ва сақланиш даражаси каби ҳолатлардаги ўзаро фарқлар уларнинг турли даврларга оид эканлигини кўрсатади. Юқоридагиларни эътиборга олиб, бу сойлардаги қоятош расмларини учта йирик тарихий даврларда: илк темир (сак-скиф), илк ва кейинги ўрта асрларда уриб чўкичланган, деган фикрни илгари суришга имкон беради. Албатта улар устида олиб бориладиган кейинги изланишларимиз уларни ёшларини аниқлаштиради деган умиддамиз.

Олиб борилган тадқиқотларимиз давомида бу сойлар ва унинг атроф ҳудудлари комплекс ўрганилиб, инсоният тарихий тараққиётининг турли даврларига тегишли эски мозорлар ҳамда қадимги қишлоқ харобаси ва турар жой қолдиқлари борлиги қайд этилди. Уларнинг ён атрофлари синчиклаб ўрганилиб, бир қанча сопол парчалари йигиб олинди. Бу моддий ашёлар шу соҳа мутахассислари билан биргаликда текшириб ўрганилди ва уларнинг милодий III-VII ва XVI-XIX асрларга оид эканлиги аниқланди.

Инсоният ўтмиш тарихини ўрганишда қадимги қоятош расмлар қимматли тарихий ҳужжатдир. Улар биз тарихчиларга ўша давр инсонларининг нималар ҳақида ўйлагани, теварак дунёни қай йўсинда тасаввур этгани қайси ҳайвонларни ов қилгани, қандай меҳнат қуроллари ва қурол яроғлардан фойдаланганини билиб олиш ва тушунишимизда ёрдам беради.

Изоҳлар

*ЎЗР ФА Миллий Археология Маркази

**CNRS—Франция Миллий тадқиқотлар Маркази

Фойдаланилган адабиётлар:

- Аванесова Н.А. Тугайное - горнометаллургическое поселение эпохи бронзы Зарафшана // История и перспективы развития горнорудной промышленности Средней Азии. ТД. Худжанд, 1994.
- Хўжаназаров М., Брунет Ф. Оёкогитма ёдгорлигида олиб борилган археологик ишлар ҳисоботи // Самарқанд, 2010.
- Хўжаназаров М.М., Холматов А.Н. Қорақиясой қоятош ёдгорлиги тадқиқотларидан // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. №37. Тошкент, 2012.
- Хужаназаров М.М., Шимчак К. Работы Узбекско-Польской археологической экспедиции на памятнике Аякагитма в 2002 г. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2002 й. Самарқанд, 2003.
- Хужаназаров М.М., Брунет Ф., Шимчак К. Археологические исследования Узбекско-Французской экспедиции на памятниках Кызылкумов // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2004-2005 йиллар. 5 сони. Ташкент, 2006а.
- Хўжаназаров М., Брунет Ф., Шимчак К. Оёкогитма ёдгорлигида олиб борилган археологик ишлар ҳисоботи // Архив Института археологии АН РУз. Ф. 3, О.1, Д. 167. Самарқанд, 2006.

М. Хўжаназаров, М. Кот, К. Шимчак,
К. Павленок, Г. Павленок, А. Холматов

ЎЗБЕКИСТОН-ПОЛЬША-РОССИЯ ТОШ ДАВРИ ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ 2018-2019 ЙИЛЛАРДА ОЛИБ БОРГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон-Польша-Россия қўшма халқаро археологик тош даври экспедицияси ўз дала қидирув ва амалий ишларини 2018-2019 йилларда Оҳангарон дарёсининг ўнг ирмоқларида жойлашган палеолит даври ёдгорликларида давом эттирдилар (Деревянко и др., 2016. С. 51-54; Павленок и др., 2017. С. 186-189).

Маълумки, Оҳангарон дарёси водийси Ўзбекистон ҳудудидаги археологик ёдгорликлари билан машҳур бўлган жойлардан бири ҳисобланади. Бу хавзадан тарихимизнинг турли даврларга оид бўлган жуда кўп ёдгорликлар топилган. Уларнинг орасида тош даврига оид бўлган маконларнинг кўплиги бу ҳудуднинг Марказий Осиёда палеолит даври маданий хронологик ривожланишини кузатиш ва ўрганишда катта аҳамиятга эгадир (Касымов, 1967. С. 54; Касымов, 1977. С. 50). Мана шунинг учун ҳам қўшма экспедиция аъзолари бир неча йиллардан буён ушбу хавзада илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Ушбу халқаро экспедиция аъзоларининг 2018-2019 йиллардаги изланишлардан асосий мақсади ва вазифаси қуйидагича: биринчидан, Каттасой 1, 2 ёдгорликларида олиб борилган кўп йиллик қазишма ишларини поёнига етказиш; иккинчидан, ҳали ўрганилмаган сойларда, айниқса Эрташсойда дала қидирув ишларини олиб бориш ва янги маданий қатламли ёдгорликларни топиш; учинчидан, институт лабораториясига кўп йиллардан буён Оҳангарон водийсидаги Кўлбулоқ ва бошқа тош даври ёдгорликларидан олиб келинган археологик топилмаларни тартибга солиш, уларни илмий жиҳатдан ўрганиш, ҳамда бу натижаларни нашрга тайёрлашдан иборат бўлди. Ушбу режа асосида Оҳангарон дарё водийсининг бир қанча ҳудудларида ва ЎЗР ФА Миллий археология Маркази лабораториясида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди (1-расм).

Ўтган йиллардаги ҳисоботларимиз ва мақолаларимиздан маълумки, бу экспедициянинг дала қидирув ва қазишма ишлари Ўзбекистон-Россия-Бельгия қўшма халқаро экспедициясининг 2007-2011 йилларда олиб борган изланишларининг давоми ҳисобланади (Колобова, Фляс, Деревянко, Павленок, Исламов, Кривошапкин, 2013. С. 2-25). 2012 йилдан бошлаб бу гуруҳга Польшанинг Варшава Унверситети археологлари қўшилди ва улар айнан шу ҳудудда дала археологик қидирув ишларини олиб боришга келишиб олинди ва уни бугунги кунда давом эттирмоқдалар (Kot at all., 2014. P. 88).

Бу экспедиция ўз ишларини 2013 йилдан буён Ангрен шаҳрининг шимолий қисмида бўлган Янгиобод шаҳри атрофидаги Каттасой ёнбағрларидан топилган ёдгорликларда олиб бормоқда (Каттасой-1 ва Каттасой-2). Каттасой маконлари 2006 йилда археологик

кидирув ишлари натижасида топилган. Бу ердаги тоғ ландшафти делювиал тоғ жинсларидан ташкил топган. Ҳар иккала жойдаги қазилма қатламларида келиб чиқиши жиҳатидан бир хил бўлган, бир қанча тош артефактлар (ўзакдан ушатиш артефактларни бир-бирига мос келиши (ремонтаж)) борлиги аниқланди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, қатламларда энг қадимги ёки кейинги давр ётқизиқларининг йўқлиги топилмаларнинг ҳаммаси бир комплексга ва бир даврга хослигидан дарак беради ҳамда тошлар технологиясини қайта кўриб чиқиш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Бу даврда Каттасойда яшаган одамлар тошлардан артефактлар олишда технологик жиҳатдан текис ушатиш услубидан фойдаланилганлиги қазилмалар давомида маълум бўлди. Бундай услуб, ушбу ўрганилаётган регионда ҳозирги кунгача археологлар томонидан кузатилмаган эди. Бу ўз навбатида худуд учун катта янгилик бўлди. Услубнинг асосий хусусияти тош ўзагининг ишчи юзаси шаклини, ҳамда унинг ишчи қираларини тайёрлашдан иборатдир. Умуман олганда, тошни синдиришда қўланилган бу технологик услуб леваллуа технологияси билан жиддий ўхшаш эканлигини намойиш этади. Ушбу технологик хусусият ҳамда Каттасой топилмалари орасида ўрта палеолит даврига хос (қирғич, пайконлар) артефактларнинг мавжудлиги Марказий Осиёнинг гарбий томонларидаги ўрта палеолит, мустъе давридаги ривожланиш тизими тармоқларига тегишли бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Топилмалардаги бундай ўхшашликлар, бу ёдгорликларда келажакда қўшимча қазилма ишларини ҳамда тадқиқотларни ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Каттасой-1 тош даври маконида олиб борилган тадқиқотлар натижасида 106 дона тош артефактлар мажмуаси қазиб олинди (2-расм). Уларнинг ярми, яъни 55 донаси синган ёки яроқсиз ишлаб чиқариш чиқинди тошларидан иборат. Шулардан 13 донаси параха, 38 донаси синиқ тошлардан ташкил топган. Шунингдек, 3 дона иш излари бўлган қайроқ тош чиқиндиси ҳам бу мажмуага киритилган. Бу тўпلامда йўнилгилар, учриндилар, ўзаклар ва пластиналар мавжуд бўлиб, улардан уч донаси тош қуроли ҳисобланади (3-расм).


Шунингдек, 2018 йил Каттасой-2 маконида олиб борилган ишлар натижасида эса 46 дона тош артефактлари қазиб олинди (4-расм). Улардан уч донаси устки тупроқ ётқизиқлари орасидан, 28 таси юқори маданий қатламдан, 11 донаси пастки маданий қатламдан ва 4 донаси ер ости ҳайвонларини уя қазилма натижасида аралашиб кетган қатламдан топилди. Ер устки тупроқ ётқизиқларидан топилган 3 та артефакт (2 та учринди, 1 та пластинка синиги) Каттасой-2 макони маданий қатламларидан топилган артефактлардан фарқ қилмайди, бизнинг тахминимизча кейинги даврларда бу ерда олиб борилган хўжалик ишлари натижасида (қувурлар ётқизиш) улар бу қатламга тушиб қолган. Юқори маданий қатламнинг энг юқори қисмидан 2 дона майда суяк ва битта сопол синиги чиқди. Шу қатламдан топилган 25 дона тош топилмаларнинг 13 таси учринди, 11 таси пластина ва 1 таси парахадан иборат. Учринди синиқлари ўзаклар ва уларнинг қирраларини тайёрлаш жараёнида пайдо бўлган. Топилмаларнинг 5 донасида, яъни 3 дона учринди ва 2 дона пластинада иккинчи ишлов бериш аломатлари борлиги аниқланди. Шу билан бирга, 3 та йўнилги синиқларида ҳам ретушланган ҳолатлар кузатилди.

Пастки маданий қатламдан эса 11 дона тош артефактлари қазиб олинди (5-расм). Бу йўнилги синиқларининг барчаси ўзакларни таёрлаш жараёнида пайдо бўлган. Йўнилгилар индустриясида 5 дона учринди, 3 дона учринди пластинка, 2 дона пластина ва 1 дона пайкон бор. Қурол сифатида бир дона учринди қирғич топилди.

Шундай қилиб, 2018 йилда Каттасой-2 маконинг 2а ва 3б маданий қатламларида қазилар олиб борилди. Натижада, улар бир-биридан ажратиш олинди. Уларнинг хронологик санаси тахминан ўрта ва сўнги палеолит даврларига тааллуқлиги эканлиги аниқланди. Мана шу маданий қатламлардан ўша даврга тааллуқли чиганоклар ҳам топилди ва уларни илмий жиҳатдан ўрганиш учун лабораторияга юборилди. Бундан ташқари бу ўрганилган маданий қатламлардан хронология учун палеомагнит намуналар олиниб, чет эл лабораторияларига юборилди.

Экспедиция ишлари давомида бу ҳудуд харитаси яна синчиклаб ўрганилди, натижада, ҳали кўп ирмоқларда изланиш ишлари олиб борилмагани маълум бўлди. Бу сойлар ўз ландшафтларининг тузилиши жиҳатидан илгари ўрганилган жойлардан фарқ қилмайди ва палеолит даври ёдгорликлари борлигига умид бағишлайди. Шунинг учун янги қидирув ишлари 2018 йилги мавсумда Эрташсой ва унга туташ бошқа сой дараларида олиб борилди. Натижада, палеолит даврига оид бўлган бир нечта тош топилмалар топилди. Уларнинг орасида Эрташсойнинг чап қирғоқларидан топилган тош ашёлар кейинги изланишларни давом эттириш учун бу ҳудуднинг ўзига хос истикболи эканлиги кўрсатди. Шу жиҳатдан, 2019 йили айнан мана шу ҳудудда археологик қазилар ишлари ва дала қидирув тадқиқотлари олиб борилди.

Эрташсой дарасининг ўрта қисми ландшафти, дарё этаги ёки қўйилиш қисмидаги жойларга нисбатан соз тупроқли чўқиндиларга бойлиги билан ажралиб туради. Тупроқ қалин бўлганлиги сабабли уларнинг кўп жойлари мавсумий қор, ёмғир сувларининг оқиши жараёнида ювилиб кетган ва бу сув оқимлари катта-кичик ариқ ва жарликларни ҳосил қилган. Биз ўрганаётган жойда ёзнинг энг иссиқ пайтида ҳам сув қуриб қолмайди, бу эса ўз навбатида бу жойларда қадимдан одамлар яшашига имкон бўлганлигини кўрсатади. Палеолит даври маконларининг бу ерда бўлиши эҳтимолдан холи эмаслиги бу ердаги эффузив тоғ жинсларининг кўп эканлигидан ҳам билиб олса бўлади. Чунки, худди шундай тоғ жинсларидан Каттасойдаги ва Дукентсойдаги палеолит даври одамлари фойдаланганлиги бизга у сойларда олиб борган изланишларимиздан маълум. Хусусан, бизнинг Эрташсойдаги қазилар учун танланган ҳудудимизнинг олтига жойидан палеолит даврига оид бўлган артефактлар топилди. Уларни бир-биридан ажратиш учун тегишли равишда Эрташсой 1-6 деб номладик (6-расм). Эрташсой-1 шу сойнинг чап қирғоғи қиялигидаги йўл кесишган манзилда жойлашган бўлиб, бу ердан тош даврига тааллуқли бир дона катта ўлчамдаги тош қурол синиги топилди. Эрташсой-2 эса сойнинг ўрта қисмида қишлоқ йўлининг чап қирғоғида жойлашган. Бу манзилдаги ер сиртидан 24 дона тош топилмалар йиғиб олинди. Уларнинг орасида уч хилдаги тош ўзаклар (нуклеуслар), 16 дона тош қурол синиқлари, 4 дона аниқланиши қийин бўлган, лекин суний синдириш излари бўлган тош парчалари ва бир дона сопол парчаси (сопол, шубхасиз бу тошлар мажмуасига алоқадор эмас) бор. Биринчи ўзак тош (нуклеус) леваллуа техникаси қуроллари олиш учун ишлатилган (расм. 2, 1). Қолган иккитаси бир майдончалик, тўппатўғри йўналтирилган ўзаклардан (нуклеуслар) иборат. Уларнинг биринчиси пластинкалар, иккинчиси учириклар ва пластиналар олиш учун ишлатилган. Иккинчи ўзак тош биринчисидан пастки қисмида ёрдамчи уриш майдончаси борлиги билан фарқланади. Бу ердаги тош артефактлар бир дона пластина, икки дона ўткир учли пайкон (остриё), тўққиз дона учиринди ва тўрт дона пластина учириндилардан иборатдир. Уларда асосан радиал ва бир йўналишли қирралар мавжуд, баъзан тўғри бурчакли, қисқа




○ Куйбулак


○ Каттасай-1,2

○ Эрташсай 1-12

1-расм. Оҳангарон дарё водийсидаги Куйбулак, Каттасой-1,2 ва Эрташсай ёдгорликлари харитаси




2-расм. Каттасой-1 ёдгорлиги тош топилмалари



3-Расм. Каттасой-1 ёдгорлиги тош қуроллари



4-расм. Каттасой-2 ёдгорлиги тош топилмалари




5-расм. Каттасой-2 ёдгорлиги тош топилмалари



● Эрташсай-1 ● Эрташсай-2 ● Эрташсай-3 ● Эрташсай-4 ● Эрташсай-5 ● Эрташсай-6

6-расм. Эрташсой соҳилларидан топилган ёдгорликлар кўриниши



7-расм. Эртиссий ёдгорликлари тош топилмалари



8-расм. Қизилдара қоятош расмлари

йўналишли қирра ҳам учрайди. Зарб майдончалари асосан бир ёки иккиталидир. Бу артефактлар қурол шаклида бўлсада қурол қилиб ишлатилмаган. Топилмаларнинг ҳаммаси бу ердаги кўпчиликни ташкил этган эффузив тоғ жинслари ва қайроқтошларданмас, балки чакмоқтош (кремний) ғурраларидан тайёрланган. Демак, қадимги одамлар чакмоқтошдан қурол яшаш аҳамиятини яхши тушунишган (7-расм).

Ҳажми жиҳатидан унча катта бўлмаган ер сатҳи худудидан анча мунча палеолит даври артефактларининг топилиши ер тагида ҳам топилмалар бўлишидан хабар беради. Бу ҳолат ана шу жойларда қазилма ишларини олиб боришга асос бўлади. Ана шуни аниқлаш мақсадида бу майдонларда учта археологик – шурф қазилма ишлари олиб борилди. Уларнинг майдони қияликни барча қисмини эгалаб олиши учун, бир-бирлари устки қисмларидан қазилди. Қияликнинг ўрта ва пастки қисми (1-2 шурфга мос равишда) келиб чиқиши делювиаль ётқизиклардан бўлган ва ҳеч қандай бошқа қўшимчаларсиз бўлган бўш кумоқ тупроқдан, морфолигик жиҳатидан ўрта палеолит даврига оид тош артефактлари топилди. Бу топилмаларнинг ташқи кўриниши қиялик юзасидан топилган артефактлар кўринишига мос келади. Бундай мослик уларни қатламларда ёки ундан ташқарида бўлишидан қаътий назар, айнан бир даврда ва уйғунликда пайдо бўлганлигидан хабар беради. Қияликдаги учинчи шурф қазилмасида мадний қатламлар ва археологик ашёлар топилмади. Бу эса археологик ашёларни тарқалишини билвосита маълум бир жойга ҳослигини кўрсатади. Эрташсой-3 сой водийсининг ўнг қиргогидаги баланд майдонлигида жойлашган. Ҳозирги вақтда бу ерлар деҳқончилик ишлари учун фойдаланилади ва кўп жойлар шудгор қилиб ташланган. Шу сабабли, қадимги топилмалар бу ерларда жуда кам, фақат бир нечта жойда айрим ҳолдаги чакмоқтош синиқлари ва бўлаклари топилди. Тош артефактлари билан бир қаторда бу худудда кўпгина ҳар хил даврларга оид бўлган сопол парчалари борлиги ҳам аниқланди.

Эрташсой-4 деб номланган нукта сойнинг чап қирғоқда жойлашган бўлиб, у сойга оқиб тушаётган кам сувли ирмоқнинг чап томонидан топилган. Бу ерда тупроқ ювилиши натижасида устки қисми очилиб қолган жойдан 9-дона тош артефактлари топилди. Шу кичик ирмоқнинг ўнг томонида Эрташсой-2, 5 ва 6 нукталари ҳам жойлашган. Бу нукталардан тош даврига оид 9-дона учриндилар ва пластинкали учриндилар топилган. Уларнинг 3-донаси чакмоқтошдан ясалган. Шу чакмоқтошдан ясалган пластинкали учриндида, қуролларда кузатиладиган энгил иккиламчи ишлов бериш излар кўриниб турибди.

Эрташсой-5 нуктасидан бир дона учринди топилмаси топилди ва у Эрташсой-2 нуктаси жойлашган қияликни юқориги қисмида қишлоқ йўли ёнида жойлашган.

Эрташсой-6 нуктаси ҳам Эрташсой-2 дан унча узоқ бўлмаган жойда бўлиб, бу ердан олти дона тош даври артефактлари топилди. Улар маҳаллий эффузив жинслардан ва чакмоқтошдан ясалган ва шу қишлоқ йўли ўтказилганда очилиб қолган тупроқ юзасида қолган. Бу топилмаларнинг энг муҳим томонларидан бири нозиклик билан ишланган пластинкаларнинг чакмоқтошлардан ясалганлигидир. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, бу худудга одамлар сўнгги палеолит даврида кўпроқ жойлаша бошлаган.

Эрташсойда олиб борилган илмий изланишлар жараёнида маҳаллий аҳоли орасида ҳам бир қатор археологик сўров ишлари олиб борилди. Бунинг натижасида Эрташсойнинг шимолий қисмларидаги Қизилдаранинг баъзи қоятошларида петроглифлар борлиги аниқланди. Бу маълумотларни текшириш мақсадида Қизилдарага кичик гуруҳда экспеди-

ция уюштирилди. Бу дара денгиз сатҳидан 2600 м баландликда жойлашган. Гуруҳ аъзолари томонидан ушбу даранинг жанубий ва шимолий ён багирларидаги қоятошлар сиртида минглаб турли тасвирлар борлиги аниқланди. Хусусан, улар орасида одам, турли ёввойи ҳайвонлар ва ҳар хил геометрик белги тасвирлари учрайди. Тадқиқотлар натижасида бу қоятош расмларининг энг қадимгилари жез (бронза) даврига, баъзи бирлари миллоддан аввалги биринчи минг йилликларга ва кейинги даврларга тааллуқли эканлиги тасдиқланди. Шунингдек, бу қоятош расмларининг бир қисми дала шароитида фото расмларга туширилди, баъзиларидан шаффоф қозғаларга нусха кўчирилиб, ҳужжатлаштириб олинди. Аммо, вақтнинг қисқалиги ва расмларнинг кўплиги сабабли, бу тадқиқотлар кейинги йилларда ушбу дара ва унинг атроф ҳудудларидаги сой дараларидаги қоятошларни ўрганиш учун махсус гуруҳ тузиб, бу петроглифларни батафсил ҳисобга олиш ва ҳужжатлаштиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик (8-расм).

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, Ўзбекистон, Польша ва Россия халқаро экспедиция аъзолари 2018-2019 йилларда ўз олдиларига қўйган вазифа ва мақсадларни бажара олди. Бу археологик экспедициянинг муваффақияти ва икки йиллик фаолияти давомида бир қанча янги тош даври ёдгорликлари аниқланиб харитага олинди. Хусусан, ушбу халқаро илмий алоқаларни ривожлантириш бу минтақанинг қадимги ўтмиш тарихида илгари номаълум бўлган кўпгина саҳифаларни очиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Деревянко А.П., Павленок К.К., Павленок Г.Д., Шнайдер С.В., Когай С.А., Лазарев С.Ю., Хужаназаров М. Вариабельность палеолитического комплекса стоянки Кульбулак: индустрия слоя 12.3. // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Т. XXII, Новосибирск, 2016.
- Касымов М.Р. Памятники каменного века в долине Ангрена // Общественные науки в Узбекистане. Вып. 2. 1967.
- Касымов М.Р. Открытие новых памятников палеолита в бассейне Ахагарана // Общественные науки в Узбекистане. Вып. 7. 1977.
- Колобова К.А., Фляс Д., Деревянко А.П., Павленок К.К., Исламов У.И., Кривошапкин А.И. Кульбулакская мелкопластинчатая традиция в верхнем палеолите Центральной Азии // Археология, этнография и антропология Евразии. №2. 2013.
- Павленок К.К., Кот М., Павленок Г.Д., Шнайдер С.В., Шимчак К., Крайцаж М.Т., Крайцаж М., Лазарев С.Ю., Когай С.А., Хужаназаров М., Смирнов Б.М. Палеолитическая стоянка Каттасай-2 на западных отрогах Тянь-Шаня: первые результаты исследований // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Т. XXIII, Новосибирск, 2017.
- Kot M, Pavlenok K, Radzhabov A, Sneider S, Szymczak K. Katta Sai: a Palaeolithic Site in the Tian Shan Piedmont, Uzbekistan, Central Asia // Antiquity. 2014. <http://journal.antiquity.ac.uk/proigall/456>.

Ш.Б. Шайдуллаев, Л. Станчо, О.А. Хамидов,
А. Августинова, Я. Ҳавлик, Ҳ. Ҳавликова,
П. Цейнарова, Т. Вотроубекова, Л. Дамашек,
Т. Бек, М. Кмошек, П. Мах

ЎЗБЕКИСТОН-ЧЕХИЯ ХАЛҚАРО АРХЕОЛОГИК ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ 2018 ЙИЛДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ОЛИБ БОРГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИ

Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедициясининг 2018 йилда Сурхондарё вилоятида олиб борган археологик тадқиқотлари¹ қуйидаги йўналишларда олиб борилди: 2017 йилда Бойсун тоғларида олиб борилган археологик қидирув тадқиқотлари (Stančo et all., 2018. P. 134–157) ни давом эттириш; эллинизм даврига оид янги ёдгорликларни аниқлаш; 2017 йилда аниқланган эллинизм даври ёдгорлиги Искандартепа (Stančo et all., 2017. P. 121–138) да археологик тадқиқот олиб бориш; Бойсун ва Шеробод туманидаги эллинизм даври ёдгорликларида металл аниқловчи мосламаси ёрдамида қидирув олиб бориш; аниқланган нумизматик ва металл топилмаларини консервациялаш.

Бойсун ва Шеробод туманларида олиб борилган археологик қидирув тадқиқотлари.

Бу йўналишдаги тадқиқотнинг асосий мақсади ва вазифалари Александр Македонский даври қалъа ва паноҳгоҳлари, Бактрия ва Сугдиёна тарихий йўлларининг эҳтимолий йўналишлари ва эллинизм даври манзилгоҳларини аниқлашдан иборат эди.

Экспедиция 2014-2016 йилларда Пошхурд ботигини ўрганиш давомида ишлаб чиқилган услуб (Stančo et all., 2015; Stančo 2016) асосида кичик сой ва булоқ атрофида жойлашган микроозисларни ўрганиш билан биргаликда, бунгача маълум бўлган Мунчоктепа (Кофрун қишлоғи), Қапчиғай (Дарбанд қишлоғи), Қўргонзол, Поёнқўргон (Абдуллаев, 1999) ёдгорликлари атрофи ҳам тадқиқ этилди. Шунингдек, кенг миқёсда ГИС хариталари ва сунъий йўлдош суратлари таҳлили ва танланган ҳудудни жойида кузатиш; сопол ва металл топилмаларни йиғиш ва антик муаллифлари асарлари билан қиёсий таҳлил услублари асосида олиб борилди.

Археологик қидирув тадқиқотлари ҳудуди 2017 йилда олиб борилган ҳудудлар кесими асосида жами 9 та ҳудуд ўрганилди:

1. Саримас тоғи.
2. Мачайдарё водийси.
3. Сувсизтоғ.
4. Аламли тоғи.
5. Дарбанд қишлоғи.
6. Сайроб-Работ чўл зонаси.

7. Окрабод-Қопкогли огзи (Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани).


8. Кичик Ўрадарё воҳаси (Белбойли қишлоғи атрофлари, Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани).

9. Панжоб водийси.


Натижада, Саримас тогига Дарбанд қишлоғи орқали чиқиш йўлида кушон-сосоний даври тангалари аниқланди. Бу ҳолат ушбу йўлнинг кушон-сосоний даврида кенг фойдаланилганлигидан далолат беради. Мачай қишлоғидаги илк антик даврга оид ёдгорликдан сополлар олинди, ўрганилди. Мачайдарё воҳасидаги қишлоқ Хўжадахякда аҳамонийлар даври сополлари аниқланди. Сувсизтоғ шарқида олиб борилган тадқиқотларда россиялик археологлар томонидан аниқланган (Dvurechenskaya, 2018 P. 18) Дарбанддан Амударёгача бўлган муҳофаа тизими ўрганилиши белгиланди. Ўрганилган ҳудудда эллинизм даври сополлари аниқланмади. Бу муҳофаа тизимини даврлаштириш масаласи ҳали тадқиқотлар талаб этишини белгилайди. Сайроби қишлоғидан Сувсизтоғга кўтарилган йўлларда ҳам археологик манба қўлга киритилмади. Дарбанд қишлоғида олиб борилган тадқиқотларда олдин аниқланган (Сверчков, 2005. С. 13-14) Қапчигайтепа² ва Султонкултепа³ ўрганилди. Қапчигайтепа қишлоқ шимолидаги кичик тепаликда жойлашган бўлиб, Мачайдарё водийси дарасига кириш йўлидан 250-300 м жануби-шарқда жойлашган. Замонавий йўл ёдгорлик ўртасидан, уни иккига бўлган ҳолда ўтган бўлиб, тепалик тўлиқ замонавий қурилишлар остида қолган. Шу билан биргаликда тепаликнинг гарбий қисмида (110x100 м) жойлашган ҳовлилар ва богда олиб борилган тадқиқотларда археологик манбалар қўлга киритилди. Шарқий қисми майдонининг ўлчами 150x120 м. Ёдгорлик майдонида йиллар давомида олиб борилган қурилишлар ва деҳқончилик ишлари туфайли атрофда кўплаб сополлар чиқишига олиб келган. Унинг шимоли-гарбий кесмасида 2 м қалинликдаги маданий қатламда меъморчилик қолдиқлари кузатилди. Афсуски, ёдгорликнинг ҳовлилар орасидаги оз қисми қазилма олиб бориш учун қулай қисм ҳисобланади. Сополлар мажмуаси ёдгорликни эллинизм даврига оидлигини кўрсатди (*1-расм*).

Дарбанддарёнинг қарама-қарши қирғоғида Султонкултепа ёдгорлигини топиш учун олиб борган кидирувимиз давомида ёдгорлик тўлиқ текисланганлиги аниқланди. Ҳудуднинг ўрганилиши натижасида Султонкултепанинг аҳамонийлар даврига оидлигини белгиловчи (Сверчков, 2005. С. 13) сополлар аниқланмади. Маҳаллий аҳоли томонидан Султонкултепа вазифаси “дудбон” (“тутун тепалиги”, иккинчи шакли “дидбон” форс тожик тилидаги “дидан” феълидан “кузатув тепалиги”) яъни, Дарбанд девори ва Қапчигай орасида ўзига хос хабар узатувчи тепалик эканлиги ҳақидаги фикрлар билдирилди.

Дарбанд қишлоғи гарбида Дарбанд девори жойлашган бўлиб, у уч қисмга бўлинади⁴. Дарбанд деворида олиб борилган кузатишлар давомида 300 дан ортиқ диагностик характердаги, аксарияти эллинизмга хос сопол парчалари аниқланди. Шунингдек, эллинизм даврига оид кўплаб металл буюмлар ва Юнон-Бақтрия тангалари аниқланди. Тадқиқотлар, Дарбанд девори кушон даврида эмас, балки Юнон-Бақтрия подшолиги даврида қурилганлигини кўрсатди. Шеробод воҳасидан Дарбандга, ундан Қашқадарё воҳасига йўналган йўлда Мунчоктепа ёдгорлиги аниқланган бўлиб, ушбу воҳалардаги ҳудудларда янги ёдгорликларни аниқлаш бўйича кидирув тадқиқотлари олиб борилди.



1-расм. Қатчигай ёдгорлиги сополлар мажмуаси



2-расм. Мунчоқтепа I (1-2), Мунчоқтепа II (3-10) ва Даҳансаиҷом (11-13) ёдгорликлари сополлари

Даханаижом кишлогиди аниқланган тепаликда 35 та эллинистик даврга оид сопол ўрганилди (2:11-13-расм). Даханаижом ёдгорлиги⁵ ўлчами 85x44 м , 4-5 м баландликка эга. Майдони 0,35 га, аниқроғи 3492 м². Ёдгорликдан 6 та эллинизм даврига оид танга аниқланди (Антиох I, Евтидем, Деметрий). Янги аниқланган Даханаижом ёдгорлиги жанубда Мунчоктепадан 10,1 км, шимолда Қапчиғайтепадан 8,3 км узоқликда жойлашган бўлиб, Бактрия ва Сугдиёна орасидаги муҳофаа характеридаги иншоот бўлиши мумкин. Истиқболдаги тадқиқотлар натижасида буни аниқлаш имкони бўлади.

Работ кишлогиди ўрганилган Поёнқўргон ёдгорлигида⁶ олиб борилган қидирув тадқиқотлари унинг сўнги эллинизм ва кушон даврига оидлигини кўрсатди (44 та диагностик сопол парчаси ва 4 та танга).

Кофрун кишлогиди 11 та ёдгорлик ва топилма жойлари ўрганилди. Мунчоктепа I ёдгорлиги⁷ В.В. Мокрбородов тадқиқотларида Кушон даврига оидлиги кўрсатилган (Stančo et all., 2019). Экспедиция тадқиқоти давомида аниқланган сопол парчалари ёдгорликнинг (2:1-2-расм). Юнон-Бактрия даврига оидлигини кўрсатди. Мунчоктепа II ёдгорлиги⁸ сой томонидан ювилиши натижасида қисман сақланган бўлиб, катта эҳтимол билан у ҳам эллинизм даврига оид бўлган (2:3-10-расм).

Панжоб кишлогиди аниқланган янги Панжобтепа ёдгорлигида⁹ сополлар, метал шлак ва ёрғучоқ аниқланди, сополлар таҳлили унинг кушон-сосонийлар (мил. III-IV асрлар) даврига оидлигини кўрсатди.

Инкабод, Даштигоз, Пулихоким ва Бодина кишлоқлари олиб борилган кузатувлар натижасида фақатгина Инкабодда ўрта асрларга оид Дунётепа ёдгорлиги¹⁰ аниқланиб, сополлари ўрганилди.

2018 йил апрел ва май ойларида Бойсун ва Шеробод туманларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида 50 га яқин археологик ёдгорликлар ўрганилди. 236 та металл топилма ва 1318 сопол парчаси ўрганилди. Натижада 3 та эллинизм даврига оид янги ёдгорликлар (Даханаижом, Мунчоктепа 1, Мунчоктепа 2) аниқланди. Шунингдек, Бактрия ва Сўгдиёна чегараси Қўхитанг ва Бойсун тоғлари худуди орқали ўтганлиги яна бир бор исботланди. Ушбу худуддаги мураккаб муҳофаа тизими бунга мисол бўлади. Александр Македонскийнинг Бактрия ва Сўгдиёнадаги юришлари тадқиқотчилари томонидан Қопқоғлиогзи, Саримас, Сувсизтоғ ва Қизқўргон худудлари тахминий паноҳгоҳлар деб билдирилган фикрлар археологик топилмалар йўқлиги туфайли тўлиқ тасдиқланмади.

Искандартепа ёдгорлигида олиб борилган қазилма тадқиқотлари. Искандартепа ёдгорлиги¹¹ Шеробод тумани Лойлагон кишлоги яқинида жойлашган бўлиб, ер сатҳидан 20 метр баландликдаги табиий тепаликда жойлашган. Ёдгорлик 2017 йилда олиб борилган қидирув тадқиқотлари давомида Л. Станчо томонидан аниқланган (Stančo et all, 2017). Майдони 9100 м². Ёдгорликда қазилма квадрат услубида олиб борилиб, тадқиқотлар натижасида унинг тошдан қурилган вақтинчалик манзилгоҳ эканлиги аниқланди. Деметрий, Канишка тангалари, кўплаб пайкон топилмалари билан биргаликда антик даври сополлари аниқланди.

Қазилма тадқиқотлари ёдгорлик ва меъморчилик яхши сақланмаганлиги, маданий қатлам 25 см атрофида эканлиги, сополлар мажмуаси эса мил. авв. III-II асрларга оидлигини кўрсатди.

Пошхурт ботиғида олиб борилган қидирув тадқиқотлари. 2018 йилнинг сентябрида Пошхурт-Зарабоғ ботиғидаги Қизилгул қишлоғи ландшафт археологияси асосида интенсив қидирув тадқиқотлари олиб борилиб, ўрганилди. Худуддаги кузатувлар давомида 511 та сопол парчаси аниқланиб, уларнинг аксарияти V-VI асрга оид. Шунингдек, бронза даври, ўрта асрлар даври топилмалари аниқланди. Худуднинг археологик динамикаси ўрганилди.

Кўхитанг тоғ олди худудида кўргон-дахмалар борасида олиб борилган археологик тадқиқотлар. Экспедиция бир неча йиллардан бери Кўхитанг тоғ олди худудидаги кўргон-дахмаларни аниқлаш ва ўрганиш ишларини олиб бормоқда (Stančo et al., 2017; Navlík, Stančo, Navlíková, 2017). Кўргон-дахмалар асосан Бургуттепа, Кайриттепа ёдгорликлари жойлашган Кучук I даврига оид Зарабоғ оазисида кенг ўрганилган. Экспедиция томонидан 2018 йилнинг кузида Кўхитанг тоғ олди худудидаги Лойлагон ва Ғуржак қишлоқларидаги кўргонларда тадқиқот ишларини олиб боришди. Ушбу тадқиқот худудларида аниқланган кўргонлар координаталари ва тавсифлари, фотосуратлари олинди. Мавсум давомида 126 та тош структура кузатилиб, 97 тасида кўргон белгилари кузатилди. Уларнинг 104 таси Лойлагонда, 22 таси Ғуржакда жойлашган. Уларнинг диаметри 6-9 м атрофида бўлиб, баландлиги 0,15-0,8 м. Тадқиқотлар натижасида Лойлагонда тошдан таркиб топган айлана шаклидаги кўргонлар учраса, Ғуржакда тош ва тупроқ аралаш овал шаклидаги кўргонлар кўпчиликни ташкил этиши аниқланди. Истикболда тоғ олди ва дарё воҳалари бўйлаб кўргонларнинг аниқланиши, рўйхатга олинishi, қазишмалар олиб борилиши уларнинг даври ва маданияти бўйича муҳим маълумотларни беради.

Металл топилмалар консервацияси. Матей Кмошек томонидан 12.09.-26.09.2018 санасида 286 та металл (мис, темир, қумуш, олтин) топилмалар тавсифи ҳужжатлаштирилиб, мослама ёрдамида уларнинг кимёвий таркиби ўрганилди. Топилмалар тақинчоқлар, иш қуроллари, шлаклар ва тангалар каби турларга бўлинади. 2017-2018 йилларда аниқланган барча металл топилмалари яқин келажакда каталог сифатида нашр этилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедициясининг 2018 йилда Сурхондарё вилоятида олиб борган тадқиқотлари Бактрия-Тохаристон тарихий вилоятининг археологик жиҳатдан ўрганиш истикболга эга эканлигини кўрсатди. Вилоятнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши келгусида унинг тўлиқ археологик харитаси яратилиши ва ёдгорликлар динамикасини ўрганишга олиб келади.

Изоҳлар

¹ Экспедиция Бойсун тоғларида апрел-май, Шеробод туманида эса сентябр-октябр ойларида ўз тадқиқотларини олиб борди. Экспедиция таркибида Ўзбекистон томонидан Ш.Б. Шайдуллаев (экспедиция бошлиғи), О.А. Хамидов, Чехия томонидан Л. Станчо (экспедиция бошлиғи), А. Августинова, Я. Ҳавлик, Ҳ. Ҳавликова, П. Цейнарова, Т. Вотроубекова, Л. Дамашек, Т. Бек, М. Кмошек, П. Мах иштирок этишди.

² 38.216822 ш.к., 67.031297 ш.у., 1073 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган.

³ 38.212498 ш.к., 67.017227 ш.у. да жойлашган.

⁴ Шимолий қисми - 38.213075 ш.к., 66.972561 ш.у., 1217 м денгиз сатҳидан баландликда, марказий қисми - 38.208658 ш.к., 66.973709 ш.у., 1200 м денгиз сатҳидан баландликда, жанубий қисми - 38.205587 ш.к., 66.976333 ш.у., 1170 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган.

⁵ 38.139941 ш.к., 67.041210 ш.у., 944 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган. Ёдгорликдан 35 та сопол парчаси аниқланди, уларнинг барчаси эллинизм даврига оид.

⁶ 38.159003 ш.к., 67.190708 ш.у., 1067 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган.

⁷ 38.084717 ш.к., 67.248264 ш.у., 823 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган. Ёдгорликдан 45 та сопол парчаси аниқланди, уларнинг 9 таси эллинизм, 10 сўнги ўрта асрларга оид. 26 та парчани даври аниқлаш имкони бўлмади.

⁸ 38.085163 ш.к., 67.249733 ш.у., 821 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган. Ёдгорликдан 49 та сопол парчаси аниқланди, уларнинг барчаси эллинизм даврига оид.

⁹ 38.005073 ш.к., 66.974929 ш.у., 851 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган. Ёдгорликдан 57 та сопол парчаси аниқланди, уларнинг барчаси кушон-сосонийлар даврига оид.

¹⁰ 38.177233 ш.к., 67.284408 ш.у., 1077 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган. Ёдгорликдан 35 та сопол парчаси олинди, уларнинг барчаси сўнги ўрта асрлар даврига оид.

¹¹ 37.920690 ш.к., 66.973576 ш.у., 829 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган.

Фойдаланилган адабиётлар:

Абдуллаев К.А. Эллинистические мотивы в теракотовой пластике Паёнкурганга // ИМКУ. Вып. 30. Самарканд, 1999.

Сверчков Л.М. Археологические памятники Байсунского района // История и традиционная культура Байсуна. Труды БНУ. Вып. 2. Ташкент, 2005.

Dvurechenskaya N. Results of the excavations at the Bactrian Hellenistic fortress of Uzundara (2013–2018) // L. Stančo – G. Lindstrom – R. Mairs – J. Havlík: Seen from Oxyartes Rock. Central Asia under and after Alexander. Book of abstracts of the HCARN 3 conference, 14–16 November 2018. Prague, 2018.

Havlík J., Stančo L., Havlíková H. Kurgans of the Eastern Kugitang Piedmonts: Preliminary Report for Season 2017. Studia Hercynia. XXI/2. Prague, 2017.

Stančo L. Archaeological Survey in the Surroundings of Kayrit (South Uzbekistan), Preliminary Report for Season 2015. Studia Hercynia. XX/2. Prague, 2016.

Stančo L., Shaydullaev Sh., Bendezu-Sarmiento J., Pažout A., Vondrova H. Kayrit burial site (south Uzbekistan). Preliminary report for season 2014. // Studia Hercynia. XVIII/1–2. Prague, 2015.

Stančo L., Shaydullaev Sh., Shaydullaev A., Augustinova A., Havlík J., Cejnarova P. Archaeological Survey in the eastern Kugitang Piedmonts (South Uzbekistan), Preliminary Report for Seasons 2016 and 2017 // Studia Hercynia. XXI/2. Prague, 2017.

Stančo L., Shaydullaev Sh., Augustinova A., Havlík J., Smělý T., Shaydullaev A., Khamidov O., Novák V. Preliminary Report for the Archaeological Survey in the Baysun District (South Uzbekistan), Season 2017 // Studia Hercynia. XXII/1. Prague, 2018.

Stančo L., Shaydullaev Sh., Khamidov O., Augustinova A., Damašek L., Bek T., Kmošek M. In the footsteps of Euthydemus. Preliminary report for archaeological survey in the Baysun District (South Uzbekistan), Season 2018 // Studia Hercynia. XXIII/1. Prague, 2019.

Ш.Б. Шайдуллаев, Ж. Люилье, О.А. Хамидов,
А.Ш. Шайдуллаев, Ж. Бессенай-Пролонг,
Ж.-Б. Каверне, Л. Даррас, З. Хошими

ЎЗБЕКИСТОН-ФРАНЦИЯ ХАЛҚАРО АРХЕОЛОГИК ЭКСПЕДИЦИЯСИНING 2018 ЙИЛДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ОЛИБ БОРГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИ

Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедициясининг 2018 йилда Сурхондарё вилоятида олиб борган археологик тадқиқотлари¹ ўз олдига Шеробод тумани Пошхурт-Зарабог ботиғида жойлашган Кучук I даври Қайрит-Зарабог оазисидagi ёдгорликларни ўрганиш, тоғ олди воҳалари ландшафтини тадқиқ этиш, Шимолий Бактрия Кучук I даври ёдгорликлари харитасини яратиш каби мақсадларни қўйди.

Зарабог-Қайрит оазиси Пошхурт ботиғининг шарқида, Кўхитанг тоғ олди худудида жойлашган. Бу худудда Кучук I даври Ўрта Осиё қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти (ҚЯНСМ) га оид ёдгорликлар гуруҳи жойлашган бўлиб, дастлаб 2014 йилда Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедиция томонидан ўрганила бошланган (Stančo et al., 2014). Қайрит-Зарабог оазисининг муҳимлиги шундан иборатки, бу худуддаги ёдгорликлар денгиз сатҳидан 800-1000 м баландликда жойлашган. Шу кунгача Ўрта Осиёда ўрганилган ушбу маданиятга оид 250 та ёдгорликдан нисбатан баланд, тоғли худудда жойлашганлиги билан фарқ қилади.

Бургуттепа ёдгорлиғида олиб борилган археологик тадқиқотлар. Бургуттепа ёдгорлиғи 2014 йилда аниқланган бўлиб (Stančo et al., 2014), 2015 йилдан археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда (Kyselа et al., 2017; Kyselа et al., 2018). 2018 йилда ёдгорликда 2 та қазишмада тадқиқотлар олиб борилди. Ўтган мавсумларда олиб борилган тартиб рақамига асосан, ушбу қазишмалар ўз навбатида 8-, 9-қазишмалар деб номланди (1-расм).

8-қазишма. Қазишма ёдгорликнинг гарбий қисмида, 2015-2016 йилларда тадқиқот олиб борилган 3- ва 6-қазишмалар оралиғида жойлашган. Қазишмадан асосий мақсад 3- ва 6-қазишмаларни бирлаштириб, манзилгоҳнинг ушбу қисмидаги тўлиқ меъморчиликни ўрганишдан иборат бўлди (2-расм). Қазишма майдони даслаб 200 м² бўлиб, муддатнинг қисқалигини ҳисобга олиб, унинг ярмида (105 м²) тўлиқ қазишма ишлари олиб борилди. Қазишмада 4 та ўзлаштириш даврига оид қатламлар ўрганилди. 1. **Ёдгорлик аҳолиси томонидан ташлаб кетилгандан кейинги давр.** Устки қатлам 15 см юмшоқ тупроқ қатлаmidан иборат бўлиб, тош қуроллар ва сополлар аниқланди. Шунингдек, меъморчилик қолдиқларининг бузилишидан ҳосил бўлган тошлар ва хом гишт парчалари учрайди. 2. **Ёдгорликнинг сўнгги ўзлаштириш даври.** Қатламда пол сатҳи ювилган,


баъзи жойларда ўчоқ излари (8010, 8014²) кузатилади. Сақланган ўчоқ ўрни тошлардан иборат, ўлчами 50x60 см. 3. **Асосий ўзлаштириш даври.** Асосий меъморчилик белгилари ушбу қатламда аниқланди. Ёдгорлик ташқи тош девори бўйлаб, сополлар, пахса бўлаклари ва тошлар учрайди. Қазилманинг жануби-ғарбий қисмида ташқи тош деворига уланган меъморчилик қолдиқлари нисбатан яхши сақланган. Ташқи тош мудофаа девори 15 м узунликда очилиб, сақланган баландлиги 1,20 м. ни ташкил этади. Қазилманинг жануби-ғарбий қисмида ташқи тош девори 2,20 м оралик ҳудудда учрамайди. Деворнинг икки томонидаги қисмларида (8002, 8003) 30 см. ли тошлар билан қурилган. Девор қурилишида гранит, оҳактошдан фойдаланишган. Тош девордаги дарвоза қисми ёдгорликга киришни таъминлаган бўлиб, ташқи ва ички томонларида меъморчилик элементларидан иборат. Дарвоза кенглиги 2,20 м бўлиб, икки тарафдаги девор тугаш қисми айлана қилиб тугалланган. Кейинчалик, дарвоза қисми оралик қисмини тўлдириш билан (8015) нисбатан қисқартирилган. Бу босқичда дарвоза кенглиги 1,3 м. ни ташкил этган. Унинг саҳни тош ва 6-8 см тупроқ қисмидан ташкил топиб, ички ҳудуд поли билан қўшилиб кетган. Ички қурилишда тош деворга (8002) перпендикуляр девор (8023) қурилган бўлиб, қалинлиги 22-24 см, 7,5 м қисми очиб ўрганилди. Шарққа қараб давом этган қисми кейинги даврда бузилган. Девор (8023) 28/30x22/24x10/12 см ўлчамли гиштдан қурилган (2-расм). 4. **Ёдгорликнинг илк ўзлаштирилиши даври.** Ушбу даврда деструкция қатлами (хом гишт, бузилган меъморчилик элементлари) кузатилади. 8-қазилма натижасида ёдгорликнинг дарвозаси ўрни аниқланди.

9-қазилма Бургуттепанинг шимолида жойлашган. Қазилманинг ўрни, релъефи яхши сақланган бўлиб, тепаликнинг энг қия қисмида жойлашган. Ёдгорлик тош девори бўйлаб, 10x7 м ўлчамдаги майдонда қазилма олиб борилди. Қазилмадаги барча қурилишлар ёдгорликнинг асосий ўзлаштириш даврига (8-қазилманинг 3 даврига) тегишли. Ушбу қазилмада ёдгорлик тош деворининг қалинлиги 1,2-1,3 м. Қазилмада ички меъморчилик 8 та бўлмадан иборат (3-расм). Улар жойлашишига кўра икки қисмдан иборат (1, 2, 3, 5 бўлмалар ва 3, 4, 7, 8 - бўлмалар). 9-қазилмадаги аниқланган меъморчилик қолдиқлари қисман ўрганилди. Хоналарнинг вазифаси борасида истиқболдаги қазилмалар давомида аниқлик киритилади.

Топографик тадқиқотлар. Жан-Батист Каверне томонидан Зарабог-Қайрит оазиси ёдгорликлари ва ландшафти тўлиқ топографик тарҳга олинди. Олинган маълумотлар ГИС маълумотлари билан интеграция қилинди. Шунингдек, фотосуратлар Quantum GIS да нукталарлар ўрнига қўйилиб, тарҳлар мукамаллаштирилди. Барча ўлчамлар координаталар билан интеграцияланди. Ҳар бир ёдгорлик ва атрофи рақамли модели яратилди. Бу масалалар истиқболда оазиснинг тўлиқ ўрганилишига ёрдам беради.

Геоманит тадқиқотлари. Пошхурт-Зарабог ботигида аниқланган кўп сонли ҚЯНСМ манзилгоҳларини ҳисобга олиб, ушбу ёдгорликларда геоманит тадқиқотлари олиб борилди. Геоманит тадқиқотларидан мақсад, келгусида амалга ошириладиган қазилма ишларини тўғри йўналишда олиб бориш ва ёдгорликлар архитектурасини ўрганишдан иборат.

Геоманит тадқиқотлари Пошхурт-Зарабог ботигининг қишлоқ типигаги тош девор билан ўраб олинган (Газақўтон, Бургуттепа, Қайриттепа) ва тош девор билан ўраб олинмаган (Қайрит VIII ва Қайрит IX) манзилгоҳларида амалга оширилди.



1-расм. Бургутпена ёдгорлигининг топографик тарҳи ва 8-, 9-қазилмалар ўрни


Геофизик тадқиқотлар франциялик мутахассис Лионел Даррас томонидан геомагнит услуби асосида амалга оширилди. Ушбу услуб жаҳон археологиясида кенг қўлланилиб, археологик тадқиқотларларда ўзининг ижобий натижалари билан эътирофга сазовордир. Геомагнит методининг принципи Ер магнит майдонининг тупроқ ва археологик тузилмаларида кузатиладиган темир оксидлиги мавжудлигини маҳаллий вариациясини ўлчашдан иборат (Aspinall, Gaffney, Schmidt, 2008).



2-рaсм. Бургутена ёдгорлигининг 8-қазимиа тарҳи




3-расм. Бургуттепа ёдгорлигининг 9-қазими тарҳи



4-расм. Бургуттепа ёдгорлиги геомагнит таҳлили тарҳи



5-расм. Кайриттепа ёдгорлиги геомагнит таҳлили тарҳи



6-расм. Газақўтон ёдгорлиги геомагнит таҳлили тарҳи

Кайрит VIII Кайрит IX



7-расм. Кайрит VIII ва Кайрит IX ёдгорликлари геомагнит таҳлили тарҳи

Геомагнит тадқиқотлари G858 (Geometrics Inc.) градиометри билан 1x0,10 м сетка-худодининг 0,50 м ҳудуд интерполяцияси асосида амалга оширилди. Географик ҳудуд мувофиқлиги GPS маълумотлари асосида олиб борилди.

Бургуттепада геофизик тадқиқотлар бутун манзилгоҳ бўйича амалга оширилди (4-расм). Бургуттепа геомагнит тадқиқотлари харитасида тош девор яққол кузатилади ва қазилма амалга оширилган ҳудуд тош девори билан боғлиқликни ташкил этади. Бургуттепа ички ҳудуди геомагнит харитада бир хил ҳолат кузатилиб, марказда бир қанча билинмас тузилмалар кузатилади. 2015 йилда Бургуттепа марказида қазилма олиб борилган бўлиб, меъморий иншоот кузатилмаган. Қазилма натижалари бу қисмда манзилгоҳ эрозияси бўлганлигини аниқлаган ва бу геомагнит тадқиқотларида тасдиқланади.

Геомагнит тадқиқотлари Бургуттепадаги олдинги топографик кузатишлар ва ер усти йиғма сополларини олиш давомидаги аниқланган манзилгоҳ ички қисмида фақатгина маданий қатлам мавжуд бўлганлигини гипотезасини рад этиб, балки манзилгоҳ ташқарисида тузилмалар учрашини аниқлади. Тадқиқотлар натижасида ёдгорлик шимолида тузилма белгилари аниқланди (Расмда қизил чизиқли доирада кўрсатилган). Ушбу тузилма тахминан 1-1,30 м чуқурликда бўлиб, ўлчами 12x10 м. ни ташкил этади. Ушбу ҳудуд юзасида ҳеч қандай топографик белгилари учрамайди. Аммо ушбу ҳудуд

оркали шимол томондаги Қайрит 8, Қайрит 9, Қайрит 16 ёдгорликларини ва Газақўтон атрофларини бемалол кузатишимиз мумкин. Балки бу ўзига хос кузатув пункти колдиклари бўлиши мумкин. Ёдгорликни жанубий қисмида ҳудудни иккига бўлувчи белгилар аниқланган бўлиб (чегара расмда тўқ мовий рангда берилган), ушбу чизикдан шарқда тузилма белгилари кузатилмайди. Чизикдан гарбда маълум бир тузилмалар кузатилади. Балки бу ёдгорликка кириш йўли тизими билан боглик бўлиши мумкин.

Қайриттепада геомагнит тадқиқотлари 2018 йилда қазишма қилинган ҳудуддан шимолда амалга оширилди. Геомагнит тадқиқотлари харитасида (5-расм) қазишма қилинган ҳудуд орасидаги чегара яққол кузатилади. Ёдгорлик бўйлаб турли хил аномалиялар мавжуд. Шу биргаликда 2 м кенгликдаги иккита коридор қайд этилди. Биттаси шимолдан жанубга, иккинчиси шарқдан-гарбга йўналган (Расмда яшил чизик билан берилган). Бундан ташқари тўғри тўртбурчакли ҳудудда (5x3 м) бир хил ҳолат, унинг шарқи ва гарбида чизикли аномалия кузатилади (мовий чизиклар). Бошқа тасодифий аномалия ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни ҳолати бўйича ҳозирча аниқ бир нарса дейиш қийин.

Газақўтон. Геофизик тадқиқотлар манзилгоҳнинг марказий қисмида, 1 га ҳудудда олиб борилди. Натижада баъзи ҳудудларда архитектура белгилари - яъни, Газақўтон тош девори, жанубда 20 м узунликдаги йўлак кўзга ташланади. Икки томонида тош девор қад кўтарган. Бу ўзига хос дарвозахона ролини бажарган. Тош девори ичидаги 0,7 га ҳудудда бир қанча аномалиялар кузатилади ва бу ички қисмда архитектура қолдиклари учраши мумкинлигинидан далолат беради. Баъзи бир аномалияларда мувозанат, тартиб бўлсада, аммо ҳозирча ёдгорлик архитектураси бўйича бир маълумот мавжуд эмас. Шунингдек, 6 кв.м. дан 18 кв.м. гача бўлган ҳудудда аномалиялар қайд этилсада, аммо ҳозирда Газақўтонда қазишмалар олиб борилмаганлиги туфайли бу ҳақда бир нарса дейиш қийин.

Қайрит 8 ва Қайрит 9 ёдгорликларида ташқи тош девори кузатилмаган бўлиб, уларнинг архитектураси геомагнит тадқиқотлари асосида ўрганилди (7-расм). Тадқиқотларда иккита ёдгорлик ҳудуди 2 га биргаликда ўрганилди. Ёдгорликлар орасидаги богликликни аниқлаш мумкинлиги эътиборга олинди. Шимол-жануб йўналишидаги 10 м. ли ҳудудда бир қанча аномалия ҳолатлари кузатилди (Расмда сариқ доира ичи). Қайрит 8 жанубида 0,2 га ҳудудда кичик плато аниқланди. Жануби-шарқий ҳудудда геомагнит тадқиқотлари давом эттирилиши ҳудуд топографияси бўйича қўшимча маълумотлар олинishi мумкин.

2018 йилда олиб борилган тадқиқотлар давомида Зарабоғ-Қайрит оазисида Кучук I даврига 5 та ёдгорлик ўрганилди (Бургуттепа, Қайриттепа, Газақўтон, Қайрит 8 ва Қайрит 9). Ҳар бир ёдгорликда топографик ва геомагнит тадқиқотлари олиб борилди. Олиб борилган тадқиқотлар оазиснинг тўлиқ харитасини яратишда, шунингдек, унинг Шимолий Бактрия Кучук I даври ёдгорликлари орасидаги ўрни аниқлашда муҳим ўрин тутди.

Изоҳлар

¹ Экспедиция Шеробод тумани Зарабоғ, Қайрит қишлоқларида июн-июл ойларида ўз тадқиқотларини олиб борди. Экспедиция таркибида Ўзбекистон томонидан Ш.Б. Шайдуллаев (экспедиция бошлиғи), О.А. Хамидов, А.Ш. Шайдуллаев, Қ.Б. Тошалиев; Франция томонидан Ж.

Люилье (экспедиция бошлиги), Ж. Бессеней-Пролонг, Ж.-Б. Каверне, Л. Даррас, З.Ҳошими иштирок этишди.

² Қазишма микростратиграфия услубида олиб борилган бўлиб, ҳар бир белги-қатлам рақамланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Aspinall A., Gaffney C., Schmidt A. Magnetometry for Archaeologists. Alta Mira Press. Lanham, 2008.
- Kysela J., Stančo L., Shaydullayev Sh., Palmeri G. Preliminary Report on Excavations at Burgut Kurgan in 2016 // Studia Hercynia XXI/1 Prague, 2017.
- Kysela J., Augustinová A., Kinaston R. Preliminary Reports on the Excavations at Burgut Kurgan and Bobolangar in 2017 // Studia Hercynia XXII/1 Prague. 2018.
- Stančo L., Shaydullaev Sh., Bendezu-Sarmiento J., Pažout A., Vondrova H. Kayrit Burial Site (South Uzbekistan): Preliminary Report for Season 2014 // Studia Hercynia. XVIII/1–2. Prague, 2014.

ҚЎЙТЕПАДА 2019 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА ҚИСҚАЧА МУЛОҲАЗА

Кириш

ЎзР ФА Я. Фуломов номидаги Археология институти билан Неапол Университети (Италия) ўртасида тузилган Ўзбекистон-Италия (Неапол) халқаро экспедицияси 2019 йилда Самарқанд вилояти Пастдаргом тумани Чандир қишлоғи ҳудудида жойлашган Қўйтепа ёдгорлигида археологик қазув тадқиқотларини (4 сентябрдан 2 октябргача) давом эттирди. Қўйтепа ёдгорлиги ўтроқ дехқон ва кўчманчи чорвадор маданиятига оид икки хил турмуш тарзига эга қадимги аҳоли жойлашган катта ҳудуднинг чегара қисмида бунёд этилган бўлиб, айна пайтда ушбу мавзеда сугорма дехқончилик (пахтачилик, галлачилик, богдорчилик)нинг катта-катта пайкаллари мавжуд (1-расм).

Шунингдек, Қўйтепанинг гарбий, шимоли-гарбий, жануби-гарбий қисмида, хусусан Пастдаргом чўл-дашт зонасида ўтмишда чорвадор аҳоли хўжалигини юритиш учун яйловбоп ерлар кўп бўлганлиги географик жойлашув ва иқлим шарт-шароитларидан маълумдир. Ушбу мавзеда жойлашган, Даргом бўйи чўлдашти билан туташиб кетган Сазагон, Оҳалик, Миронкўл қишлоқлари атрофида ўтказилган археологик қидирув ишлари натижасида, бир қатор мозоркўргонлар гуруҳи аниқланиб, мазкур мавзе камида антик даврдан бошлаб чорвадор қабилалар томонидан ўзлаштирилгани тасдиқланган. Хусусан, Оҳаликсой ҳавзасидан топилган мозоркўргонларнинг энг қадимийси мил. эр. авв IV-III асрлар билан даврланган (Обельченко, 1972. С. 56-72).

Чорвадорлар маданиятига тегишли ушбу мозоркўргонлар асосида мазкур микро минтақанинг қадимги тарихий ҳаёт тарзи, хўжалиги ҳақида муайян фикр айтиш имконияти вужудга келган. Бир ёнда йирик Даргом ва Эски анҳор каналлари, иккинчи томонда ҳосилдор сугорма дехқончилик ерлари, у ердаги мавжуд турар-жой ёдгорликлари мазкур ҳудудни кўчманчи чорвадор ва ўтроқ дехқон аҳоли ўртасидаги чегара зонаси, Қўйтепага ўхшаш яхши мудофаа тизимига эга иншоотларни чегара постлари сифатида талқин қилиш учун асос бўлади. Ҳақиқатан ҳам Қўйтепа ёдгорлиги ўз периметри бўйича мудофаа хандаги ва тўрт тарафдан мудофаа деворларига эга. Ёдгорликнинг асосий қурилишлари марказда жойлашган арқда бунёд этилган. Арқ жанубий мудофаа девори билан эни 3 метрга тенг кўтарма йўлак орқали боғланган. Бу эса арқнинг кириш-чиқиш комплекси жануб томонда эканлигини кўрсатади. Қўйтепа мудофаа деворлари яхши сақланган ҳолда шимолий деворнинг шарқий қисми ер ишлари даврида суриб ташланган. Ёдгорлик микрорельефига кўра, қалъанинг дарвозаси айнан

мана шу сурилган худудда бўлган кўринади, чунки бошқа томонлар деворларида дарвоза “изи” умуман мавжуд эмас.

Ўтган қазув ишлари давомида Қўйтепа маданий қатламларидан олинган топилма ва қайд этилган меъморий-қурилиш қолдиқлари милодий эр. авв. II-I асрлар, милодий I-II асрлар билан даврланган (Абдуллаев, Дженито, 2012. С. 22).

Қазув ишлари

2019 йил археологик дала мавсумида қуйидаги ишларни бажариш мақсад қилиб олинди.

Аввалги йил давомида ўтказилган қазув участкаларидаги ишларни давом эттириш, қазув майдонини шарқ, гарб ва жануб томонга кенгайтириш;

- Маданий қатламларнинг стратиграфияси асосида планиграфик усулда очилган қазув майдонлари ҳажмини кенгайтириш, хронология, аналогия, типология мақсадларида максимум даражада археологик артефактларни кўпайтириш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари доирасида қазиб очилган маданий қатлам худудларини замонавий технологиялар асосида фотосуратга олиш, юқори даражадаги фиксация ишларини амалга ошириш.

2019 йилда ўтказилган қазишма ишлари асосан 2018 йилда очилган 25, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38 квадратларда давом эттирилди. Қазув ишлари давомида Ўзбекистон томонидан – 8 та (2 та илмий ходим, ҳайдовчи, 5 та ишчи) Италия томонида 6 та мутахассис ва ишчилар қатнашди. Қазув ишлари аркнинг шарқий, гарбий мавзеларида юқорида қайд этилган квадратлар ва уларни атрофида ўтказилди.

Шарқий мавзедаги қазишмалар.

Қўйтепада дастлабки қазув ишлари аркнинг марказий ва шимоли-шарқий қисмида бошланган бўлиб, ўтган йиллар давомида “раскоп” шарқ ва жануб томонга кенгайтиб борган. Натижада, бу ерда 1-2-3- хоналар очилиб Қўйтепанинг илк қурилиш-меъморий хусусиятларидан бохабар бўлинган. Ҳисобот йилида 3-хонани очиш ва тозалаш ишлар давом эттирилди. 3-хонанинг ички тўлами таркибида қулаган пахса, гишт парчалари бўлган нисбатан қаттиқ тупроқ қатлами, саргиш маллатоп рангли юмшоқ ва лойқасимон тупроқ қатламларидан иборат (2-расм).

3-хона деворлари йўналиши очилганда у яхлит бир хона сифатида қабул қилинди ва унинг деворлари ўлчамлари қуйидагича қайд этилди: шимолий девор - 4,7 м, шарқий девор - 3,8 м, жанубий девор - 4,7 м, гарбий девор - 3,8 м. Кейинчалик, маълум бўлишича, ушбу яхлит хона иккига шимол-жануб йўналишида ажратилган бўлиб, унинг ҳажми қуйидаги шимолий ва жанубий девор узунлиги - 2,3 м, шарқий девор - 3,6 м, гарбий девор - 3,8 м ўлчамларда бўлган.

Ҳисобот берилаётган йилда Қўйтепа аркининг шарқий мавзеси 41 квадратларда ҳам қазув ишлари бошланди.


Натижада, 3-хона меъморий қурилиши учун пахса блоклари ва қисман квадрат шаклидаги хом гиштардан фойдаланилгани аниқланди, деворларнинг ҳозирги очилган қисми баландлиги 70-80-85 см.га тенг бўлиб, пол сатҳи аниқланмади (3-расм).

Гарбий мавзеда ўтказилган қазув ишлари.

Қўйтепа қалъасининг аркида олиб борилаётган планиграфик қазув ишларининг асосий қисми арк шимолий мудофаа деворининг шимоли-гарбий ва гарбий мавзеида амалга



1-расм. Қўйтепанинг фазодан кўриниши



2-расм. 3-хона. Девордаги оқ ва қора сувоқлар



3-расм. 3-хона. Қазиманинг ғарбдан умумий кўриниши



4-расм. Қўйтена. Ғарбий мавзедаги қазув ишларининг умумий кўриниши



5-расм. Қадаҳнинг гардиш қисми



6-расм. Хўжалик хуми




7-расм. Қадақларнинг тағ қисми



8-расм. Сополдан ишланган урчуқбоши



9-расм. 4-хона. Хўжалик хумлари



10-расм. Қазув ишлари плати

оширилиб бу ерда 2 та хона ва муайян ҳажмда ҳудуд (бу ҳудуд эҳтимол қандайдир хонанинг ички томони -П.М.) очилган. Қазув ишлари ўтказилган участканинг кўриниши лотинча L ҳарфсимон шаклда бўлиб, шарқ-гарб йўналишида чўзилиб кетган. Ғарбий қазув участкаси сифатида белгиланган ушбу қазув ҳудудининг жанубий томони - 5,5 м, шимолий томони - 3,7 м, шарқий томони - 3,0 м, гарбий томони - 1,5 м кенгликда очилган (Bruno, Pardaev, 2019. P. 48) (4-расм).

Қўйтепа аркининг ушбу қисмида ҳисобот йилида ўтказилган қазув ишлари давомида 40, 42-квадратларини очиш бошланди. Бу ердаги қатламлар оч малла рангли қаттиқ тупроқ қатлами билан қопланган, эҳтимол бу қандайдир хона деворларининг тепа қисмини емирилиб кулашида ҳосил бўлган қатламдир. 40-квадратнинг жанубий қисмида ўлчамлари 40x40 см.га тенг квадрат шаклдаги хом гиштлардан икки қатор қилиб терилган, умумий узунлиги - 2,5 м.га яқин девор қолдиги топилди. 40-квадратнинг шимолий қисми ниҳоятда қаттиқ қатлам билан қопланган ва бу ерда хом гишдан кўтарилган иншоотнинг излари мавжуд эмас.

Қазув ишлари давомида 42-квадратда олиб борилган қидирувлар анча муваффақиятли бўлди. Бу участканинг юза қисми юмшоқ тупроқ қатлами билан қопланган бўлиб, ундан нисбатан кўп сонли кулоллик идишлари намуналари (қадах, хурмача, кўза, хум, қўл тегирмон, тош парчалари) қайд этилди (5-8-расмлар).

Қазув участкасининг шарқий қисмида шимол-жануб йўналишида чўзилган деворча қайд этилди ва бу деворча баъзи мулоҳазаларга кўра, супа бўлиб, унинг узунлиги - 2,5 м.га, эни - 39-45 см.га тенг. Бу ҳудуд ҳам қандайдир хонанинг ички сатҳи бўлиб, унинг пол қисми ҳозирча қайд этилмади. Айнан ушбу ҳудудда 42-квадрат тартиб билан ҳисоблаб қайд этганда 4-хона фаолиятда бўлган, деб айтиш мумкин (9-расм).

Хулоса

Хулоса қилиб, фикр билдириш мумкинки, Қўйтепа қалъаси ўз функциясига мувофиқ чўл-дашт ва зироаткор, дехқончилик воҳаси сарҳадларида бунёд этилган чегара постлари (қалъа) дан бири бўлган. Бундай фикр юритишимизга сабаб, Қўйтепа арки планиграфиясининг шаклидир. Ҳали тўлиқ очилмаган бўлсада аркнинг меъморий қурилиш планиграфияси арк мудофаа деворлари ички периметрлари бўйича бунёд этилган айлана коридорсимон, бир-бири билан узвий туташиб кетган хоналардан иборат. Айнан шундай планиграфия асосида қурилган коридор Қўитепанинг шимолий мудофаа деворлари бўйлаб қурилган ва шарқий, гарбий деворлар ёқалаб давом этган (10-расм).

Бундай режали асосда қурилган иншоотлар мудофаа учун ниҳоятда қулайлиги сабабли Сугд, Уструшона, Хоразм каби тарихий маданий ўлкаларда антик ва илк ўрта асрларда кўплаб бунёд этилган. Қўйтепа ҳам топилмалар таҳлилига қараганда, антик даврда қурилган. Унинг дастлабки фаолият босқичи эллилар даври билан саналаниб, бу мил. эр. авв. II-I асрларни ўз ичига олади (Абдуллаев, Дженито, 2012. С. 22). Қўитепанинг иккинчи фаолият даври юэчжиларни кириб келиши ва эҳтимол, кушонлар даври хронологияси билан муштарак бўлган. Лекин таъкидлаш жоизки, кушонлар моддий маданиятининг аниқ, мумтоз намуналари, нафақат Қўйтепа маданий қатламларида, балки бутун Марказий Сугд минтақасида деярли учрамаслиги фанда расман эътироф этилган ва қабул қилинган. Қўитепанинг асосий фаолият даврини милодий I-III асрлар билан даврлаш мумкин. Қўитепанинг жанубий мудофаа деворидан

олинган илк ўрта аср (V-VI) ларга оид материалларга асосланиб, бу ердаги ҳаётнинг охирги босқичи эфталийлардан кейин бутунлай тўхтаган, деб ҳисоблашга асос бўлади (Bruno, Pardaev, 2019. P. 63). 2019 йилги қазувлар эса Қўйтепа фаолиятини мил. эр. авв. I-милодий I-II асрларда кечган даврлари маданий қатламлар билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

- Абдуллаев К., Бруно Дж. Археологические работы на Койтепа (Пастдаргомский район, Самаркандской области, июнь-июль 2011 г.) // Археологические исследования в Узбекистане 2010-2011 года. Вып. 8. Самарканд, 2012.
- Обельченко О.В. Агалыкские курганы // ИМКУ. Вып. 9. Ташкент, 1972.
- Bruno Genito, Mukhtor Pardaev. Report Kojtepa, 2019.

СОДЕРЖАНИЕ

Абдуллаев Б.М., Рахманов З.О., Камбаров Н.Ш., Позилжонов А.Р. Полевые исследования 2018 году на Коштепа-2 в Андижанской области	5
Абдуллаев Б.М., Позилжонов А.Р., Рахимов И.Д. Пятый сезон исследований Коштепа-2 в Андижанской области	9
Аванесова Н., Луно Э., Эргашев О., Холматов А. Кўшрабод туманида 2018-2019 йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар	12
Анарбаев А.А., Кубаев С., Насриддинов Ш., Оманов Ш., Муродалиев Р., Пардаев М. 2018–2019 йилларда Ахсикент ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар	20
Аннаев Т.Ж., Аннаев Ж.Т., Нормуминов М.Б Археологические работы и маршрутные исследования в Узунском тумане Сурхандарьинской области	30
Баратов С.Р., Садуллаев Б.П., Рахимов Ш. Археологические исследования на поселении Хумбузтепа в 2017–2018 годах.	34
Бердимуратов А.Э., Ванг Цзянь Синь, Лянг Сао Хуи, Хасанов М., Аннаев Ж., Хамдамов С., Арзиев К., Хамиджанова М. О работах совместной Узбекско-китайской археологической экспедиции на территории Узунского района Сурхандарьинской области в 2019 году.	43
Бердимуратов А.Э., Суюнов С.С., Раҳмонов Ҳ.Ў. Шероз қалъа ёдгорлигида 2019 йилда олиб борилган археологик қазув тадқиқотлари	47
Бердимуратов А.Э., Хирофуми Т., Богомолов Г.И., Такао У., Мураками Т., Бегматов А., Тамоюки У. Археологическое исследования городища Кафиркала в 2018 г.	52
Бердимуратов А.Э., Хирофуми Т., Богомолов Г.И., Такао У., Мураками Т., Бегматов А., Тамоюки У. Археологическое изучение городища Кафиркала в 2019 г.	60
Богомолов Г.И., Мусакаева А.А. Клад металлических изделий с городища Канка	76
Ван Ш., Мирзаахмедов С., Штарк С. Раскопки курганов у оазисной стены Кампир девор Бухарского Согда в 2018 году (Лявандак и Кызыл-тепа)	82
Грицина А.А., Рахимов К.А., Мамиров О.У., Содиқов Х.М., Алманов Қ. Кўхна Ховос ёдгорлигида 2018-2019 йилларда олиб борилган тадқиқотлар	93
Ильясова С.Р., Максудов Ф.А., Хамидов О.А., Лингмей Лин, Вульферт Э.Ф., Нормуродов Д.Р. Раскопки на Куюне в 2018-2019 годах	99
Ильясова С.Р., Вульферт Э.Ф. Исследования на памятнике Шодмалик-ота в 2018-2019 гг. (Ахангаранский район, Ташкентская область)	113

Ильясова С.Р., Вульферт Э.Ф., Нормуродов Д.Р. Новый пункт оссуарных находок в Ташкентской области	131
Мамиров О.У., Грицина А.А., Рахимов К.А. Тўрткўлтўбатепа ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар	136
Матбобоев Б.Х., Джу Янгши., Хошимов Х., Мамиров О., Алиохунов А., Хакимов А. Мингтепада 2018-2019 йилларда олиб борилган археологик ишлар	143
Матбобоев Б.Х., Шого К., Абдуллаев Б.М., Хошимов Х., Эркинова З. 2018-2019-йилларда Далварзин шаҳар харобасида олиб борилган тадқиқотлар (Андижон вилояти)	149
Матякубов Х., Нормуродов Д., Исабеков Б., Исмаилов У. “Эртош Дўлана” ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар	155
Мирзаахмедов Д.К., Поззи С., Винченци И., Искандерова А., Мирзаахмедов С., Султанова М. Археологические исследования на цитадели Варданзе в 2019 г.	165
Мирзаахмедов Д.К., Ранте Р., Торгоев А., Адылов Ш.Т. Археологические исследования у юго-западного угла старого шахристана Бухары в 2019 году	184
Мирзаахмедов Д.К., Холов Д., Мирзаахмедов С., Султанова М. Археологические исследования на Восточном и Северном участках раскопа старого шахристана Бухары в 2019 году	203
Мирзаахмедов Д.К., Штарк С., Кидд Ф., Поззи С., Мирзаахмедов С., Сильвия З., Рахмонов Х., Слигарь М. Археологические исследования на Баштепинской группе памятников Бухарского оазиса в 2018 году	219
Муродалиев Р., Рахманов З., Хўжамов С., Қамбаров Н., Хомиджонова М. Сўфон мозоркўргонида 2019 йилда олиб борилган янги тадқиқотлар	233
Мусакаева А.А. О новых находках из Согда и Чача	241
Омельченко А.В., Мирзаахмедов Д.К., Кулиш А.В., Паршутто В.А., Хужамов С., Рахимов К.А., Мирзаахмедов С.Д., Холов Д.О., Собиров Э.Н., Тойиров Р.М., Собиров Н.Д., Собиров И.Н. Археологические исследования в Пайкенде в 2019 г.	247
Пардаев М.Х., Пардаев Ш.М., Раҳмонов Ҳ.Ў., Болиев Б. Қалиятепанинг эхтимолий “дахма”сида олиб борилган қазув ишларига доир	262
Раҳмонов Ҳ.Ў. Қоратепа ёдгорлигида 2019 йилда олиб борилган археологик тадқиқотлар хусусида	278
Саидов М., Kim Hwanil, Kang Ji Won, Асланов А., Cho Sang Gi, Бердимуродов А, Бадриддинов Д., Кадиров Т. Қулдортепада ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар	282
Саидов М., Назаров А., Сандибоев А. Навоғтепа ёдгорлигида олиб борилган қазишма ишлари	289

Саидов М., Нормуродов Д., Очилов Ш. Афросиёб ёдгорлигида амалга оширилган қазилма ишлари	294
Саидов М., Жўраев Ф., Пардаев М. Сўх туманида олиб борилган археологик кузатув ишлари	296
Сайфуллаев Б.К., Синг Ж., Хасанов М.Х., Эргашев О.Т. Отчет о работах в Тода-1 за 2018 год.	299
Суюнов С.С., Раҳмонов Ҳ.Ў., Асланов А. Самарқанд вилояти Жомбой туманида 2019 йилда олиб борилган археологик тадқиқотлар	302
Хожаниязов Г., Беттс А., Искандерова А., Минарди М., Торениязов А., Бекбаулиев А., Ходжалепесов И. Работы на Акшахан кале в 2018-2019 гг.	306
Холиков З.Э., Ивамото Атсутши Шимолий Бақтриядаги энг йирик ступа ёки Зурмала ёдгорлиги қазилмалари ҳақида	312
Холиқов З.Э., Сиголен де Понтбрианд, Лериш П. Чингизтепада олиб борилган археологик изланишлар	317
Холматов Н.У. Сазогон - 3 неолит макони	332
Ҳўжаназаров М., Брунет Ф., Хошимов Ҳ., Даветян Г. Ўзбекистон-Франция “Зарафшон неолит даври” экспедициясининг 2018-2019 йилларда олиб борган археологик изланишлари	339
Ҳўжаназаров М., Кот М., Шимчак К., Павленок К., Павленок Г., Холматов А. Ўзбекистон-Польша-Россия тош даври экспедициясининг 2018-2019 йилларда олиб борган археологик тадқиқотлари хусусида	346
Шайдуллаев Ш.Б., Станчо Л., Хамидов О.А., Августинова А., Ҳавлик Я., Ҳавликова Ҳ., Цейнарова П., Вотроубекова Т., Дамашек Л., Бек Т., Кмошек М., Мах П. Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедициясининг 2018 йилда Сурхондарё вилоятида олиб борган археологик тадқиқотлари	355
Шайдуллаев Ш.Б., Люилье Ж., Хамидов О.А., Шайдуллаев А.Ш., Бессенай-Пролонг Ж., Каверне Ж.-Б., Даррас Л., Ҳошими З. Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедициясининг 2018 йилда Сурхондарё вилоятида олиб борган археологик тадқиқотлари	362
Пардаев М., Бруно Ж., Пардаев Ш. Қўйтепада 2019 йилда ўтказилган археологик тадқиқотлар	371

**АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
В УЗБЕКИСТАНЕ - 2018-2019 ГОД**

Выпуск 12

Сборник результатов археологических работ
за прошедшие полевые сезоны

Утверждено к печати решением Ученого совета
Национального центра археологии АН РУз

Ответственный редактор

Ф.А. Максудов

Составитель

М. Саидов

Редакторы

М.Х. Пардаев,

Дж.К. Мирзаахмедов

М.В. Кондрикова

Технический редактор,

компьютерная верстка

Т.Х. Очиллов

На обложке: культовый предмет из Сохского оазиса
(Ферганская долина)

ISBN 978-9943-5505-6-8

Сдано в набор 15.05.2020. Подписано в печать 21.09.2020.
Формат 60x84 ¹/₁₆, Усл.п.л. 26,5. Тираж 200. Заказ 492.

Отпечатано в Национальном центре археологии
Самаркандском Институте археологии АН РУз.
140151, г. Самарканд, ул. акад. В. Абдуллаева, 3

ISBN 978-9943-55-056-8



9 789943 550568